




ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

*Наврўзи олам муборак,
азиз юртдошлар!*



“МУНОСИБ ЯШАМОҚ БАХТИ” – СУДЬЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан судьялар ва судлар аппарати ходимларининг маънавий ва маърифий қарашларини юксалтиришга қаратилган бир қатор хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқдаки, булар нафақат судьялар ҳам-жамияти аъзолари, балки кенг жамоатчиликнинг маънавияти юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, мамлакатимиз ҳуқуқий тараққиётига ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан муносиб улуш қўшган ҳуқуқшунослик соҳаси даргаларининг мазмунли умр йўлларидан бугунги ва келажак авлодни бохабар қилиш мақсадида, улар ҳақидаги китобларни нашр қилиш анъанага айланди.



Анъаналар чархпалак каби бир-бирини такрорлаб, давом этар экан қадриятларга айланади. Қадриятлар эса кишилар маънавиятининг чироқларидир. Ана шу маънода 2023 йилнинг илк кунларида яна бир китоб ўз ўқувчиси қўлига етди. Бу – машҳур ҳуқуқшунос, умрининг моҳиятини жамиятга наф келтиришда деб тушунадиган ва шунга интилиб яшаётган юртдошларимиздан бири, узоқ йиллар суд-ҳуқуқ тизимида самарали иш олиб борган I-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, таниқли давлат ва жамоат арбоби Алишер МАРДИЕВ ҳақидаги китобдир.



Ўқувчини тўғри, пок, ҳалол бўлишга чорлайдиган “МУНОСИБ ЯШАМОҚ БАХТИ” китобида юқорида баён қилинган фазилатлар чуқур фалсафий тарзда, кўплаб ибратли маълумотлар билан баён этилган. Уни ўқиганингиз сари адолат, поклик бизга қанчалик зарурлигини, агар тўғри йўлдан юрсак ҳаётимиз қувончли ва хавотирсиз бўлишини тушуниб, англаб бораверасиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Арс...

МУНОСИБ
ЯШАМОҚ



ОЛИЙ КЕНГАШИНING НАВБАТДАГИ ЛОЙИХАСИ


ОЛИЙ КЕНГАШИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ОЛИЙ КЕНГАШИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ОЛИЙ КЕНГАШИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ

МУНОСИБ
ЯШАМОҚ БАХТИ

Халқмизга хос бўлган миллий қадриятларимиздан бири шубҳасиз ўзи қадрлаган, эъозлаган нарсани бошқаларга ҳам илиниш, улар билан баҳам кўриш ҳиссидир. Меҳнати маҳсулидан ўзгаларнинг баҳраманд бўлганини кўриш эса кишига олам-олам завқ бағишлайди. Шу маънода 2023 йил 3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан нашр этилган “Муносиб яшамок бахти” номли китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тақдимотда мамлакатимиз ҳуқуқшунослик соҳасининг ривожига катта ҳисса қўшган таниқли ҳуқуқшунослар, суд тизими фахрийлари, эл суйган ёзувчи-шоирлар ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ўзларининг билим ва салоҳиятларини аямай Алишер Мардиев билан бир сафда туриб хизмат қилган таниқли сиёсатчилар, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этдилар. Иштирокчилар томонидан билдирилган фикрлар китобнинг маънавий-маърифий аҳамияти нақадар юксак эканлигидан далолат беради.

Инсон кексайган чоғи ортига боқиб, умр йўлларини сарҳисоб қилар экан бошиб ўтган йўли бошқаларга ибрат, сўзлаган ҳар бир сўзи сабоқ олишга арзирли эканидан қаноатланади. Яшашдан мақсад умрни манзилга шунчаки етказиш эмас, муносиб тарзда етказишдан иборат эканини англайди. Мана шу ҳақиқатни ёш авлод онгига сингдиришга ўзини бурчли деб билади. Шунинг учун, ўзини англаган ҳар бир киши ўз умрини муносиб тарзда яшаб ўтишга интилади. Мазмунли ва гўзал яшамок эса ўзлигини англаган кишиларга хос фазилатдир. “Муносиб яшамок бахти” китоби фалсафаси ҳам шу.



Валишер КАРАМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди судьяси.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илхом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 23.03.2023 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ.

Буюртма № 12. Адади 2 300.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“НАКИМА NASHR GROUP” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100 057,

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани

Ифтихор кўчаси, 117-уй

МУНДАРИЖА**МУНОСАБАТ****6****“ЎҚИГАН БИЛАДИ, БИЛГАН АМАЛ ҚИЛАДИ”****7****ИБРАТ МАКТАБИ****КУН МАВЗУСИ****8****ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЛАНАЁТГАН
КОНСТИТУЦИЯ****9****ТАЛҚИН****СУДЬЯ ФАОЛИЯТИДАГИ СТРЕСС****ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ****13****ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ ВА
МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ
ШАФФОФЛИК****14****КАФОЛАТЛИ ВА КОМПЕНСАЦИЯ
ТЎЛОВЛАРИ:
АМАЛДАГИ ВА ЯНГИ КОДЕКСДАГИ
ФАРҚЛАР****ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ****15****НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚА
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ
ДОИМИЙ ВАКИЛИ
ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ
МАСАЛАЛАРИ****17****ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ****АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ
МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ФОРС-МАЖОРГА
ОИД СУД АМАЛИЁТИ**

МУЛОҲАЗА

20

**ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР ЮЗАСИДАН
ФУҚАРОЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ
МАСАЛАЛАРИ**

23

ИБРАТ

ТАРБИЯ ИБРАТ БИЛАН БЎЛАДИ

ЯНГИ БОСҚИЧ

24

**МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ
АМАЛГА ОШИРИШДА ИЧКИ
ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ
ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИ**

26

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

**ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН
ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРГАНЛИК УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК**

ТАДҚИҚОТ

28

**БОСҚИНЧИЛИК ТУШУНЧАСИ ВА
МОҲИЯТИГА ОИД ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР**

30

**МИЛЛИЙ ГВАРДИЯНИНГ ЕТИМ ВА
ҚАРОВСИЗ БОЛАЛАР ҲУҚУҚ ҲАМДА
МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

33

**ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ИНТИЗОМИЙ
ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ
ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ**

36

**ФРАНШИЗИНГ ШАРТНОМАСИДА
УЧИНЧИ ШАХСЛАРНИНГ
МУТЛАҚ ҲУҚУҚЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИ**

39

**АЙРИМ МАМЛАКАТЛАРДА ДАВЛАТ
ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ ЎТАШ
ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ЖИҲАТЛАРИ**

42

**КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТИ УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШИНИНГ
ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ**

44

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА
ҚОНУНИЙЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ – КОРРУПЦИЯНИ
ЖИЛОВЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ**

46

**ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШДА
ПРОКУРОР ИШТИРОКИ:
ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА
ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

50

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОНУНЧИЛИК
ИСТИҚБОЛЛАРИ:
ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ
ДАВЛАТЛАР МИСОЛИДА**

55

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

**СПЕЦИАЛЬНЫЕ ТРЕБОВАНИЯ
ДОПУСТИМОСТИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ,
ПОЛУЧЕННЫХ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ
ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНЫХ
МЕРОПРИЯТИЙ НА СТАДИИ
ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ**

HUMAN AND LAW

61

**LEGAL REGULATION OF
AGRICULTURAL LAND RECLAMATION
IN THE LAND CODE OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN**



**Мавлудахон
УММАТОВА,**

Фаргона вилоят
судининг иқтисо-
дий ишлар бўйича
судьяси

“ЎҚИГАН БИЛАДИ, БИЛГАН АМАЛ ҚИЛАДИ”

Судьяликка энди тайинланган йилларимда одамларнинг “судда фидойилик билан ишлайдиган судьялар анқонинг уруғи, ҳаммаёқ таниш билиш бўлиб кетган” сингари гап-сўзлари хаёлимни банд қиларди. Гоҳида кимнингдир юқоридаги каби гапи қалбимда қоларди, яна бошқа сафар аламли бир вазият дилимни оғритарди. Кейинчалик вақтлар ўтиб иш фаолиятим давомида кўплаб суд жараёнларида қатнашиб, ҳар турли инсонларни кўриб, одамларнинг ҳолидан воқиф бўлиб, тажрибам ошғач, ҳеч нарсани ўйламай ўз ишимни яхши бажаришга ҳаракат қиладиган бўлдим. Фақатгина уйқуга ётиш олдидан 30-40 дақиқа вақтимни маърифий китоб муролаасига бағишлайман. Хаёлимни кишилар ва уларнинг гап-сўзлари, кундалик ташвишлардан фориғ қиламан.

Сўнгги маротаба “МУНОСИБ ЯШАМОҚ БАХТИ” китобини ўқиб чиққанимдан сўнг эса қалбимдаги барча оғриқли тугунлар бутунлай ечи-либ кетгандай бўлди. Халқимизнинг фидойи, ватанпарвар фарзандининг умр йўлидан, катта ҳаётий тажрибасидан ўзим учун бир қатор эзгу фазилатларни ўзлаштирдим. Китобда менга ёққан сатрлар жуда кўп, лекин ундан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қилсам:

“Қадимги Хитой файласуфи Конфуций “Ўқиган билади, билган амал қилади”, дейди. Қодирий таъбири билан айтганда, “...тарихимизнинг энг қора ва чиркин даврлари...” илмсизлик оқибатида содир бўлган. Ҳозирда ҳам қайси бир соҳада оқсоқлик кўзга ташланса, билинги ўша жойда илмий салоҳият, интеллектуал жараён ривожланмаган, таниш-билишчилик, қариндош-урувчилик, ошно-оғайнигарчилик иллати урчиётган бўлади. Бу эса, жамият мувозанатини издан чиқаради. Коррупция авж олишига олиб келади. Конституциявий меъёрларнинг бузилишига сабаб бўлади. Ахир, биз бош қомусимизда давлатнинг манбаи халқ дедик. Инсон омили, унинг дахлсизлигини энг олий қадрият, деб белгилаб қўйдик. Ҳуқуқий демократик давлатимизнинг учта асосий устунни – бири-биридан мустақил, бир-бирини тийиб туришга асосланган учта ҳокимият ва унинг ваколатларини қонунан мустаҳкамлаб қўйдик. Амалига қолганда айнимаслик – илмга интилиш орқали таъминланади. Сабаби илм ақлни чархлайди, ақл эса бошқа барча аъзолар фаолиятини мувофиқлаштириб туради.”

Бу каби маърифий фикрларни ўзида мужасам этган китобларни мунтазам ўқиб бориш қайси соҳа эгаси бўлмасин ўқувчининг ақлини, меҳнат салоҳиятини, ҳодисаларни тезда англаб тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини кучайтиради. Ана шу томонлари билан кишилар тақдири борасида бевосита ҳукм чақариш касби этагини тутган судьялар учун бундай китоблар қадрли. Бундан ташқари, Алишер Мардиев каби ҳалол замондошларимизнинг қийин вазиятларда ҳам тўғри йўлдан юргани биз каби издошларида маъ-

рифий тарбияни кучайтиради. Боиси, ўз соҳасида чуқур илм ўрганиш уни муваффақиятлар сари етакласа, маърифий китоблардан оладиган тарбиямиз кучимизни, илмимизни, салоҳиятимизни фақат ҳақиқат ва халқ учун манфаатли йўлларда сарфлашга ундайди. Яъни, тарбия нафсни қийнаш эвазига юзага келади. Тарбиясиз, илм ва маърифатдан йироқ инсонлар жамият тараққиётига ғов бўлади.

Оддий қилиб айтганда, тарбия — нафс ва унинг тасарруфларини ақлга бўйсундиришдир. Масалан, алдаш, фирибгарлик, товламачилик, гийбат ва чақимчилик каби зоҳирий ҳамда риё, адоват, кибр ва ҳасад каби ботиний иллатларни ақл зарарли ҳисоблайди. Киши бу ишларда ақл чақирғига қулоқ солиб, унинг айтганига кирса, тарбияли ҳисобланади. Акси ўлароқ нафсининг қўйига тушиб, ақлни инкор этса ва шу иллатлар билан яшаса тарбиясиз бўлади. Демак, таълим ва тарбия эт ва тирноқ кабилар. Буларнинг барчасига олиб борувчи йўлни ахтарсангиз барчаси китоблар орқали ўтганлигига амин бўласиз.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсам, халқимизнинг Алишер Мардиев каби оқил фарзандлари кўп ва бундан кейин ҳам уларнинг ҳаёт йўллари ҳақидаги бу каби китоблар уларнинг издошларига, ёш судьяларга ҳаётий намуна, ибрат ҳамда адолат таълими бўлади. Сабаби, фарзандлари тарбиясига лоқайд қараган миллатлар инқирозга маҳкумдир. Уларни бегона қўллар ва бегона маданиятга таслим этганлар ўзини йўқотишга маҳкумдир. Бугунги кунда тузумнинг юзи қоралари ҳисобланган қонунбузарлар, жиноятчилар, зулмни ўзига касб қилганлар аслида кечаги кунда тарбиясига бепарво қаралган болалардир. Шундай экан суд тизими ходимларига ўз соҳалари юзасидан чуқур таълим бериш баробарида уларни мазкур китоблар орқали маърифий тарбия ва ҳаётий ибрат чашмаларидан баҳраманд бўлишларини таъминлаш зарур, деб ўйлайман.

ИБРАТ МАКТАБИ

Одамларнинг орасида яхшиликнинг калити ва ёмонликнинг қулфи бўладиганлари бор, ёки аксича. Мўътабар манбаларимизда келтириладики, инсонларнинг суюқлиси— бу уларнинг яхшилик калити эканлигидир.

Мен ҳам касбда, ҳам оилада ибрат тимсоли бўлган Алишер Мардиевнинг ибратомуз ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи “МУНОСИБ ЯШАМОҚ БАХТИ” китобини ўқиганимда ундан ўзим учун кўп яхшиликларни олдим, ҳалол ва тўғри бўлишга, сидқидиллик билан ишлашга бўлган рағбатим ошди. Китобда архив маълумотларидан тортиб, алломаларимизнинг ҳикматлари-ю, расмлар дид билан жойлаштирилган. Ва ўз ўрнида унинг муқоваси, ҳар бир саҳифасидаги бадиий безаклари ҳам ўқувчини ўзига тортади. Китобни ўқиш чоғида миллий нақшлар, матннинг жойлашуви маълумотларни кўз хотири ёрдамида ҳам эслаб қолишга ёрдам беради. Яъни, суд-ҳуқуқ тизими ходимлари учун яхшигина ўрнак бўладиган ҳаёт йўлига эга бўлган инсон ҳақида ҳикоя қилувчи китоб ўқувчини маърифатга чорлайди. Йиллар ўтиб менинг ҳам ҳаёт йўлим ҳеч бўлмаса авлодларимга ўрнак бўладиган даражада бўлишини орзу қила бошладим.

Иш фаолиятим давомида турли хил табиатга, тарбияга, хулққа эга бўлган инсонлар билан муносабатда бўлишдан олган ҳаётий тажрибам ва ушбу китобни ўқиб чиққанимдан сўнг эга бўлган маънавий озуқа орқали мен англаган ҳис шу бўлдики, кимнинг қалби қаршисида дунёси турса, сиз унга йўлиққанингизда, фақатгина дунёсидан гап очади. Кимнинг қалби қаршисида эзгулик турса, сиз унга йўлиққанингизда, фақатгина эзгуликдан, кимнинг қалби қаршисида поклик турса, сиз унга йўлиққанингизда, фақатгина покиза лафзлардан, сўзлардан гап очади. У сизга яхшилигини тўкиб солади. Сизга қалбидан ўтган нарсаларни гапириб беради.

Дунёси ҳақида нутқ қилувчи эса, сизни унга тарғиб қилади ва унинг аҳволларини зийнатлаб кўрсатади. Адолат ҳақида нутқ қилувчи сизни унга тарғиб қилади ва одил инсонларнинг мартабасини, мукофотини зийнатлаб кўрсатади. Сизга



фирибгарлик, алдов орқали келадиган нопок мол дунёнинг йўли хатарли эканини англатади. Унинг фитнаси, ғурури, алдови, ёлғон орзуси ҳақида ҳамда унинг аҳли эртага шиддатли ҳисоб бериши ҳақида хабар беради. Етишмовчилик ҳолатларида ҳам қаноатли, сабрли бўлишга чақиради.

Алишер Мардиевнинг ҳаёти давомида турли қийин вазиятларга тушишига қарамай ўзининг виждони, ҳалоллиги, чуқур билим ва маърифати орқали бу ҳолатлардан пок ҳолида чиқиб кетиши сизда гўзал фазилатлар шаклланишига ёрдам беради.

Сўзимнинг якунида шуни таъкидлар эдимки — қўлимиздаги китоб ўз-ўзидан шу ҳолатга келиб қолгани йўқ. Унинг ортида қанчадан-қанча машаққатли меҳнату ўйқусиз тунлар ётибди. Мен кейинги икки йил давомида Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан нашр этилган китобларни кўздан кечирар эканман улар нафақат маъно-мазмун жиҳатдан, балки шаклан ҳам мукамал эканлигига амин бўлдим. Бу китобларни кўлга олар экансиз унинг гўзаллиги ва нафислигидан ўзингизда авайлаш ҳиссини туясиз. Бу ҳам муаллифлар жамоасининг улкан ютуғидир.

Хулосамиз шуки, бу каби маърифий-ҳаётий китоблар нашри ва мутолаасини мунтазам йўлга қўйиш керак. Сабаби, донишманд боболаримизнинг ҳикматларида яхшиларга ёндашиш яхшиликни касб этмоқдир дейилади. Ҳалол ва фидойи инсонлар ҳақида ўқиш кишини ўз-ўзидан улар каби маърифатли, адолатли бўлишга ва турли ёмон ҳолатларга тушиб қолишдан сақлайди.

Алишер АЯПОВ,

Қўнғирот туманлараро иқтисодий суди судьяси.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ

Ривожланган ҳуқуқий демократик мамлакатларнинг тарихидан маълумки, жамият ўзгараётган пайтда унга ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайдиган Конституциясида ҳам муайян ўзгаришлар рўй берган.

Дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида Конституциямизга ҳам тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартдаги ҳамда Сенатнинг 14 мартдаги қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум 2023 йил 30 апрель — яшанба куни ўтказилиши белгиланди. 2023 йилнинг 15 март куни жамоатчилик муҳокамаси учун “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси матни оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Конституциявий қонун лойиҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлатнинг олий мажбурияти сифатида белгилаб қўйилди. Ушбу норма бутун Конституция мазмунига сингдирилганлиги аҳамиятлидир. Хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар, давлат органлари ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг мазмун моҳиятини белгилайди. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда одил судловнинг аҳамияти жуда муҳим. Бунинг учун судларнинг ўзи иқтисодий ва бошқа жиҳатдан мустақил бўлмоғи лозим. Шу нуқтаи назардан судлар фаолиятини молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан амалга оширилиши Бош қонунда мустаҳкамланмоқда. Бу ўз навбатида, одил судловни тўлиқ ва мустақил равишда амалга ошириш имконини беради. Энг муҳими, Конституцияда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга номувофиқ ҳолда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги аниқ равшан белгиланмоқда. Мазкур норманинг Конституцияга киритилиши бир неча йиллардан буён жамиятимизда ўткир муаммолардан бирига айланган “снос” билан боғлиқ муаммога нисбатан халқпарвар, мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилувчи оқилона ечим бўлади.

Янги таҳрирдаги Конституцияга инсон ҳуқуқлари ва бурчлари билан боғлиқ қатор ўзгаришлар киритилмоқда. Конституциянинг 19-моддасида “**Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади**” дея таъкидланган бўлса, 20-моддасига “**Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципи асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак**” лиги ҳақидаги меъёр киритилган. Қонунларни яратишдан кўзланган мақсад инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишдан иборат бўлиб, кимгадир ортиқча мажбурият ёки харажат юкласлиги керак. Аксинча, қонунлар инсонлар оғирини енгил қилиб, турмуш тарзини фаровон кечишини таъминланиши лозим.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 21-моддасига кўра, “**ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас**”. Бу меъёрдан кўринадики ҳеч ким қонунда белгиланганидан ташқари бошқа бирор-бир ишни бажаришга мажбур эмас. Бу эса амалиётда айрим ҳолатларда учраб турадиган, ҳеч бир қонунда кўрсатилмаган мажбуриятни ёки қандайдир вазифани (масалан, ўқитувчига кўча супуриш, врачга маҳаллага чиқиб хатлов ўтказиш) ташкилот раҳбари томонидан ходимга юклаш каби салбий ҳолатларга қатъиян чек қўяди.

“Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз айтганларнинг ҳаммаси судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин”. Бу каби жумлалар одатда фарб фильмларини кўриш жараёнида тез-тез қулоғимизга чалинади. Аксарият ҳолларда нега полиция ходими ушланган шахсга шундай деётганига эътибор ҳам бермаймиз. Аслида фарб қонунчилигида “Миранда қондаси” номи билан аталувчи бундай ҳуқуқий талаб инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ёки бўлмаса Англо-саксон ҳуқуқ оиласининг муҳим институтларидан бири бўлган “Хабеас корпус” институти ҳам дастлаб миллий ҳуқуқда пайдо бўлиб, сўнгра халқаро даражада умумэтироф этилган ҳужжат сифатида тан олинган инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга оид жаҳон мамлакатлари қонунчилигининг фундаментал асосини ташкил этиши билан бирга ушбу соҳа ривожини йўлида ўзига хос янги даврга асос солган. Шу маънода, “Хабеас корпус” институти ва “Миранда қондаси” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги курашлар тарихида ўзига хос из қолдирган, инсон ҳуқуқларига оид миллий жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқнинг муҳим меъёрларидан бири ҳисобланади. Уларнинг миллий қонунчилигимизда ўз аксини топиши Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи сиёсатида халқаро меъёрларга оғишмай амал қилишини билдиради.

Конституциямизда “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида инсон ҳуқуқлари борасидаги нормалар қарийиб 3,5 бароварга кўпайди. Яъни, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги, ҳар бир шахс ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга эканлиги, ушбу ҳуқуқнинг чекланиши ва турар жойда тинтув ўтказишга фақат суд қарорига асосан йўл қўйилиши ҳақида жиноят процессида шахс дахлсизлиги кафолатларини мустаҳкамловчи норма киритилди.

Бундан ташқари, давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши илк маротаба Конституция даражасида белгиланмоқда.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича жорий йилнинг 30 апрель куни ўтказиладиган референдум фуқароларимизга ҳар бир овоз, ҳар бир нуқтаи назар катта аҳамият касб этувчи ўта муҳим жараёнда фаол қатнашиш имконини беради. Бунда фуқароларимиз ўзларининг фаол фуқаролик позицияларини намоён этишлари шарт. Зеро, Конституция давлат ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий кафолатидир.

Шерзод КАТТАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ташкилий-назорат бошқармаси бош консултаннти,

Нурбек РАХИМОВ,

Бухоро вилоят судининг бош консултаннти.



Хулқар МАҲМУДОВА,
Судьялар олий мактаби
Касбий кўникмалар
кафедраси доценти

СУДЬЯ ФАОЛИЯТИДАГИ СТРЕСС

АННОТАЦИЯ:

мақолада судьялар фаолияти билан боғлиқ бўлган стресс ҳолатлари талқин қилинган.

Калит сўзлар: судья, стресс, суд жараёнидаги стресс, руҳий зўриқиш.

Судьялар руҳиятидаги зўриқиш муаммоси илк бор психолог И. Цимерман томонидан 1980 йилда АҚШ Олий судьялари конференциясида кўтарилган. Шундан сўнг судьяларни тайёрлашнинг умумий тизимида суд стресси ва у билан биргаликда бошқарув дастурини киритиш амалиёти аста-секин йўлга қўйила бошланди. Америка Қўшма Штатлари ва Канадада судьяларнинг айрим тоифаларига, масалан, қишлоқ жойларида ишлайдиганлар учун махсус психологик ёрдам дастурлари ташкил этилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг бир йўналиши сифатида судьялар саломатлигига эътиборнинг кучайганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Судьяларга психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил қилиниб келинаётган стресс ҳолатларининг олдини олиш, касбий куйиш каби тренинглар ушбу ислохотларнинг яққол натижасидир.

Бутун дунёда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари юқори даражадаги руҳий зўриқишга эга бўлган касблар қаторига киради. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, судьялар фаолиятидаги стресс омиллари куйидагилардан иборат бўлади:

- юқори иш юклагаси (айниқса, аёллар учун) ва доимий вақт танқислиги;
- катта ҳажмдаги ахборот билан ишлаш зарурати;
- қабул қилинган қарорлар учун юқори масъулият;
- қарор қабул қилишда юқори мустақиллик;
- мумкин бўлган муқобил вариантлардан тўғри ечимни танлаш билан боғлиқ стресс;
- суд мажлисларининг юқори зичлиги;
- доимий равишда профессионал даражани сақлаб туриш зарурати;
- кўпол мулоқот, асоссиз илтимослар, эътирозлар, мулоҳазалар, мувозанатни бузиш истаги ва томонларнинг психологик босимининг бошқа усуллари.

Суд жараёнидаги зўриқиш - бу суд мажлиси муҳитига мос келадиган психологик зўриқиш-

нинг натижасидир. Умумий маънода, суд залидаги ҳар қандай шахс (даъвогар, жавобгар, судланувчи, адвокат, судья, прокурор ва ҳатто иштирокчилар) суд стрессининг объекти ҳисобланади.

Ф. Е. Василюк ўзининг кечинмалар ҳақидаги замонавий тасаввурларга оид тадқиқотларида руҳий зўриқишни инқирозли вазият сифатида талқин қилади. Бошқача айтганда, муаллифнинг тасаввурига кўра, ҳеч қандай талабни уддалай олмайдиган, ҳар қандай эҳтиёжни қондириш имкониятини топа олмайдиган мавжудотлардагина муҳитнинг ҳар қандай талаби экстремал вазиятларни келтириб чиқариши мумкин.

Демак, инглизча "stress" тушунчаси тўғридан-тўғри "зўриқиш" маъносини беради. Психологияда бу термин чуқурроқ мазмунга эга бўлиб, фақат зўриқиш ҳолатинигина эмас, балки мураккаб психологик жараённи ҳам билдиради.

Касбдаги "стрессор" (стресс омиллари)лари га меҳнат жараёнининг тигизлиги, юқори масъулият ҳисси, қарор қабул қилишдаги тезлик, ишда кутилган ва ҳақиқийлик ўртасидаги мувофиқлик даражаси, рағбатлантириш ва узоқ давом этадиган ҳиссий зўриқиш киради. Бу стресс омилларининг барчаси у ёки бу даражада судьяларнинг касбий фаолиятида мавжуд.

Суд стрессининг сабаблари, биринчи навбатда, ишнинг ўзига хослигидир. Бошқалардан узоқлашиш ва ажралиш ҳолати судья фаолиятининг одатий қисмидир. Кўпчилик янги тайинланган судьяларнинг таъкидлашича, улар билан доимий мулоқотда бўлувчилар доираси лавозимга тайинланганларидан сўнг тез қисқариб боради. Кўпинча ноаниқлик ҳисси, ўзларининг профессионал муваффақияти тўғрисидаги шубҳалар руҳий зўриқишни кучайтириб боради.

Жамиятнинг ҳам судьядан муайян талаблари мавжуд. Кўпчиликнинг тасаввурда бўладиган судьяни ифодаловчи образ – бу мутлақо совуқ, ҳеч қандай ҳис-туйғуларга эга бўлмаган қарор қабул қилиш машинаси, холислик рамзи. Бундан ташқари, бу образ умидларни оқлаш нуктаи назаридан кўплаб судьялар учун психологик стресс манбаи бўлиши мумкин.

Фуқаролар учун судья суд мажлисидан ташқарида ҳам судья бўлиб қолаверади, шунинг учун у хизмат вазифаларини бажариши ёки хиз-

матдан четда қолишидан қатъи назар, доимо бу ролини ўйнашга мажбур. Инсонлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ёки суд жараёнида иштирок этаётганлар, жамоатчилик ва ҳамкасблар эътиборининг кучлилигига тайёр бўлиш судьядан ўз хатти-ҳаракатларини доимий равишда назорат қилиб боришни талаб қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз Олий суд судьяларидан тортиб, туман судлари судьяларига қадар матбуот, сиёсатчилар ва оддий кишилар томонидан турли хил фикрлар нишонига айланмоқда. Жамиятнинг судья иши ҳақидаги тушунчаси билан воқелик ўртасида тафовут мавжуд. Судья жуда кам одам билан ўзининг кечинмалари ёки ҳис-туйғуларини баҳам кўриши мумкин. Ушбу омиллар баъзи судьяларнинг ўта кучли даражада зўриқишига олиб келади, бу эса судьянинг баъзан бефарқ бўлишига, оқибатда босимлар ва иш юкламасини енгиш қобилятининг пасайишига сабаб бўлади.

Психологик зўриқишнинг манбаларидан бири бу уларнинг ҳаракатлари ҳақида қайта алоқанинг йўқлиги. Кўпинча жараённинг бошқа иштирокчилари, кўл остидагилар ёки ҳатто ҳамкасблари судьянинг иши қанчалик муваффақиятли эканлигини баҳолай олмайди. Судьялар деярли ҳеч қачон бир-бирини танқид қилмайди. Судья ишининг сифатини баҳолашнинг ягона усули – бу унинг иш натижалари статистикасини умумлаштиришдир. Аммо, статистик маълумотлар судьянинг бошқалар томонидан шахс сифатида қандай қабул қилинишини, унинг касбий маҳорати яхши ёки ёмонлигини айтолмайди.

Судья лавозимига киришган пайтдан бошлаб унга қўйилган касбий ахлоқий чекловлар кўпчилик учун оғир психологик юк бўлиб қолади:

биринчидан норасмий мулоқот, бегараз ҳазиллар судьянинг обрўсига путур етказиши, унинг холислигига шубҳа уйғотиши мумкин. Бундай чекловлар бошқалар билан мулоқот қилишнинг махсус “совуқ” услубини яратади;

иккинчидан, доимий равишда ортиб бораётган иш юкламаси. Бу ҳодиса кўпчилик иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун хосдир. Ўзбекистонда сўнгги 10 йил ичида қонунчиликдаги сезиларли ўзгаришлар туфайли ишларни кўриб чиқиш бўйича иш юки амалда ўзгармаган штат жадвали билан бир неча барабар ошди. Бу психологик ноқулайликни келтириб чиқаради. Судья қанчалик кўп ишламасин, баъзида почта бўлимининг ёмон ишлаши ва бошқа иштирокчилар томонидан процессуал ҳаракатларнинг пайсалга солиниши туфайли ишни

кўриб чиқишни тезлаштиришнинг имконини чеклайди;

учинчидан, судьяларнинг шахсий ҳаётига таъсир кўрсатадиган ва уларни лавозимга киришган пайтда зўриқишига сабаб бўладиган бир қатор қўшимча омиллар мавжуд: шахсий омиллар (“ўрта давр инқирози”), яъни янги тайинланган судья суд залида етарлича руҳий зўриқишни бошдан кечиради, шунинг учун шахсий ҳаётида қўшимча зўриқиш олиши у томонидан оғир қабул қилиниши мумкин. Амалда бу турли хил кўринишларда намоён бўлади: суд залида кайфиятнинг доимий равишда ёмонлашиши, ишларни кўриб чиқишда сезиларли кечикишлар, қарор қабул қилишдаги қийинчиликлар каби;

тўртинчидан, қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар, суд амалиётининг беқарорлиги судьянинг қарор қабул қилишида психологик ноқулайликни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, суд жараёнини ўтказишнинг янги қоидалари судьяларни доимий равишда янги ёндашувларни кузатишга мажбур қилади ва узоқ вақт давомида лавозимда бўлган судьялар учун бу қийин бўлиши мумкин. Судьялар сўнгги 20-30 йил ичида ҳаётий қадриятлар сезиларли даражада ўзгарган, шиддат билан ривожланаётган жамиятда ишламоқдалар. Шу боис тез ижтимоий ўзгаришларга мослашишни ўрганишлари керак. Улар аёллар ҳуқуқлари, этник ва ижтимоий озчиликлар, ногиронлар ҳуқуқлари ва бошқаларга оид қонунчиликдаги янги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Баъзи судьялар қонунчиликдаги ўзгаришларга ижобий муносабатда бўлишса, бошқалари учун бу қутилмаган ҳолат бўлиши мумкин (айниқса бошқа қадрият ўйналишига эга бўлган кекса судьялар учун).

Шунингдек, судьялар қонуннинг ҳуқуқий мазмуни устидан назоратни амалга оширадилар, чунки кўпинча қонун билан тартибга солилмаган вазиятни ҳал қилиш зарурати туғилади. Шунинг ёдда тутиш керакки, жадал ривожланаётган ижтимоий муносабатлар қонун ижодкорлиги фаолиятдан олдинда бўлиб, бир қатор ишларда судлар ёрдамида тўлдириладиган ҳуқуқий бўшлиқни яратади. Бу эса қонун меъёрлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишда судья нафақат қонун асосида қарор қабул қилиш учун ўзининг ҳуқуқий ва умумий билимининг бутун захирасидан, балки ўз тажрибасидан фойдаланиши кераклигини англатади.

Касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, судьяларнинг бир қатор тоифалари учун суд стрессининг таъсири фарқланади.

Қишлоқ жойларида ва йирик шаҳарлардан узоқда жойлашган туманларда ишлайдиган судьялар Қўшма Штатларда руҳий зўриқиш таъсирига заиф деб тан олинган. Аксарият судьялар учун чекка қишлоқ жойларига тайинланиш фаол жамиятдан ихоталаниш туйғусини келтириб чиқаради. Доимий равишда атроф-муҳитга бегона бўлиш ҳисси қийинчиликларга бардош бериш ва қарор қабул қилишда муаммолар туғдиради.

Апелляция ва кассация ҳайъатларидаги судьялар ҳам ўзига хос зўриқиш манбаларига эга. Бу ҳайъат аъзолари ўртасида юқори даражадаги рақобат, шахслар тўқнашуви ва баъзан номақбул хатти-ҳаракатларга олиб келади. Бу ерда профессионал даража ва ҳуқуқий билим жуда юқори. Иқтидорли, қобилятли мутахассисларнинг ҳар қандай гуруҳда ёнма-ён ишлаётган ва доимий равишда шубҳали ҳолатларга дуч келиши ва шахслараро тангликлар иш низолари кўринишида юзага келади.

Руҳий ва ижтимоий фаровонликнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бу оилавий ҳолат. Масалан, Россияда бир қатор вилоятлар судьяларини ўрганишда қизиқарли маълумотлар олинди. Тадқиқот натижаларига кўра, турмуш қурмаганлар (ажрашган ёки ҳеч қачон турмушга чиқмаган) – 20,1% ва улар орасида аёлларнинг (82,8%) устунлиги эътиборга лойиқдир. Шулардан судья аёлларнинг 50 фоизи турмушда эмас, 16 фоизи эса ҳеч қачон турмушга чиқмаган.

Ёлғиз аёл судьяларнинг касбий фаолиятини ўрганишда уларнинг “холислиги” ва ишларни кўриб чиқишда ҳиссий барқарорлиги аниқланган. Масалан, судланувчиларнинг таҳдидлари уларга кўпроқ таъсир қилади. Ёлғиз судья аёллар кўпинча Жиноят кодексининг айрим моддалари борлигини тан оладилар, уларга кўра ишнинг ҳолатларидан қатъи назар (асосан зўрлаш ва жинсий зўравонлик ҳолатлари) энг оғир жазо тайинланади ва суд жараёнини кўриб чиқишда ўзларининг шахсий кечинмалари ҳукм характерига таъсир қилади.

Тадқиқотларга кўра, ёлғиз аёл судьялар зўриқишга кўпроқ мойил. Уларнинг ҳар тўртдан бири руҳий стресс даражасини “ўртача” (27%) деб баҳолаган, қолганлари эса “чегара доирасида” (52%) ва ҳатто “чегарадан чиққан” (20%) деб ҳисоблаганлар. Яъни, 70% дан ортиғи ўзларининг руҳий соғлиғига путур етказмасдан узоқ вақт давомида маълум бир иш суръатини ушлаб туриш мумкин эмас, деб ҳисоблаганлар.

Психологик ортиқча юк даражасини “чегара доирасида” ва “чегарадан чиққан” деб баҳолаганлар орасида фуқаролик ишларига ихтисослашган судьялар яққол устунлик қилган. Тадқиқот шуни кўрсатдики, судьяларнинг катта қисми руҳий стресс даражасини уларнинг ха-

рактери билан эмас, балки кўпроқ кўриб чиқилаётган ишларнинг сони ва мураккаблиги билан изоҳлайди.

Суд стрессининг узоқ вақт организмга таъсир қилиши турли хил психосоматик касалликларга олиб келади. Судьяларнинг аксарияти (51,7%) сурункали соматик касалликларнинг кучайиши ва иш юқининг ортиши ўртасидаги боғлиқликни таъкидлайдилар.

Руҳшунослар руҳий зўриқиш ёки стресс ҳолати хусусида бир неча қоидаларни баён этганлар. Аффектив ва бошқа ҳиссий ҳолатларни ўрганиш билан шуғулланувчи деярли барча тадқиқотчилар уларнинг келиб чиқишида стрессни инсон руҳиятига бузғунчи таъсир кўрсатувчи асосий омил деб биладилар. Унда Ганс Селье таклиф этган стресс концепцияси, шубҳасиз, асосий ўрин эгаллайди. Унинг фикрига кўра, стресс “тананинг унга берилган ҳар қандай талабга ўзига хос бўлмаган жавоби”дир.

Стресснинг ўзи кундалик ҳодиса. Уни вазиятни ҳал қилиш ва янги шароитларга мослашиш заруратининг пайдо бўлиши сифатида аниқлаш мумкин. Хўш, стрессиз яшаш мумкинми? Фақат битта жавоб бор – мумкин эмас. Ҳаёт доимий ўзгаришлар манбаи ва биз ҳар куни янги шароитларга мослашишимиз керак.

Ҳаётда биз инсоннинг ғайриоддий шахсий ва ижтимоий вазиятларга кучли ҳиссий муносабати туфайли юзага келадиган ҳиссий ёки психосоциал стресс билан тобора кўпроқ дуч келамиз. Одатда стресс зиддиятли вазиятларда юзага келади. Қоидага кўра, бундай ҳолларда муаммони ҳал қилиш учун кучимизни сафарбар қиламиз.

Стресс реакцияси нафақат руҳий, балки вазиятнинг ўзгаришига физиологик жавобдир. Хавфга дуч келган одам тез-тез нафас олишни бошлайди, юраги тез уради. Бу қонга чиқарилган гормон – адреналиннинг таъсири билан боғлиқ.

Бизнинг одоба бўлган озгина эҳтиёжimiz илмига бўлган кўп эҳтиёжimizдан яхшироқдир.

Абдуллоҳ ибн МУБОРАК



Натижада, қон қайта тақсимланади: тери ва органлардан мушакларга оқиб, уларни жангга тайёрлайди. Бундан ташқари, қонда глюкоза даражасининг кўтарилиши (асосий энергия манбаи), тананинг энергия захираси бўлган ёғларнинг парчаланиши бошланади, қон ивиши кучаяди. Шунинг учун стресс кўпинча “ур ёки қоч” реакцияси деб аталади (инглизча fight-or-flight) ва у муаммолардан қочишга қаратилган. Агар буни ўз вақтида қилинса у ҳолда организм соғлиққа зарар бермасдан тезда мослашади.

“Стресс” бир қатор функционал ва морфологик ўзгаришлар билан боғлиқ. Ушбу жараёни уч босқичга ажратиш мумкин:

а) “хавотирлик” босқичида организм муҳитнинг қандайдир бузғунчи омилга дуч келади ва унга мослашишга ҳаракат қилади;

б) “мослашув” босқичида инсон янги шaroитларга мослашиб боради;

в) “қучдан қолиш” босқичида (агар стресс манбаи узоқ вақт давом этса) гормонал ресурслар астенизацияси рўй беради ва мослашиш тизими бузилади.

Хавотирлик босқичида инсон организми сафарбарлиги бошланади. Нафас олиш тезлашуви, қон босими ошиши, психик ҳолатнинг қўзғалиши намоён бўлади. Инсон эътибори тўлиқ қўзғатувчига йўналтирилади. Шу пайтнинг ўзида инсон ўз-ўзини, хатти-ҳаракатларини, хулқини, сўзларини бошқара олмай қолиши кузатилади.

Организм стрессдан ҳимоялаш механизмларини ишга туширишни бошлайди. Бу босқичда инсон узоқ тура олмайди, агар организм бу босқични енгиб ўтса, хавотирлик босқичи аста секин сўна бошлайди. Агар, аксинча бўлса, стресснинг кейинги босқичи ишга тушади.

Стресснинг иккинчи босқичида организм резерв кучларни сафарбар қилади. Организмнинг барча фаолияти катта куч билан ишлашни бошлайди. Бу босқичда вазият икки хил йўналишда ривожланиши мумкин: инсон ўта фаоллашиб, ўзида янги ҳаракатларга ва гоёларга куч топади, организм мобилизацияси намоён бўлади ёки аксинча, организм тормозланиб, пассивлашади, инсон ўз-ўзини йўқотиб қўйиши кузатилади.

Стресс ҳолатида инсон хатти-ҳаракатлари унинг индивидуал психик хусусиятларига боғлиқ. Агар стресснинг аввалги босқичлари бўлиб ўтса-ю, лекин организмнинг мослашувчанлиги суст бўлса, стресснинг учинчи босқичи – толиқиш юзага келади.

Толиқиш босқичи стресс таъсири узоқ бўлганда кузатилади. Бу босқичда организм захирасининг сўниб бориши, заифлашуви кузатилади.

Бундай жараёнлар кучли депрессияга ёки организмнинг касалланишига сабаб бўлади.

Агар стресс узоқ вақт назоратсиз давом этса, у ҳолда тананинг фаоллаштирилган жараёнларини нормаллаштириш имконияти бўлмайди ва танадаги физиологик ўзгаришлар соғлиқ учун зарарли бўлиши мумкин.

Бундай зўриқиш узоқ давом этган зиддиятли вазиятлар натижасида юзага келади, бунда салбий ҳис-туйғулар мия тузилмаларининг “турғун” қўзғалувчанлигига айланади ва тананинг асосий биоритмлари: уйқу ва гормонал функциялар, организмнинг энг заиф тизимларининг баъзиларида ўзини ўзи бошқариш механизмнинг бузилиши юзага келади.

Узоқ муддатли стресс натижасида невроз, психоз, алкоголизм, юрак касалликлари, артериал гипертензия, ошқозон-ичакда яраларнинг пайдо бўлиши ривожланади. Чекиш ва спиртли ичимликларни суиистеъмол қилишга мойиллик бўлса, бу оғир оқибатларни янада кучайтиради. Ҳатто, миокард инфаркти ва инсульт каби оғир оқибатлар ҳам келиб чиқиши мумкин.

Шундай қилиб, биз судьялик лавозимига номзодни психофизиологик текширувдан ўтказиш керак деган хулосага келишимиз мумкин. Суд стрессининг таъсир даражаси, инсонда унинг салбий кўринишларига мойиллиги кўп жиҳатдан судья бўлишни хоҳлайдиган шахснинг дастлабки, бошланғич хусусиятларига боғлиқ. Суд тизими учун кадрларни танлаш ва тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш бир қатор хорижий давлатларда самарали фаолият юритаётган судьялик лавозимига номзодларни танлаш институтини яратиш билан боғлиқ. Унинг фойдалилиги нафақат суд фаолиятига олдиндан тўғри тайёргарлик кўришда, балки номзоднинг таълим олиш жараёнида “адолат ҳаками” ролини ўйнаш қобилиятини шакллантириш ҳамдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Александровский Ю. А. Состояние психической дезадаптации и их компенсация [Текст] / Ю. А. Александровский. М., Наука, 1976. 270 с.
2. Китаев-Смык, Л. А. Психология стресса / Л. А. Катаев Смык. М.: Наука, 1983. 368 с.
3. Тарабрина, Н. В. Практикум по психологии посттравматического стресса / Н. В. Тарабрина. СПб.: Питер, 2001
4. Гринберг, Дж. Управление стрессом / Дж. Гринберг. 7-е изд. СПб.: Питер, 2002.
5. Сумароков И. Судебный стресс // Российская юстиция. 2003. № 12. С. 60 – 63;
6. Величковский, Б.Б. Многомерная оценка индивидуальной устойчивости к стрессу: автореф. дис.... канд. психол. наук / Величковский Б. Б. М., 2007.
7. Водопьянова, Н.Е. Психодиагностика стресса / Н.Е. Водопьянова. СПб.: Питер, 2009.
8. Мереуцэ И.Е., Ротару Г.С. Психосоматическая заболеваемость судей как следствие “судебного стресса”. // Администратор суда, 2009, № 3.
9. Кибардин Г.М. Мозг против старения. – М.: ООО ЭКСМО, 2013, С.90.

ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ШАФФОФЛИК

Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодекси бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда ходимлар ва иш берувчилар манфаатлари мувозанатини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳамкорликка жалб қилиш, томонларда ўз меҳнатининг натижадорлигига қизиқишини ошириш, кичик бизнес ва яқка тадбиркорлик соҳасига меҳнат қонунчилигини татбиқ қилиш мақсадида ишлаб чиқилди. Қолаверса, расман 2023 йилнинг 30 апрель куни кучга кириши белгилаб қўйилган янги Меҳнат кодекси меҳнат муносабатларида шаффоф тизим шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Янги Меҳнат кодексини ишлаб чиқиш учун қуйидаги омиллар сабаб бўлди:

Биринчидан, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 1995 йилда қабул қилинганлиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида шакллантирилганлигини инобатга олсак, ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Хусусан, унинг аксарият нормалари давлат ташкилотлари ва саноатнинг йирик корхоналарида юзага келган меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилганлиги, кичик ва ўрта бизнес субъектларидаги меҳнат муносабатлари тўлиқ ҳисобга олинмаганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Иккинчидан, Ўзбекистон Халқаро Меҳнат ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Шу боис, бугунги кунга қадар ушбу ташкилотнинг 19 та конвенциясини ратификация қилган. Бирок, ратификация қилинган конвенция меъёрларининг баъзилари бизнинг миллий меҳнат қонунчилигимизда ўз аксини топмаган эди. Янги Меҳнат кодексида мазкур камчиликлар бартараф қилинди. Хусусан, Халқаро Меҳнат ташкилотининг Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенцияси (Янги Меҳнат кодексида мажбурий меҳнат тушунчаси асосий тушунча сифатида ҳамда меҳнат ҳуқуқи тамойилларидан бири сифатида унинг 5-моддасида келтириб ўтилган) ҳамда Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисидаги 132-сонли (таътил муддатлари халқаро стандартларга мослаштирилди. Янги кодекснинг 217-моддасида ҳар йилги меҳнат таътилининг энг кам муддати йигирма бир календарь кунни ташкил этиши белгилаб қўйилди. Эндиликда йиллик ҳақ тўланадиган таътил муддати 15 кундан 21 кунга ўзайтирилди) конвенциялари янги кодекс нормаларига имплементация қилинган.

Учинчидан, амалдаги меҳнат кодексида ҳозирги вақтда меҳнат бозорида ривожланаётган 12 та меҳнат тури акс этмаган. Хусусан, касаначилик, яқка тартибдаги тадбиркорда ёлланма ишчи сифатида меҳнат муносабатларига киришувчилар, уй ишчилари, кунлик ишчилар, вақтинчалик ва мавсумий ишчилар, сменали ишчилар, вахта услуги, масофавий ишчилар, коллегиял ижроия органлари меҳнати тартибга солинмаган эди. Янги Меҳнат кодексининг 28- ва 29-бобларида меҳнат муносабатларининг бозор иқтисодиёти ривожланиши туфайли юзага келган янги субъектлари ва иш берувчилар ўртасида юзага келадиган муносабатлари алоҳида тартибга солинган.

Тўртинчидан, амалдаги меҳнат кодексида айрим соҳа ходимлари меҳнат муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинмаган эди. Янги Меҳнат кодексида педагоглар, тиббиёт ходимлари, спортчилар, мураббийлар, транспорт ҳайдовчилари, иждоий ходимлар ва иш берувчи бўлган жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларига киришган шахслар, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнати, уларнинг иш ва дам олиш вақти, уларга бериладиган йиллик таътиллари, улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишнинг ўзига хос жиҳатлари алоҳида нормаларда белгилаб қўйилди.

Бешинчидан, амалдаги Меҳнат кодексининг бирорта бандида меҳнат муносабатларини рақамлаштириш орқали амалга ошириш ҳисобга олинмаган эди. Яъни қозғосиз шаклда иш юритиш тартиби белгилаб ўтилмаган. Янги Меҳнат кодексининг кўплаб нормаларида иш юритиш электрон ҳолатда ҳам амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Хусусан, янги кодексда электрон меҳнат дафтарчаси, электрон рақамли имзо, электрон ҳужжат, электрон ташувчи, электрон почта манзили, электрон хатлар каби замонавий терминлар қўлланилди.

Олтинчидан, амалдаги Меҳнат кодексида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шакли, шунингдек меҳнат низоларини кўриб чиқишида жамоатчилик иштироки ва ижтимоий шерикчилик, жамоавий мулоқот механизмлари белгиланмаган эди. Янги Меҳнат кодексининг сўнги VII бўлими “Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш” деб номланди ва унда илк бора ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчаси, турлари, шакли белгилаб ўтилди. Бундан ташқари, меҳнат низолари турларга ажратилди. Жамоаларга оид бўлган меҳнат низоларини ҳал этиш механизми аниқ қилиб белгилаб қўйилди. Хусусан, Янги меҳнат кодексининг 573-моддасида жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш тартиби босқичларда белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, янги меҳнат кодексида меҳнат низоларини яраштирув тартибида, медиатор иштирокида кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги ҳам муҳим. Бу низолашаётган тарафларнинг вақти ва харажатларини тежашда катта аҳамият касб этади.

Лола РАҲИМҚУЛОВА,
ТДҲОУ ўқитувчиси.

КАФОЛАТЛИ ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ: АМАЛДАГИ ВА ЯНГИ КОДЕКСДАГИ ФАРҚЛАР

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 17-боби Кафолатли тўловлар ва компенсация тўловларига бағишланган бўлиб, 16 та моддадан (279-294) иборат.

Кодекснинг 279-моддасига кафолатли тўловлар ва кафолатли қўшимча тўловлар тушунчаси киритилиб, унга қуйидагича таъриф берилган: *Кафолатли тўловлар – ходим ушбу Кодексга, бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод қилинган ёхуд ўз ихтиёрига зид тарзда ишлаш имкониятидан маҳрум бўлган вақт учун ўртача иш ҳақи ёки тариф ставкаси (маош) миқдоридagi пул тўловларидир. Кафолатли қўшимча тўловлар – ушбу Кодексда ва меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда ходим муайян сабабларга кўра ўз меҳнат вазифаларини тўлиқ ҳажмда бажара олмаганда, ушбу ходимнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш мақсадида тўланадиган пул суммаси ҳисобланади.*

Амалдаги Меҳнат кодексда ходимларга бериладиган кафолатли тўловлар ва қўшимча кафолатли тўловлар масаласи кенг ёритилмаган эди.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 282-моддасидаги ходимлар давлат ва жамоат мажбуриятини бажарганда бериладиган кафолатли тўловлар рўйхати янгилик сифатида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия фаолиятида иштирок этганда кафолатли тўлов тўланиши киритилган. Шу билан бирга кодекснинг 283-моддасида қон ва унинг таркибий қисмларини топширган ходимларга бериладиган кафолатли тўловлар белгиланиб, донор ходимларга бевосита қон ва унинг таркибий қисмлари топширилган ҳар бир кундан кейин дам олиш куни берилиши белгиланган. Ходимнинг хоҳишига кўра бу кун йиллик меҳнат таътилига қўшилади ёки қон ва унинг таркибий қисмлари топширилган кундан кейин йил давомида бошқа вақтда бу кундан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексда донорлик фактини тасдиқлаш, шу жумладан тиббий текширувдан ўтиш ҳамда бевосита қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш қон хизмати томонидан берилган маълумотнома ёки бошқа ҳужжат асосида амалга оширилиши қатъий белгиланган. Шу билан бирга янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 284-моддасида Кодекснинг 280-моддасида назарда тутилган кафолатли тўловлар иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Жумладан, Кодексда компенсация тўловлари тушунчасига ҳам таъриф берилган бўлиб, унга кўра, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимлар томонидан меҳнат мажбуриятларининг ёки бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида белгиланган пул тўловлари компенсация тўловларидир.

Мазкур кодекснинг 287-моддасида ходим хизмат сафарига юборилганда унга доимий яшаш жойидан ташқарида яшаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар (кунлик)ни қоплаши шартлиги кўрсатилган.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига иш сайёр ва кўчиб юриш хусусиятига эга бўлганда, шунингдек дала шароитларида ва вахта усулида ташкил этилгандаги компенсация тўловлари ҳақидаги янги 288-модда, ходим бошқа жойдаги ишга кўчиб ўтаётганда компенсация тўловлари ҳақидаги 289-модда, иш берувчининг йўлланмаси бўйича касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва стажировкадан ўтишда ходимлар учун компенсация тўловлари ҳақидаги 290-модда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида ходимда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик юз берган тақдирда харажатларни компенсация қилиш ҳақидаги 291-модда ҳамда ходимнинг мажбурий тиббий кўриқдан ўтиши билан боғлиқ харажатларни компенсация қилиш ҳақидаги 292-моддалар киритилган. Ушбу моддаларда иш берувчининг йўлланмаси бўйича ходимнинг касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва стажировкадан ўтиши бошқа жойга кўчишни талаб қилса, ходимга ўқиш жойига бориши ва қайтиб келиши, шунингдек уй-жойни ижарага олиш харажатларининг ўрни қопланиши, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида юз берса, иш берувчи ходимга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўлаш билан бирга унинг тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация учун қилган харажатларининг ўрнини тегишли ҳужжатлар (чеклар, маълумотномалар ва бошқалар) билан тасдиқланган, ҳақиқатда қилинган харажатлар миқдоридан кам бўлмаган миқдорда қопланиши, ходимнинг мажбурий тиббий кўриқдан у дастлабки (ишга қабул қилиш чоғида) ёки даврий (иш жараёнида) хусусиятга эга бўлишидан қатъи назар, ўтиши билан боғлиқ харажатларни компенсация қилиши иш берувчининг ҳисобидан амалга оширилиши каби қатор имтиёзлар киритилган.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 294-моддасида ушбу Кодекснинг 286-моддасида санаб ўтилган компенсация тўловларини молиялаштириш манбалари иш берувчининг маблағларидан, бюджет ташкилотларида эса бюджет маблағларидан иборатлиги аниқ қилиб белгиланган.

Хулоса сифатида янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодексда халқаро меҳнат тўғрисидаги конвенциялар ва тавсияларга асосланган ҳуқуқий ечимлар ўз аксини топган бўлиб, аксарият янгиликлар “Инсон қадрини улуглаш” тамойили учун хизмат қилади.

Шаҳноза МУХАММАТКУЛОВА,

фуқаролик ишлари бўйича

Сирдарё туманлараро судининг судьяси.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ДОИМИЙ ВАКИЛИ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ



**Изатулло
ТОЛИБОВ,**

Судьялар олий
мактаби док-
торанти, юридик
фанлар номзоди

“Қонунчилик палатасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг доимий вакили институтини жорий этишни таклиф қиламан. Ушбу вакил қуйи палата йигилишларида иштирок этиши, қабул қилинаётган қонунларга таъсирчан жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик масалаларини киритиши бўйича таклифлар бериши ваколатига эга бўлиши зарур, деб ҳисоблайман”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, кенг кўламли ислохотлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш заруриятини вужудга келтирди. Шу нуқтаи назардан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талабларга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди. Бунинг натижасида 20 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукуматнинг қарорлари қабул қилинди. Бу бежиз эмас, чунки бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари деб эътироф этилаётган – ижтимоий тузилмаларнинг самарали фаолияти жамиятдаги турли гуруҳ ва қатламларнинг нуқтаи назарларини ифодалаш имконини беради.

Ҳуқуқшунос олим Х.Маматов мулоҳазаларига кўра, “демократик жамиятнинг муҳим тамойили – мамлакат ҳудудида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаол ҳаракат қилишлари билан белгиланади”.

Юқорида таъкидланганидек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги бир босқичга кўтаришни бугунги давр талаб қилмоқда. Бунинг учун биринчи навбатда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, айниқса мазкур ташкилотларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини оширишда уларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини кенгайтириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Зотан, Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сон фармонида мувофиқ, “Доимий вакилнинг асосий вазифалари этиб қонун лойиҳалари ва қуйи палатанинг ваколатларига қирадиган масалалар бўйича муҳокамалар ва йиғилишларда ижтимоий шериклик, таъсирчан жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилиш ва уларни амалиётга тўғри қўллаш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода қилиш белгиланди”.

Бу борадаги ҳозирги кунгача тўпланган миллий амалиёт таҳлил қилинса, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қонун ижодкорлиги жараёнида асосан сиёсий партиялар орқали ишти-

рок этишини кўришимиз мумкин. Ҳуқуқшунос олим И.Беков фикрига кўра, “партия тузилмалари қонун ижодкорлигининг барча босқичларида, шу жумладан қонунни қабул қилиш зарурлигини, унга эҳтиёж мавжудлигини аниқлашда; қонунни тайёрлашда, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланишда, парламентнинг қуйи палатасида қонунни муҳокама қилиш ва қабул қилишда иштирок этади”.

Бироқ, сиёсий партиялардан ташқари жуда кўплаб бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг институтлари қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаол иштироки сезилмайди. Чунки, уларнинг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнидаги иштирокининг ҳуқуқий асослари ёки механизмлари яратилмаган. Шунинг учун “2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари (комиссиялар) мажлисларида иштирок этувчи доимий вакили институти жорий этилиши белгиланди.

Мазкур фармонга мувофиқ, “Доимий вакилнинг асосий вазифалари этиб қонун лойиҳалари ва қуйи палатанинг (Қонунчилик палатаси назарда тутилмоқда. Изоҳ муаллифники) ваколатларига қирадиган масалалар бўйича муҳокамалар ва йиғилишларда ижтимоий шериклик, таъсирчан жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилиш ва уларни амалиётга тўғри қўллаш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода қилиш белгиланди”. Сабаби, қабул қилинаётган барча қонунларнинг тамал тоши Қонунчилик палатасида қўйилади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, “Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқади”. Ушбу тартиб ва қоидалардан англашиладики, Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги жараёнидаги асосий орган бўлиб ҳисобланади. Қонунлар бу органда қабул қилиниши учун белгиланган тартиб бўйича концептуал нуқтаи назардан ҳам модда-модда муҳокама қилиш тартиби бўйича ҳам қизғин муҳокама қилиниб, маромига етказилади.

Шубҳасиз, қонун чиқарувчи олий орган Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг доимий вакили институти жорий этилиши нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки кўламини кенгайтириб, уларнинг мақсад ва вазифаларига эришишларини таъминлайди.

Президентимиз томонидан ушбу муҳим ташаббус илгари сурилганига гарчи 3 йил бўлаётганлигига қарамасдан ҳанузгача Қонунчилик палатасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг доимий вакили институти жорий этилмаган ва бу институтнинг ҳуқуқий мақомини белгилайдиган қонун қабул қилингани йўқ. Зеро, Давлатимиз раҳбарининг “2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан юқори турувчи ташкилотларга қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан киритилган таклифларнинг умумий сонини 2021 йилда 1 000 тага, 2025 йилда 5 000 тага етказилишини таъминлаш вазифаси назарда тутилган.

Мазкур институтни жорий этиш, фаолиятини йўлга қўйиш унинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришни тақозо этади. Шунинг учун “Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш: назария ва амалиёт” мавзусида юридик фанлар доктори илмий даражаси диссертацияси доирасида 21 та моддадан иборат “Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Қонунчилик палатасидаги доимий вакили тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда бошқа тегишли ташкилотларга юборилди.

Қонун лойиҳасида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Қонунчилик палатасидаги доимий вакилининг ҳуқуқий мақоми куйидагича белгиланмоқда:

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Қонунчилик палатасидаги доимий вакили мансабдор шахс бўлиб, Қонунчилик палатасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг манфаатларини ифода этади.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, **Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва у Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасига ҳисобдордир.**

Лойиҳада Вакил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси томонидан тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниши белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг Вакил тўғрисидаги қарори Қонунчилик палатаси Кенгаши йиғилишида қабул қилинади, Вакил ўз ваколати муддати тугагач, янги Вакил сайлангунига қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

Лойиҳада Вакил лавозими номзодига қўйиладиган талаблар ҳам белгиланмоқда. Хусусан, тайинланиш куни ўттиз беш ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган (ҳалқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари бундан мустасно) нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларидан бирида камида ўн йиллик иш тажрибасига эга Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Вакил лавозимига сайланиши мумкин.

Вакилнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот Жамоатчилик палатасининг мажлисларида ҳар йили бир марта ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай

эшитилади. Ҳисоботни эшитиш якунлари бўйича Жамоатчилик палатаси қарор қабул қилади.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида Вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан муносабатлари, унинг қонунчиликни такомиллаштиришга доир фаолияти ва ваколат муддати билан боғлиқ кўплаб муҳим ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида бир нечта хорижий мамлакатларнинг, хусусан Россия Федерацияси, АҚШ, Франция, Қозоғистон, Украина давлатларининг тажрибаси ўрганиб чиқилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўрганиб чиқилган мамлакатларнинг парламентларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакили иштироки жорий этилмаган. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда тадбиқ этиладиган ушбу институт Янги Ўзбекистондаги демократик бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам алоҳида кўрсатиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Қонунчилик палатасидаги доимий вакили тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши:

биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Қонунчилик палатасидаги доимий вакили институтининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириб, бундай ташкилотларнинг қонун ижодкорлигидек ўта муҳим жараёнда иштирок этиши имкониятларини кенгайтириб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонунчиликда қатъий ифода этишини таъминлайди;

иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратади;

учинчидан, давлат ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирокини янада кенгайтиради;

тўртинчидан, Қонунчилик палатасининг ваколатларига қирадиган масалалар бўйича муҳокамалар ва йиғилишларда ижтимоий шериклик, таъсирчан жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилиш ва уларни амалиётга тўғри қўллашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Х.Маматов., “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт” илмий-амалий конференция материаллари, ТДЮИ нашриёти., Тошкент-2007., 37-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси., 29.12.2020., <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6181-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5319756>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6181-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5319756>
5. И.Беков., “Сиёсий партия фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки”, Юрист ахборотномаси 6 сон, 1 жилд, Вестник юриста номер 6, выпуск 1 Lawyer herald volume 6, issue 1., 8-14 бетлар.
6. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонун., <https://lex.uz/acts/39573>



Холмурод ИСАНОВ,

Судьялар олий мактаби докторанти,
юрidik фанлар номзоди, доцент

АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ФОРС-МАЖОРГА ОИД СУД АМАЛИЁТИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада англо-саксон ҳуқуқий тизими мамлакатлари – Буюк Британия қироллиги, АҚШ ва Австралиянинг форс-мажорга оид суд амалиёти таҳлил қилинган. Мазкур мамлакатларда форс-мажор ҳолатларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда суд амалиётининг ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: энгиб бўлмайдиган куч, форс-мажор ҳолати, форс-мажорга оид фуқаролик-ҳуқуқий нормалар, форс-мажор ҳолати белгилари, суд амалиёти.

АННОТАЦИЯ:

в статье анализируется судебная практика стран англо-саксонской правовой системы – Королевства Великобритании, США и Австралии о форс-мажоре. Даны научные выводы об особенностях судебной практики по гражданско-правовому регулированию форс-мажорных обстоятельств в данных странах.

Ключевые слова: непреодолимая сила, обстоятельство форс-мажора, гражданско-правовые нормы о форс-мажоре, признаки обстоятельства форс-мажора, судебная практика.

АННОТАЦИЯ:

the article analyzes the judicial practice of the countries of the Anglo-Saxon legal system - the Kingdom of Great Britain, the USA and Australia on force majeure. Scientific conclusions are given about the peculiarities of judicial practice in civil law regulation of force majeure circumstances in these countries.

Keywords: force majeure, civil law rules on force majeure, signs of a force majeure circumstance, arbitrage practice.

Англо-саксон ҳуқуқий тизими мамлакатларида форс-мажор (инглизча “force-major”) ҳолати тушунчаси энгиб бўлмайдиган куч таъсири натижасида зарар етказилишига олиб келадиган ҳолат сифатида қабул қилинган ва бундай ҳолатлар жавобгарликдан озод этиш ёки жавобгарликни истисно этишнинг асоси сифатида талқин этилиб, қарздорнинг айбисиз мажбурият бузилишига олиб келадиган ҳолат сифатида қўлланилади. Шу билан бирга, ушбу мамлакатларнинг суд амалиёти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, буни бевосита форс-мажорни қўллашга оид турлича ёндашувларда кўриш мумкин.

Айтиш лозимки, бугунги кунда бутун дунёда содир бўлиб турган турли-туман табиий офатлар, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий-иқтисодий вазиятлар оқибатлари натижаси ўлароқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажара олмаслик ҳолатлари тез-тез учраб турибдики, бундай шароитларда жавобгарликни белгилашда форс-мажор ҳолатларини судлар томонидан тўғри малакалаш ва асосли қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, англо-саксон ҳуқуқ тизими оммавий ва хусусий ҳуқуқ соҳаларига ажратилмаган бўлиб, унинг негизида умумий ҳуқуқ (common law) ётади. Умумий ҳуқуқ Буюк Британияда қироллик судлар фаолияти натижасида вужудга келганлиги сабабли, у қироллик судлари учун мажбурий ҳисобланади. Шу билан бирга, Қироллик судлари фаолияти натижасида адолат ҳуқуқи (equity) ва ҳуқуқ ижодкорлиги натижасида эса статут ҳуқуқи (statute law) ҳам ташкил топган. Яъни, англо-саксон ҳуқуқий тизимининг бир неча асрлар давомида ўзига хос тарзда ривожланиб келганлиги ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида кенг имкониятларни яратиб берган дейиш мумкин. Хусусан, ушбу имкониятлардан бугунги кунда форс-мажор ҳолати билан боғлиқ муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда кенг фойдаланилиб келинмоқда. Масалан, Буюк Британия (Шотландиядан ташқари), АҚШнинг кўпчилик штатларида (фуқаролик кодекси амалда бўлган Луизиана штати ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг тор доирасини тартибга соладиган фуқаролик кодекслари бўлган Жоржия, Калифорния, Монтана, Шимолий ва Жанубий Дакота штатлари бундан мустасно) ҳамда Австралияда фуқаролик ҳуқуқи соҳасида кодекслар эмас, балки алоҳида ҳуқуқ институтларини тартибга солувчи қонунлар ёки умумий ҳуқуқ нормалари амал қилгани ҳолда, ушбу мамлакатларда кодификацияланган фуқаролик қонунчилик ҳужжатларининг йўқлиги, махсус қонунлар ва суд амалиёти бўйича прецедент ҳуқуқи билан алмаштирилган. Лекин, шартномалар айрим турларининг бажарилишини тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари бўлса-да, суд амалиёти бўйича прецедент ҳуқуқи етакчи ўрин ту-

тишини таъкидлаш ўринли. Умумий қоидага кўра, англо-саксон фуқаролик ҳуқуқида, агар шартнома тарафларидан бири мажбуриятни бажармаса (breach of contract), уни бузганлиги учун жавобгарликка тортилиши ёки уни бажарилишига тўсқинлик қилган форс-мажор ҳолати жавобгарликдан озод этишнинг ҳуқуқий воситаси сифатида қабул қилиниши ҳам мумкин. Бу англо-саксон ҳуқуқий тизими мамлакатларида форс-мажор ҳолатини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади. Жумладан, форс-мажор ҳолати тўғрисидаги масала, фақат шартномада форс-мажорга оид шартлар назарда тутилган бўлса ёки бундай шартлар бўлмаса ҳам, мажбуриятни бажаришга имкон бермайдиган жиддий тўсиқлар юзага келганда, жавобгарликдан озод этилишидан манфаатдор тараф томонидан кўйилиши мумкин. Суд эса, мажбуриятни бажармаган тарафни форс-мажор ҳолати ёки бошқа ҳолат асосида жавобгарликдан озод этиши мумкин ёки даъвои рад этиши ҳам мумкин. Яъни, форс-мажор ҳолатини қўллаш ёки қўлламаслик масаласи суд томонидан ҳал этилади. Чунки, ушбу мамлакатлар фуқаролик ҳуқуқида форс-мажор ҳолати тушунчасининг аниқ таърифи мавжуд эмас. Шу билан бирга, форс-мажор ҳолати тушунчаси ноаниқ тушунча ҳисобланиб, унга ҳуқуқий категория сифатида қаралмайди. Лекин, суд амалиётида форс-мажор ҳолати тушунчаси яхши маълум ва у дастлаб XIX аср бошларида Лордлар палатасида немис ва инглиз жамиятлари ўртасида юзага келган низонинг кўриб чиқилиши билан Англия суд амалиётига бошқа тушунчалар қаторида кириб келган. Масалан, суд амалиётида форс-мажор ҳолати тушунчаси билан бирга, қарздорни жавобгарликдан озод қиладиган ҳолатни билдирувчи фавқулодда ҳолат (Act of God) тушунчаси, яъни башорат қилиб бўлмайдиган, тўсатдан вужудга келган, олдини олиб бўлмайдиган ёки инсон иродасига боғлиқ бўлмаган, табиий офатлар натижасида содир бўлган тасодиф ҳодиса, шунингдек ҳарбий босқинлар (Act of the King/Queen's Enemies) каби тушунчалар ҳам қўлланилиб келинади. Кўриниб турибдики, англо-саксон ҳуқуқий тизими мамлакатлари суд амалиётида қарздорни жавобгарликдан озод қилишда юзага келган вазиятни форс-мажор ҳолати деб топиш учун, унинг фавқулодда ҳолатлиги муҳим аҳамият касб этади. Яъни, фавқулодда ҳолатнинг вужудга келиши Аллоҳнинг иродаси (Act of God) эканлиги ва у инсон назоратидан ташқарида бўлган асосий сабаб сифатида баҳоланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, англо-саксон ҳуқуқий тизими мамлакатларининг фуқаролик ҳуқуқида шартнома (contract) мажбуриятлари ва шартномадан ташқари (ҳуқуқбузарликдан) келиб чиқувчи деликт (tort) мажбуриятлар ўзаро фарқланади. Жумладан, шартномани бузганлик учун жавобгарлик зарар етказганлик тамойили асосида белгиланиб, унга кўра, зарар етказган тараф мажбурият бузилиши учун айбидан қатъий назар, жавоб бериши керак. Бу эса, англо-саксон фуқаролик ҳуқуқида мавжуд бўлган

муҳим қоида, яъни зарар етказган тараф зарарларни тўлиқ қоплаган ҳолда ҳар қандай вақтда шартномадан воз кечиши мумкинлигидан келиб чиқади. Шу сабабли, ушбу мамлакатларнинг форс-мажорга оид фуқаролик қонунчилиги ва суд амалиётига кўра, қарздор шартнома мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгарликдан, фақат шартномада форс-мажор ҳолати бўйича тарафлар келишиб олган шартлардан келиб чиқиб, озод этилиши мумкин. Зеро, шартномада форс-мажор ҳолати сифатида белгилаб олинмаган ва шартнома мажбуриятини бажаришга тўсқинлик қиладиган ҳар қандай ҳолатнинг юзага келиши, форс-мажор ҳолатидан ташқари таъсир воситаси сифатида қабул қилиниши мумкин ва шуларни ҳисобга олган ҳолда, шартномани тузишда, шартнома туридан келиб чиқиб, унинг форс-мажорга оид алоҳида шартларини белгилаш ва ушбу шартларга амал қилишга алоҳида аҳамият берилади.

Айтилганлар билан бир қаторда, англо-саксон фуқаролик ҳуқуқида шартномани олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳолатлар туфайли бажара олмаган тараф учун жавобгарликдан озод этишнинг асоси сифатида форс-мажор ҳолати ҳисобланмайдиган иккита ҳолат ажратилганлигини таъкидлаш лозим. Яъни, гарчи ушбу ҳолатлар тегишли тарафни жавобгарликдан озод қилишга олиб келса-да, лекин улар форс-мажор ҳолатидан тубдан фарқ қилади ва шартномадан ташқари таъсир воситаси бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, куйидаги ҳолатлар тарафларни мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қиладиган алоҳида ҳолатлар сифатида ажратилади:

1. Шартнома мажбуриятини бажаришнинг имкони йўқлиги ҳолати – бу шуни англатадики, баъзида шартнома имзолангандан кейин, тарафлар хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган вазият юзага келиши натижасида шартномани бажариш тарафлар учун ўзини оқламаслиги, яъни жуда қимматга тушиши сабабли, уни бажариш имкони бўлмади. Масалан, Англияда Taylor vs Caldwell ишини кўриб чиққан судья Блэкберн, даъвогар томонидан ижарага олган концерт зали жойлашган бинода тўсатдан ёнғин келиб чиққанлиги туфайли концерт зали яроқсиз ҳолга келганлиги ва шу сабабли жавобгар ўз мажбуриятини бажарма олмаганлиги, бундай ҳолатнинг юзага келиши эса, тарафларга боғлиқ бўлмаганлиги ва жавобгарда мажбуриятни бажариш имкони йўқлиги учун шартномани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилган. Кўриниб турибдики, Англия суд амалиётида бундай ҳолат форс-мажор ҳолати деб эмас, балки мажбуриятни бажаришнинг имкони йўқлиги ҳолати сифатида баҳоланиб, жавобгарликдан озод этишнинг асоси деб топилган.

2. Шартнома тузилгандан кейин, шартнома мақсадларига тарафларнинг эришиб бўлмаслик (frustratsiya) ҳолати – бу шуни англатадики, шартнома тузилгандан кейин бундай ҳолатнинг юзага келиши, шартномани бузганлик учун жавобгарликни ис-

тисно қилиши билан бирга, тарафларга шартномани тузган пайтда кўзлаган мақсадларига эришишни имконсиз қилади. Бундай ҳолатда, бир тарафнинг шартномани бажариши, иккинчи тараф учун ўз қийматини йўқотади, яъни керак бўлмай қолади. Бунга мисол қилиб, “Krell vs Henry” иши бўйича суд прецедентини кўрсатиш мумкин. Жавобгар хонани қирол Эдуард VII ва қиролича Александрининг тож кийиш маросимини (1902 й) кузатиш учун даъвогардан ижарага олган. Аммо, қирол Эдуард VII касал бўлиб қолиб, тож кийиш маросими қолдирилган. Хонани ижарага олишдан кўзланган мақсад қиролнинг тож кийиш маросимини кузатиш бўлганлиги сабабли, суд шартномани жавобгар учун ўз маъносини йўқотган деб тан олган ва тарафларни мажбуриятни бажаришдан озод қилган. Кўриниб турибдики, Англия суд амалиётида бундай ҳолат форс-мажор ҳолати сифатида эмас, балки шартнома мақсадларига эришишнинг имкони йўқлиги ҳолати деб баҳоланиб, тарафлар мажбуриятни бажаришдан озод қилинган. Шу ўринда агар шартномага форс-мажор ҳолатлари тўғрисидаги шартлар киритилган бўлса, англо-саксон фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этишнинг шартномадан ташқари ҳимоя воситалари форс-мажор ҳолати сифатида ишламаслигини таъкидлаш жоиз. Масалан, “Trs. Of Conneaut Lake Park, Inc. vs Park Restoration, LLC” иши бўйича суд жараёнига кўра шартномада кўрсатилмаган энгиб бўлмайдиган ҳолатлар форс-мажор ҳолати ҳисобланмаслиги ва улар жавобгарлик тўғрисидаги низони ҳал этишда ҳимоя воситаси сифатида қўлланилмаган. Жумладан, шартнома бўйича жавобгар маълум бир уйга техник хизмат кўрсатишни таъминлаши лозим бўлиб, унда тарафлар жавобгарнинг шартнома бекор бўлгандай кейин бинони бўшатиш, уни тоза ва бузилмаган ҳолда қайтариш мажбуриятларини назарда тутган. Бироқ, келиб чиқиши номаълум бўлган ёнгин натижасида бино вайрон бўлган. Жавобгар ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолат туфайли шартномани бажаришнинг имкони йўқлигини кўрсатган бўлишига қарамастан, суд бу далилни рад этган ва шартномада тарафлар буюмнинг тасодифий йўқолиши хавфини ўзаро аниқ тақсимлаб, у жавобгарга юклатилганлиги ва жавобгар форс-мажор ҳолатига мурожаат қилиш имкониятидан маҳрум бўлгани ҳолда, шартномани лозим даражада бажармаганлик учун жавобгар бўлиши керак, деган хулосага келган. Кўриниб турибдики, англо-саксон ҳуқуқий тизими мамлакатлари суд амалиётида шартномада тарафлар белгилаб олган шартлардан келиб чиққан ҳолда жавобгарликдан озод қилувчи ҳолатлар талқин қилинади. Шунингдек, англо-саксон фуқаролик ҳуқуқида шартнома эркинлиги тарафларга таваккалчиликларни мустақил равишда тақсимлаб олиш ва жавобгарликдан қайси ҳолатларда озод қилишни келишиш ҳуқуқини беради. Шу сабабли, англо-саксон ҳуқуқий тизими мамлакатларида шартноманинг форс-мажор ҳолатларига оид шартлари ва уларнинг мазмунига тарафлар томони-

дан жиддий эътибор қаратилади ва хавф-хатарлар мувозанатини сақлаш таъминланади. Шу ўринда кодификация қилинган меъёрий ҳужжатлар (кодекслар) амалга киритилган айрим штатларнинг фуқаролик кодексларида форс-мажорга оид ҳуқуқий нормалар белгилаб қўйилганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Масалан, АҚШ Калифорния штати Фуқаролик кодексининг 1511 параграфи “Ижро қилишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар”, деб номланиб, унга кўра, “агар тарафлар бошқача келишувга эришмаган бўлсалар, мажбуриятни тўлиқ ёки қисман бажармаслик ёки бажаришни таклиф қилмаслик, шунингдек бажариш ёки таклиф қилишнинг кечикиши инсон кучидан юқори энгиб бўлмайдиган кучлар таъсири сабабли ёки Калифорния штати ёки Қўшма Штатларга қарши ҳарбий кучлар ҳаракатлари билан боғлиқ бўлса, айбли ҳисобланмайди”.

Юқоридагиларга асосланиб, англо-саксон ҳуқуқий тизими мамлакатларининг форс-мажор ҳолатлари бўйича суд амалиёти тўғрисида куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, судлар томонидан форс-мажор ҳолатини қўллаш масаласи фақат шартномада форс-мажорга оид шартларни тарафлар назарда тутган бўлса ва мажбуриятни бажаришга имкон бермайдиган ҳолатлар юзага келганда, жавобгарликдан озод этилишидан манфаатдор тарафнинг талаби билан кўриб чиқиши;

иккинчидан, суд мажбуриятни бажармаган тарафни форс-мажор ёки бошқа ҳолат асосида жавобгарликдан озод этишни ёки даъвони рад этишни мустақил ҳал қилиши;

учинчидан, суд мажбуриятни бажаришнинг имкони йўқлигини форс-мажор ҳолатидан алоҳида ҳолат сифатида кўриб чиқиши ва қарздорни жавобгарликдан озод этиши;

тўртинчидан, суд шартнома мақсадларига тарафларнинг эришиб бўлмаслигини (*frustratsiya*) форс-мажор ҳолатидан алоҳида ҳолат сифатида кўриб чиқиши ва уни шартномани бузганлик учун жавобгарликни истисно қилишнинг асоси деб қабул қилиши;

бешинчидан, суд мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этишнинг шартномага киритилган шартларидан ташқари ҳимоя воситаларини форс-мажор ҳолати сифатида қабул қилмаслиги мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Gesang J. Force-majeure und ähnliche Entlastungsgründe im Rahmen der Lieferungsverträge von Gattungsgüter. Kenigstein, 1980. S.85.
2. Гражданское право. Том 1. Учебник. / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М., 2002. -С. 87.
3. https://sandbigbox.com/wiki/ru/Taylor_v_Caldwell
4. https://sandbigbox.com/wiki/ru/Krell_v_Henry
5. https://sandbigbox.com/wiki/ru/Conneaut_Lake_Park
6. Гражданский кодекс штата Калифорния США. <https://constitutions.ru/?p=7705>.

ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР ЮЗАСИДАН ФУҚАРОЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Мустақиллик йилларига қадар шифокорлар ва беморлар ўртасидаги муносабатлар фақат маъмурий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, тиббий ёрдам ижтимоий имтиёзлардан бири ҳисобланган. Тиббий фаолиятнинг иқтисодий аҳамияти йўқлиги сабаб фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинмаганлиги барчамизга маълум.

Бинобарин, ҳар бир инсонга ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишнинг аҳамияти бутун жамият ва давлат учун муҳим ҳисобланиб, кенг қамровли чора-тадбирларни ўз ичига олади. Чунки, биринчидан, инсон соғлиги билан боғлиқ муносабатлар турли хил соҳа меъёрлари билан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинса, иккинчидан, ҳар бир беморнинг касалланиши ва уларнинг соғайиш ҳолатлари турлича кечиши билан ҳам мураккаб ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради. Юридик адабиётларда таъкидланганидек, инсон танасида содир бўладиган физиологик жараёнларнинг моҳиятини тўлиқ билиш ва назорат қилишнинг иложи йўқлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Инсон танасининг ишига аралашиб баъзан олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади. Ҳар бир инсоннинг тирик организм сифатидаги ўзига хослиги унинг соғлигини баҳолаш ва сақлашга фақат стандартлаштирилган талаблар асосида ёндашишга имкон бермайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, беморлар (пациентлар) ва бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган тиббиёт муассасалари ўртасида юзага келадиган муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинмайди. Чунки, бундай муносабатлар амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар белгиларига эга эмас. Хусусан, тиббий хизматларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар сифатида белгиланишини мажбурий-тиббий суғурта шартномасига мувофиқ юзага келишида кўриш мумкин. Мажбурий-тиббий суғурта шартномаси асосида беморларга пуллик ёки бепул тиббий хизматлар кўрсатилиши тўғрисидаги қоидалар ҳам фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар сифатида белгиланади. Ушбу муносабатлар фуқароларга пуллик тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартномага мувофиқ тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлар сифатида белгиланади.

Айни пайтда, тиббий хизматлар кўрсатишдан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бевосита тиббий фаолият билан боғлиқ. Тиббий фаолият – бу фуқаролик-ҳуқуқий меъёрлари билан тартибга солинадиган ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар характерида эга бўлган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади. Бу борада Ф.А.Вайтова хусусий тиббий фаолият ва тиббий хизмат тушунчаларини қуйидагича изоҳлайди: Хусусий тиббий фаолият – қонунда белгиланган тартибга лицензияга эга бўлган тиббий хизмат кўрсатувчи юридик шахслар томонидан беморларга тиббий хизмат кўрсатишга қаратилган тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Тиббий хизмат эса инсонлар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ёки жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилаш мақсадида қонунда белгиланган талабларга жа-

воб берадиган, муайян малакага эга бўлган шахс томонидан соғлиқни текшириш, касалликнинг олдини олиш, шахснинг соғлигини яхшилашга, даволашга, реабилитация қилишга йўналтирилган комплекс тадбирдир. Фикримизча, тиббий фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларнинг асосий хусусияти шундаки, улар фақат инсоннинг соғлиги ва ҳаёти билан ифодаланадиган шахсий-номулкий манфаатлар асосида вужудга келади. Шу боисдан, шифокор ва бемор ўртасидаги муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши лозим. Бунда шифокор ва беморларнинг ҳуқуқлари, юридик мажбуриятлари ҳамда жавобгарлик асослари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда Фуқаролик кодекси тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича ижтимоий муносабатларни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тўғрисидаги умумий қоидалар асосида тартибга солиб келмоқда. Хусусан, ФКнинг 703-моддаси биринчи қисмига кўра, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг субъекти буюртмачи сифатида эътироф этилади. Бундан келиб чиқадиги, буюртмачи — тиббий ёрдам кўрсатаётган шифокорнинг ёки тиббиёт муассасасининг бемори ҳисобланади.

Президентимизнинг 2022 йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамиди аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан бепул тиббий хизмат турларидан ташқари хизмат турларини пуллик асосда ташкил этишга рухсат берилган. Фикримизча, мазкур пуллик асосда ташкил этиладиган тиббий хизматлар рўйхатини, уларни кўрсатувчи муассасаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги ҳамда зарарни қоплаш асосларини белгилаб берувчи қонунчилик ҳужжатини қабул қилиш, намунавий шартномаларни ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги ҳамда “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларига кўра, бемор истеъмолчи сифатида эътироф этилади. Бироқ, фуқаролик қонунчилигида тиббий хизматнинг субъекти бўлган бемор “истеъмолчи” эмас, балки “буюртмачи” сифатида эътироф этилади.

Таъкидлаш жоизки, “истеъмолчи” ва “буюртмачи” тушунчалари ўртасида маълум фарқлар мавжуд бўлиб, “истеъмолчи” ҳар доим ҳам “буюртмачи”га муқобил бўлмаслиги мумкин. Чунончи, қонунчиликка мувофиқ истеъмолчи – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда

товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс) сифатида эътироф этилади. Бунда пуллик хизматларни олаётган истеъмолчи бемор ҳисобланиб, айна пайтда унга нисбатан "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни талаблари ҳам қўлланилади.

Буюртмачи — маълум бир ашёни тайёрлаш, маиший эҳтиёж учун буюмлар тайёрлаш, ашёларни қайта ишлаш ҳамда таъмирлаш, хом ашёга қайта ишлов бериш каби бир қатор топшириқларни берувчи шахс ҳисобланади. Буюртмачи фуқаро бўлган тақдирда, у истеъмолчи ҳуқуқларидан фойдаланади. Агар у яқка тадбиркор ёки юридик шахс ёхуд давлат ва унинг органи бўлса бундай ҳуқуқдан фойдалана олмайди.

Буюртмачи иш натижасидан манфаатдор шахс. Шу сабабли баъзи ҳолларда ўз ташаббуси билан, айрим ҳолларда эса пудратчининг касбий маҳоратига таяниб муайян ишни бажариш бўйича топшириқ беради.

Бу борада Т.А.Мўминовнинг қуйидаги фикрлари анча баҳслидир: "Фуқаролик қонунчилигида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида буюртмачи сифатида кимлар иштирок этиши ёки айнан фуқаролик ҳуқуқининг қайси субъектлари ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг тарафлари бўла олмаслиги хусусида махсус нормалар мавжуд эмас. Шу муносабат билан мазкур шартномада буюртмачиларга нисбатан фуқаролик ҳуқуқининг субъектчилигига нисбатан белгиланган умумий талаблар қўйилади. Яъни, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида буюртмачи сифатида фуқаролик муомала лаёқатига эга ҳар қандай субъектлар иштирок этишлари мумкин". Ж.Бобоевнинг нуқтаи-назарига кўра эса хизмат кўрсатиш муносабатларида мажбурий субъект, хусусан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва тегишли соҳага ихтисослашган жисмоний ва юридик шахс ҳисобланади.

Е.В. Богданов пуллик тиббий хизмат кўрсатиш ҳақидаги фикрини қуйидагича изоҳлайди. "Ҳақ эвазига тиббий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг мақсади фуқаронинг тиббий ёрдамга бўлган шахсий эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Мазкур таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тиббий ёрдам олувчи бемор касалланганлиги ва аҳолидан қатъи назар тиббий ёрдам кўрсатиш учун мурожаат қилган жисмоний шахсдир. Айна пайтда, пуллик тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича мурожаатчини буюртмачи сифатида эмас, балки истеъмолчи сифатида эътироф этиш жоиз.

Бу меъёрлар эса умумий характерга эга бўлиб, пуллик тиббий хизматлар билан боғлиқ муносабатларни тўлақонли тартибга солишга қаратилган қоидаларнинг фуқаролик қонунчилигида белгиланишини тақозо қилади. Чунки, улар шартнома бўйича пуллик тиббий хизматлар кўрсатиш жараёнида беморнинг ҳуқуқий имкониятларини, уларнинг хавфсизлигини аниқ ва тўлиқ белгилашга тўлақонли имконият бермайди ва мазкур ҳолат ҳам тиббий ташкилотлар томонидан пуллик тиббий хизматлар кўрсатиш қоидаларида аниқлаштирилмаган.

Тиббий хизматлар кўрсатишдан келиб чиқадиган фуқаролик муносабатларда тарафларнинг мажбурият-

лари ва жавобгарлик асосларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Чунки, аксарият ҳолларда беморнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етиш хавфи мавжуд бўлиб, ҳатто тўғри тиббий ёрдам кўрсатилган тақдирда ҳам аниқ, якуний натижани олишнинг тахминий имконияти (моддий ёки номоддий) бошқа турдаги хизматларни тавсифловчи тиббий фаолият учун мураккаб саналади.

Бошқача айтганда, битта орган, тўқима ёки функцияга таъсир қилиш, қоида тариқасида, бутун инсон таъсирга таъсир қилишини ҳисобга олсак, тиббий хизмат кўрсатишдан олдин ва кейин соғлиги ёки унга салбий таъсирини аниқлаш муаммодир.

Бундан ташқари, инсон организмдаги физиологик ва патологик жараёнларнинг бориши унга ҳеч қандай терапевтик таъсир кўрсатмасдан ҳам ўзгаришларга учрайди. Шу боисдан тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятида тарафларнинг мажбуриятлари аниқ кўрсатиб қўйилиши зарур.

Бинобарин, айрим тадқиқотчилар томонидан тиббий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги эътироф этилар экан, Тиббиёт кодексини ишлаб чиқиш зарурлиги ва ушбу Кодекс тиббиёт қонунчилигининг асоси бўлиши ҳамда тиббий хизматлар кўрсатувчи шахсларнинг жавобгарлиги масаласини батафсил тартибга солиши мумкинлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Шу боисдан, фикримизча, тиббий хизматлар кўрсатишда жамоатчилик муносабатларини янада аниқроқ тартибга солиш учун беморларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича замонавий қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш зарур.

Эркин иқтисодий муомалага киритилган тиббий хизмат, шубҳасиз, шартнома мажбуриятлари билан тартибга солиниши лозим. Фуқаролик-ҳуқуқий механизмлардан фойдаланиш эса тиббий ташкилот ва беморнинг манфаатларини самаралироқ мувозанатлаш имконини ҳам яратади. Соғлиқни сақлашнинг тобора тижоратлашуви, бир томондан, тиббий ташкилотларнинг кўрсатилаётган хизматлар сифати учун масъулиятини кучайтирса, иккинчи томондан, тиббий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратишни тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тиббий фаолият соҳасидаги фуқаролик жавобгарлиги умумий фуқаролик жавобгарликка хос бўлган асосий тамойиллар билан бир қаторда, ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Бундай ўзига хослик ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларнинг махсус субъектлар таркибига, зарар етказилаётган объектнинг хусусиятларига ва етказилган зарарнинг ноқонунийлигини аниқлашнинг хусусиятларига боғлиқ ҳисобланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик — бу шахс томонидан бошқа шахснинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келадиган ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатлари ҳисобланади.

Бундан келиб чиқадиги, тиббий фаолият доирасида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг пайдо бўлиши, агар бу фаолият беморга зарар етказишга олиб келган бўлса, тиббиёт ходимларининг ўз касбий мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Мазкур ҳолатда фуқаро-

лик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бемор ҳуқуқбузарлик фактини, тиббий ташкилот эса унинг айбисизлигини исботлаши талаб этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тиббий хизматларини кўрсатишда беморга шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида зарар етказилса, бошқа тарафдан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тиббиёт ходимининг шартномадан ташқари беморнинг соғлиғига етказган зарари орқали ҳам вужудга келиши мумкин. Чунки, шошилич тиббий аралашув, агар инсоннинг аҳволи ўз хоҳиш-иродасини билдиришга имкон бермаса, шартнома бўйича кўрсатиладиган тиббий хизматдан фарқ қилади. Зеро, бундай ҳолатларда беморнинг ихтиёрий розилиги шарт бўлмайди ва шифокор учун мажбурий ҳисобланади.

Хусусан, тиббий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни ўрганишда айрим хорижлик олимлар амалиётда бемор тиббий билимга эга бўлмаган заиф тараф бўлиб, у билан боғлиқ вазиятда (масалан, даволаш жараёнини ташкил этиш, тиббиёт ходимлари томонидан йўл қўйилган хатоларда) юзага келиши мумкин бўлган низолар иштирокчилар мувозанати тенглиги ўзгаришига олиб келади ва бу ҳолат тиббиёт муассасаси учун аниқ афзалликлар яратади, деган хулосага келади. Бу ҳолат бемор ҳуқуқларини ҳимоя қилишга салбий таъсир қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, низо тарафларнинг юридик тенглиги тамойилларидан четга чиқиш билан ифодаланади.

Қолаверса, бемор ҳуқуқи бузилган ҳолларда суддан маънавий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Бинобарин, шифокорнинг хатти-ҳаракатлари ва беморнинг соғлиғига етказилган зарар ўртасида сабабий боғлиқлик йўқлигини исботлаш мажбуриятини беморни даволаган тиббиёт ташкилотига юклаш, ишни тўғри ва объектив кўриб чиқишга ҳисса қўшадиган ихтисослашган ташкилотларнинг учинчи шахслар сифатида низоларда иштирок этишларига имконият яратишга қаратилган қоидаларни миллий қонунчиликда белгилаш мақсадга мувофиқ саналади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тиббий хизмат фуқаролик ҳуқуқлари ва фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг мураккаб объектидир. У бошқа хизматлардан соғлиқни сақлашни ўз ичига олганлиги ва соғлиққа аниқ мақсадли таъсир кўрсатиши билан фарқланади.

Бу борада тиббий хизмат деганда махсус рухсатномага эга бўлган тиббий ташкилот ёки тиббиёт ходимлари томонидан амалга ошириладиган ва беморнинг соғлиғини яхшилашга қаратилган ҳамда муайян харажатни талаб этадиган профилактик, диагностик, даволаш, тиклаш ва реабилитация тадбирлари тушунилиши керак.

Шунингдек, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида мустақамланган тиббий хизматлар билан боғлиқ қоидалар тиббий хизматлар кўрсатиш шартномаси субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ва ҳимоя қилишга тўлақонли мос келмаслигини инобатга олиб, фикримизча аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартиб-таомилларини белгилаб берувчи норматив ҳужжатни қабул қилиш зарур.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш шартнома-

си билан боғлиқ қоидаларни жамлаган алоҳида бобни киритиш юқорида қайд этиб ўтилган муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Нуриддин НОРМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси шўъба мудири, юридик фанлар доктори, профессор,

Зафар ЖУМАНОВ,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 221-сон қонуни (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.01.2022 й., 03/22/746/0032-сон).
2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги 265-сонли қонуни (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон).
3. Вильгоненко И.М., Слепенек Ю.Н. Правовое регулирование обязательств по оказанию медицинских услуг в системе гражданско-правовых отношений. – Москва. – 2005. – С.125.
4. Елина Н.К. Правовые проблемы оказания медицинских услуг: автореф. дис.... канд. юрид. наук. Волгоград. – 2006. – 22 с.
5. Егоров К.В. К вопросу определения гражданско-правовой ответственности в сфере медицинской деятельности // Вестник ТИСБИ. Научно-информационный журнал. – 2006. – № 2. – С. 101-108.
6. Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. дис.... – Тошкент: 2007. 68-б.
7. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги 161-сон буйруғи (www.med.uz/fergana/uz/documents).
8. Сергеев Ю.Д. Главные отечественные и всемирные научные форумы по медицинскому праву в XXI веке // Медицинское право. 2012. – № 5 (45). – С. 3-6.
9. Вайтова Ф.А. Тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш. ю.ф.н.Дисс... Тошкент 2012. Б.36.
10. Богданов Е.В. Договоры в сфере предпринимательства. М.: Проспект, 2018. 304 с.
11. R. Bouvet, The primacy of the patient's wishes in the medical decision-making procedure established by French law. *European Journal of Health Law* 25 4 (2018) 426-440. doi: 10.1163/15718093-12540384.
12. K. Knight, Who is the patient? Tensions between advance care planning and shared decisionmaking. *Journal of Evaluation in Clinical Practice* 25 6 (2019) 1217-1225. doi: 10.1111/jep.13149.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-2107-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 152-модда; 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон).
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини молиялаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сон қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон).
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 264-сонли қарори билан тасдиқланган “Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташҳис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш қоидалари” (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.04.2022 й., 09/22/191/0315-сон).
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-215-сон қарорининг 6-банди (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.04.2022 й., 07/22/215/0339-сон).
17. “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 1-моддаси (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.01.2022 й., 03/22/746/0032-сон).
18. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи. (II-қисм). Дарслик –Т.: ТДҲИ. – Б.245.
19. Бабаев Ж.И. Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: Юрид. фан. докт. дис... – Тошкент: 2021. – Б.127.

ТАРБИЯ ИБРАТ БИЛАН БЎЛАДИ



Болалигимда отам билан цирк кўргани боргандик. Чипта олиш мақсадида навбатга турдик. Олдимизда эр-хотин ва уларнинг олти боласи турарди. Болаларнинг кийимлари эскириб кетган, лекин озода эди. Улар жуда хурсанд ҳолда цирк ҳақида гаплашишарди. Навбатлари келгач, ота ойна ёнига бориб, чипта нархини сўради. Нархни эшитгач, бироз тисарилиб, хотинига пичирлаб нимадир деди. Унинг юзидан безовталиқ аломатлари яққол сезилиб турарди.

Шу пайт отам чўнтагидан 20 долларни олиб, ерга отди ва эгилиб, уни олди-да, пулни ҳалиги кишининг каф-

тига қўйди ва “пулингиз тушиб кетди”, – деди.

Ҳалиги одам кўзларида ёш билан, “раҳмат, жаноб”, – деди.

Улар томоша залига кириб кетганидан сўнг отам қўлимдан тортди ва биз ташқарига чиқиб кетдик. Чунки отамнинг ўша одамга берган 20 долларидан бошқа пули йўқ эди.

Ўша кундан буён отам билан фахрланаман. Бутун ҳаётимдаги энг гўзал манзара мана шу бўлганди. Бу ҳолат ўша кўролмай қолганим цирк томошасидан ҳам чиройлироқ эди.

Тарбия назорат билан эмас, ибрат билан бўлишига кўпроқ амин бўлдим.



Саҳифа интернет материаллари асосида тайёрланди.

МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада республикада амалга оширилаётган маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари таҳлил қилиниб, ички ишлар органларининг мазкур ислохотларни амалга оширишдаги ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти, шунингдек уни социологик таъминлаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш масалалари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: маъмурий ислохот, ҳуқуқ ижодкорлиги, ички ишлар органлари, социологик тадқиқотлар, қонунчилик, жамоатчилик фикри.

АННОТАЦИЯ:

в статье анализируются основные направления административной реформы, реализуемой в нашей республике, рассматривается правотворческая деятельность органов внутренних дел при реализации административной реформы, а также ее социологическое обеспечение, изучение общественного мнения.

Ключевые слова: административная реформа, правотворчество, органы внутренних дел, социологическое исследование, законодательство, общественное мнение.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, либераллаштириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш, давлат ва жамиятни модернизация қилишнинг муҳим мақсадларидан келиб чиқиб мамлакат учун муҳим ҳуқуқий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси маъмурий ислохотлар Концепцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий ислохотлар Концепцияси қабул қилинишидан кўзланган мақсад эса амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларининг тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлай оладиган, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ўз вақтида аниқлайдиган ва самарали ҳал қиладиган давлат бошқаруви тизимининг аниқ фаолиятини белгилаб беришдан иборат.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сон фармони билан вазирлик, қўмига, агентлик ва инспекцияларни ўз ичига оладиган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ягона тизими белгилаб берилди.

Жумладан, давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг тузилмаси ўртача 15 фоизга мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органлари ва ташкилотларида 40 та раҳбар ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилди.

Давлат органлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш ҳисобидан бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида 30 га яқин турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилди, давлат ташкилотлари томонидан 60 дан ортиқ ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди.

Юқорида кўрсатилган ислохотларда ички ишлар органларининг самарали фаолиятини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. Шундай экан, ички ишлар органларининг ҳуқуқ ва норма ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш борасида бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ички ишлар органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ва уларнинг аҳамияти бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини барқарорлаштириш ислохотларнинг муҳим омилига айланмоқда.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти самарадорлигининг асосий шarti жамоатчилик фикрини изчил ўрганиш ва унда турли мутахассис олимлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи амалиётчиларнинг кенг иштирок этишидир.

Шунингдек, ички ишлар органларининг давлатнинг олий органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлиги ҳамда ушбу соҳада учрайдиган муаммоларни назарий-ҳуқуқий жиҳатдан асослантириш мақсадга мувофиқдир.

Ички ишлар органларининг фаолиятини социологик таъминлаш ички ишлар органлари тезкор-қидирув ва ташкилий-бошқарув фаолиятининг самардорлигини баҳолаш тизимининг таркибий қисmidир.

Тадқиқотчи А.В.Бойконинг фикрича, ички ишлар органларининг фаолиятини социологик таъминлаш тўртта асосий йўналишда амалга оширилиши мумкин: 1) ички ишлар органларининг фаолияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ижобий қиёфаси (имиджи)ни шакллантириш бўйича қарор қабул қилиш учун ижтимоий фикрни ўрганиш; 2) патруль-пост хизмати, тезкор ва тергов бўлинмалари, профилактика инспекторлари, миграция масалалари бўйича бўлинмаларнинг қонунийликка риоя этиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги аниқ вазиятни ўрганиши; 3) ҳуқуқ-тартиботнинг аҳолини ўрганиш, фуқароларнинг хавфсизлиги даражасини баҳолаш мақсадида виктимологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларни кучайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш; 4) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг аҳоли турли қатламлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ички ишлар органлари шахсий таркиби билан ишлаш бўйича ижтимоий технологияларни ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам ички ишлар органлари фаолиятида социологик тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларидан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан илмий

ишлар амалга оширилган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ички ишлар органларининг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, ижтимоий воқеликнинг бир қисми сифатида ҳуқуқ-тартиботнинг (ҳудуддаги тезкор вазиятнинг) аҳоли бир бутун тизим ҳисобланади. Ушбу тизим қуйидаги элементлардан иборат:

ИИО ҳақида ахборот тўплаш, кузатиш, ҳужжатларни таҳлил қилиш, сўровлар ўтказиш, ички ишлар органларининг иш тажрибасини, улар фаолиятининг натижаларини тавсифлаш, қарор топаётган амалиётни умумлаштириш; ички ишлар органларида (ёхуд жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида) юз бераётган жараёнларни таҳлилий (социологик, криминологик) жиҳатдан тадқиқ этиш.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ички ишлар органлари жамоатчилик фикрини икки асосий йўналишда ўрганганлари маъқул: биринчиси – жамоат фикрининг ҳолатини ва унинг минтақалардаги ижтимоий гуруҳларда амал қилиш жараёнини таҳлил қилиш; иккинчиси – жамоат тартибини сақлаш ва жамият хавфсизлигини таъминлаш масалалари борасида жамоат фикрининг шаклланиши (аҳолининг ички ишлар органларига хабар бериши) жараёнини таҳлил қилиш.

Аҳолига қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, тарғибот тадбирларида аҳоли томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни умумлаштириш ҳамда тегишлилиги бўйича киритиш (зарур ҳолларда, белгиланган тартибда ижтимоий сўровлар ўтказиш) муҳим. Ҳуқуқий тартибни таъминлаш масалалари борасидаги жамоатчилик фикри, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Ички ишлар органларининг қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигининг асосий шарти жамоатчилик фикрини изчил ўрганиш ва унда турли мутахассис олимлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи амалиётчиларнинг кенг иштирок этишидир. Қонун ижодкорлиги жараёнида ички ишлар органлари ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, тегишли лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, қонун лойиҳалари бўйича шарҳлар, хулосалар ва тузатишлар киритишга жалб қилиниши мумкин. Бундан ташқари, ички ишлар органларининг вакиллари қонун ижодкорлиги билан боғлиқ давлат органлари ишида иштирок этишлари лозим.

Ички ишлар органлари олий давлат ҳокимияти хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига таъсир кўрсатадиган ва ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишда катта аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол иштирок этади. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ички ишлар органлари ваколатига қирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш уларнинг бевосита вазифаси ҳисобланади.

Ички ишлар органлари тегишли давлат ташкилотларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Юқоридаги билдирилган фикрларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. *Ички ишлар органлари давлат бошқаруви ва маъмурий ислохотларни амалга оширишда муҳим бўлган ҳисобланади*

нади ва жараёнларнинг фаол иштирокчисидир. Шунингдек, ушбу жараённи амалга оширишда ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида ўзига хос ваколатларга эга бўлади. Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий фаолияти ички ишлар органлари ижро ва маъмурий фаолиятининг ҳуқуқий шакли бўлиб, бошқарув жараёнининг бир қисми ҳисобланади.

2. *Ички ишлар органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг мақсади бошқарувнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, бошқарувга оид ижтимоий муносабатларини тартибга солишдан иборат. Ички ишлар органларининг норматив фаолияти ўз хусусиятларига эга бўлган ва турли йўналишдаги кўплаб технологик усуллар, техникалар, процедураларни қамраб олган махсус технологик жараён ҳисобланади.*

3. *Ички ишлар органларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишдаги ваколатлари асосан қонунчилик ташаббуси субъектлари учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқишдаги иштирокида намоён бўлади. Ички ишлар органларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги иштироки ташаббускор тартибда ҳам, бошқа давлат ҳокимияти органлари топиширигига биноан ҳам амалга оширилади.*

4. *Ички ишлар органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги – жамият мақсадларига эришишга қаратилган, ички ишлар органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда ва уларнинг ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, белгиланган талабларга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни яратишда иштирок этиш бўйича ваколатлари доирасида амалга ошириладиган ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган фаолияти ҳисобланади.*

5. *Ички ишлар органлари қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигининг асосий шарти жамоатчилик фикрини изчил ўрганиш ва унда турли мутахассислар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи амалиётчиларнинг кенг иштирок этишидир.*

6. *Қонунчилик фаолиятида иштирок этган ички ишлар органлари ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, тегишли лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, қонун лойиҳалари бўйича шарҳлар, хулосалар ва тузатишлар киритиш учун жалб қилинади. Ички ишлар органлари вакиллари қонун ижодкорлиги билан боғлиқ давлат органлари ишида иштирок этадилар.*

Ахбор ХУДОЙБЕРДИЕВ,

ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор,

Умид НУРУЛЛАЕВ,

юридик фанлари бўйича фалсафа доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Соловьев А.А. Правотворческая деятельность органов внутренних дел субъектов Российской Федерации. – С. 7.
2. Бойко А.В. Социологическое обеспечение деятельности полиции в современных условиях // Азимут научных исследований: педагогика и психология, 2017. Т.6. – № 4(21). С. 384.
3. Ички ишлар органларида бошқарув-ахборот-таҳлил фаолияти асослари. – Б. 251.
4. 2017 йил 8 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ 5185 сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси ИИВ нинг 2017 йил 23 мартдаги "Ички ишлар органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтириш юзасидан наъмунавий чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида"ги 44-сонли буйруғи.
6. Ўзбекистон Республикаси ИИВ нинг "Ички ишлар органларида ички идоравий ҳужжатларни тайёрлаш, келишиш ва қабул қилиш қоидалари"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги 2017 йил 24 июндаги 156-сон буйруғи.

ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштирганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш масалалари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: жиноий фаолият, легаллаштириш, даромад, мол-мулк, юридик шахс.

АННОТАЦИЯ:

в статье рассматриваются вопросы совершенствования ответственности за легализацию доходов, полученных преступным путем.

Ключевые слова: преступная деятельность, легализация, доход, имущество, юридический лицо.

Ҳозирги кунга келиб жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш халқаро уюшган жиноятчилик характери ни ўзи да акс эттириб унга қарши кескин кураш олиб бориши тақозо этмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ҳам ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш масаласига ҳар доим ҳам жиддий қаралган. 2019 йил 27 майда Президент фармони билан 2019-2020-йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилинди ва Сенат раиси бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиянинг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Буларнинг асосий аҳамиятли жиҳати шундаки, комиссиянинг ташкил этилиши ҳам жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятларига қарши курашишнинг оптимал варианты ҳисобланади. 2004 йил 26 августда қабул қилинган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги 660-II қонунга 2019 йил 15 январда ЎРҚ-516-сонли қонун билан ўзгартириш киритилди.

Ҳозирда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш давлат ёки давлатнинг бир қатор гуруҳлари муаммоси бўлибгина қолмасдан, балки бир неча давлатлар, жумладан, МДҲ давлатлари олдида турган катта муаммодир.

XXI асрга келиб ушбу турдаги жиноятлар трансмиллий характери касб этиб, кундан-кунга ушбу жиноятни содир этишнинг янгича усуллари пайдо бўлиб боргани сабаб халқаро ҳамжамиятда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири сифатида қаралиб, легаллаштириш жинояти халқаро жиноятлар тоифасига киритилган.

Замонавий ахборот коммуникацион технологиялари тараққиёти, халқаро пул ўтказмалари тизимининг ривожланиши, виртуал пулларнинг пайдо бўлиши каби омиллар ҳам жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини халқаро миқёсда ҳам долзарб муаммога айлантирди. Бу эса ўз навбатида бундай жиноятларга қарши курашда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни, ушбу жиноятларга қарши кураш бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашни, бу соҳадаги хорижий тажрибани ўрганишни тақозо этади.

Шу ўринда легаллаштириш сўзининг луғавий маъносини чақиб олсак. Легаллаштириш – пул маблағларини “яширин” капиталдан чиқариш ва қонуний муомалага киритиш, яъни улар (пул ва бошқа мол-мулк) га муайян жисмоний ёки юридик шахснинг қонуний мулки ҳуқуқий мақомини бериш демакдир.

*Агар килса қилса
жаҳонда қурур,
Оёни соридин қалит
мишдек қурур.*

**Абдулқосим
ФИРДАВСИЙ**

*Жон дўстинг жонидан кечса ҳам,
Мол дўстинг молдан кечмас.*

**Ўзбек халқ
мақоли**



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддаси “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш” деб номланади. Унга кўра, “жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш – яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш”дир.

Демак, мазкур модда мазмунида жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш сифатида ҳар қандай жиноят деб топилган мулкни қонунийлаштириш, унинг келиб чиқиш манбасини яшириш деб тушунилади.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг ошқора даромад манбаи бўлмасда, улар ўз реал даромадларидан бир неча бор юқори бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари билан операция ўтказиши, кўчмас мулк сотиб олиши ва бошқа харидларни амалга ошириши – бунинг барчаси легаллаштириш белгисидир”.

Ушбу келтирилган таъриф барча юридик адабиётларда олимлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадаларни легаллаштириш жиноятлари учун берилган бошқа таърифлар билан деярли бир хил бўлиб, уларнинг ҳаммасида асосан бир нарсага – жиноий йўл билан топилган капиталга турли йўллар орқали қонуний тус беришга бўлган ҳаракатлар, яъни операциялар мажмуасига урғу берилади.

Амалиётда ушбу турдаги жиноятлар даромадларни ўтказиш, айлантириш, алмаштириш йўллари орқали амалга оширилади. “Ўтказиш — жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари билан банкларда қандайдир молиявий операцияларни амалга ошириш; **айлантириш** — фуқаронинг ҳуқуқий битим, олди-соти битимини, алмашиш, ҳадя ва ҳоказо битимларни тузиш ёки жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни қонуний тадбиркорлик ёки бошқа ишлаб чиқариш тузулмасини ташкил этиш ёки иш олиб боришга сарфлаши; **алмаштириш** — сўмни ҳар қандай хорижий валютага конвертация қилиш маънолари аниқлаштирилади”. Ушбу турдаги ҳаракатларни амалга оширишнинг ҳар қандай тури жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга бўлган уриниш саналади ва улар амалга оширилган пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Жиноий даромадларни легаллаштириш деганда нафақат пул маблағларини, балки муомалада бўлиши таъқиқланмаган ҳар қандай турдаги мол-мулкларни бир шахсдан бошқа бир шахсга ўтказилиш тушунилади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг асл хусусиятини яшириш ёки сир сақлаш деганда жиноий даромадлар орқали қўлга киритилган нарса ва буюмларнинг асл хусусиятларини ўзгартирган ҳолда (асосан ўғирлик, босқин-

чилик, талончилик, пора олиш каби жиноятларнинг предмети ҳисобланган) турли хилдаги буюмлар яшаш орқали уларнинг асл хусусиятини яшириш ҳисобланади.

Давлат бошқарув органларининг самарали ва натижали фаолият юритиши учун қонун устуворлиги тамойилига амал қилиш шахс, жамият ва давлатнинг қонуний ҳуқуқ манфаатларини амалга оширишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи доктринасига мувофиқ, ушбу жиноятнинг объекти бевосита республика иқтисодий фаолияти соҳасида вужудга келадиган жамоат хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятнинг предмети айбдор шахс томонидан жиноий фаолият натижасида қўлга киритилган пул маблағлари, моддий қийматликлар, яъни мол-мулк ҳисобланади. Улар одатда талон-тарож қилиш, контрабанда, товламачилик, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, фоҳишахона очиш ёки сақлаш каби жиноятларни содир этиш орқали қўлга киритилган ашёвий буюмлар ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганимизда, бир қатор олимлар ва амалиётчиларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноий фаолият натижасида олинган мол-мулкни топшириш, конверсия қилиш ёки алмаштириш, шунингдек асл моҳиятини, манбасини, келиш йўлини яшириш ёки яшириш орқали эгалик қилиш, мулкка ёки унинг мулкига нисбатан асл ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш, агар бундай мулк жиноий фаолият натижасида олинган бўлса, объектив томон деб ҳисоблаш даркор. Бу эса ўз навбатида жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш жиноятлари учун суд ҳукми чиқаришда энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи аломатлар борлигини ҳисобга олувчи жараён эканлиги аниқдир.

Берик АЙМУРАТОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Волеводз А.Г. Международный розыск, арест и конфискация полученных преступным путем денежных средств и имущества (правовые основы и методика) – М.: Юрлитинформ. 2013. - 477 с.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси”даги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Адолат, 2019. 671 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Адолат, 2019. 527 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети. Н.Салаев, Г.З.Тулаганова (юридик фанлар доктори, профессор). Монография. – Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий жиҳатлари 18 б.



**Шахзодбек
НАРЗИЕВ,**

Ўзбекистон
Республикаси
ИИБ Академияси
ўқитувчиси

БОСҚИНЧИЛИК ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИГА ОИД ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР

АННОТАЦИЯ:

мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси биринчи қисмида белгиланган босқинчилик тушунчасининг қонуний таърифи таҳлил қилиниб, жиноят-ҳуқуқий адабиётлари ва суд-тергов амалиёти материаллари асосида атрофлича ўрганилиб, босқинчилик тушунчасига оид муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ушбу таърифни жиноят тўғрисидаги қонунчиликка киритиш юзасидан таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: босқинчилик, мол-мулк, талон-тарож, мулкка эгалик қилиш, зўрлик ишлатиш, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш.

Мамлакатимизда бир қатор қонунлар билан ўзгалар мулкига тажовуз қилиш учун таъқиқ ўрнатилганлиги, уларнинг муҳофаза остига олинганлиги конституциявий тамойилларнинг ҳаётга тадбиқ этилганлигидан далолат беради.

Хусусан, “Ўзгалар мол-мулкани талон-тарож қилиш” жинояти учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164–169-моддаларида жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра зўравонлик билан содир этилаётган босқинчилик жинояти алоҳида ўрин эгаллайди.

Чунончи, сўнгги уч йил давомида, яъни 2020 йил – 192 та, 2021 йил – 341 та, 2022 йил – 261 та босқинчилик жинояти содир этилганлиги унинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигидан дарак беради. Бундан ташқари, босқинчилик жиноятини содир этишнинг янги усуллари, унинг содир этилиши натижасида нафақат ўзга шахсларнинг мулкий муносабатларига путур етказилиши, балки, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳам зарар етказилаётганлиги сабаб босқинчилик жинояти учун жиноий

жавобгарликни белгилаш зарурати олдингидан кўра долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЖКнинг 164-моддаси тўрт қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида босқинчиликнинг оддий ҳолати учун жиноий жавобгарлик белгиланиши билан бирга, унинг диспозициясида босқинчилик тушунчасига “Босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкани талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш” деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкани ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”-ги 6-сон қарорида ҳаракат айбдор томонидан мулкка эгалик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса босқинчилик деб тавсифланиши белгилаб ўтилган.

Босқинчилик тушунчасига юқорида келтирилган таърифга монанд ва бир хил таърифларни бошқа олимлар тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин.

Гарчи, мазкур таърифлар қайсидир маънода бир хил маънони англатса-да, бизнингча илгари сурилаётган тушунчалардаги айрим жумлалар бошқа маънони англатади, масаланнинг баҳсли жойи ҳам шу аслида. Гап шундаки, Р.Кабулов ва А.А.Отажоновлар “Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, ўзганинг мулкани олиш ёки эгаллаш босқинчилик дейилади” – дея таъкидлаганлар ва ЖКнинг 164-моддасида босқинчиликка берилган таърифдаги каби



“Ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш мақсадида” жумласини келтирганлар.

Олий суд Пленумида эса “айбдор томонидан мулкка эгаллик қилиш мақсадида” жумласи ишлатилмоқда. Ушбу жумлалардан қайси бири қўлланилишининг ҳеч бир аҳамияти йўқдек туюлса-да, бизнинг назаримизда босқинчилик тушунчаси таърифни беришда ушбу жумлаларнинг энг мақбулини танлаш зарурати мавжуд.

Шу аснода, мазкур жумлаларнинг тушунчаси борасида айрим қарашларга назар ташласак. М.Х.Рустамбаев “Ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш” деганда, “Ўзганинг мулкни ўзининг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун, мулкдорга ёки ушбу мулкнинг бошқа эгасига зарар келтириб, қонунга хилоф тарзда ва ҳақ тўламай олиб қўйишдир” дея таъкидлаган.

Ф.Ф. Абдуқодировнинг фикрича, “Талон-тарож қилиш – ғараз мақсадда, ўрнини қопламасдан қайтариб бермаслик шarti билан, ўзганинг мулкни ёки мулккий ҳуқуқини айбдорнинг ёки бошқа шахснинг тасарруфига ўтказишдир”.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “талон-тарож”га – “(ўғирлаш, талаш, ўлжа) ҳамма ёқдан тортқилаб талаш, ўзлаштириш, тала-тала ва торт-торт қилиш” – дея таъриф берилган бўлса, “Эгаллаш”га – эга бўлмоқ, ўзиники қилиб олмақ деган маъноларни англатади, – деган таъриф бериб ўтилган.

Босқинчилик талон-тарожнинг бир шакли бўлиб, умумийликнинг бир белгиси ҳисобланади.

Бизга маълумки, фалсафа фанида дедукция ва индукция каби умумийлик билиш усуллари мавжуд бўлиб, детуктив усул – умумийликдан яққаликка, хусусийликка қараб бориладиган ва индуктив усул – яққаликдан, хусусийликдан умумийликка қараб бориладиган билиш усуллари билдиради. Дедукция ва индукция фалсафада умумийлик билиш усуллари ҳисобланса, мантиқда ҳулосанинг бир тури сифатида ишлатилади. Демак биз талон-тарожнинг бир шакли сифатида босқинчиликни умумийликдан ажратиб олишда фалсафий усулдан фойдаланамиз.

Агарда босқинчилик талон-тарожга нисбатан хусусийлик аҳамиятига эга бўлса, унда босқинчилик тушунчасида талон-тарож қандай қилиб унинг мақсади бўлиши мумкин, балки унинг ўрнига “Ўзгалар мол-мулкни эгаллаш мақсадида” деган жумлаларни қўллаш ушбу меъёрдаги ҳуқуқий қоидалар талабига мувофиқ келиши мумкин.

Агарда, босқинчилик жиноят таркиби тузилишига кўра формал, яъни ҳужум қилиш бошлангандан сўнг тугалланган деб топиладиган бўлса, унда мулк эгалландими ёки йўқми?, деган савол муҳим аҳамият касб этмасдан, балки уни содир этишда ўзганинг мулкни эгаллаш босқинчилик усули билан талон-тарож қилишга ундайдиган

яқуний натижа бўлиб ҳисобланади, бу эса Жиноят ҳуқуқи фанида жиноятнинг мақсади деб топилади.

Шу боисдан, ўзгалар мулкни эгаллаш мақсади, жиноятчидан жабрланувчи ёки мулкнинг эгалланишига қаршилик қилаётган шахсларга нисбатан зўрлик ишлатишни ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитишни тақозо этади.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Олий суд Пленумида тўғри келтирилганидек, босқинчиликда айбдор шахс ўзганинг мулкни ўзиники қилиб олиш, эгаллаш учун унинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилади. Шу боис ЖКнинг 164-моддаси бандида қўлланилган “мол-мулкни талон-тарож қилиш” жумласининг ўрнига “мол-мулкни эгаллаш” жумласини киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва ЖКнинг 164-моддаси биринчи қисмини: “*Босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкни эгаллаш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш*” тарзида таҳрир этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Севриков А.П. Хищение имущества: криминологические и уголовно-правовые аспекты / А.П. Севриков. – М.: Издательство “Экзаме́н”, 2004. – С. 143-144; Назаров С.С. Босқинчилик жиноятининг тушунчаси, тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари // Journal of Advanced Research and Stability Volume: 02 Issue: 09| Sep-2022 ва бошқалар.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008). URL: <https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/uzbektilining-izohli-lugati/>.
3. Кабулов Р., Отажонов А.А. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар: Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. Б –15.
4. Rustambayev M.X. O‘zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 4. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar. Hokimiyat, boshqaruv va jamoat birlashmalari organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar. Darslik. 2-nashr, to‘ldirilgan va qayta ishlangan – T.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 529 bet.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5841063>.
6. Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/5864>.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. URL: <https://constitution.uz/uz/clause/index>.
8. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқий статистика бошқармасининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботи. (14.01.2023 йил. 38/1-22-сон хат).
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори. URL: <https://lex.uz/docs/1448644>.
10. Абдуқодиров Ф.Ф. “Талончиликка қарши курашининг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш” мавзуйи бўйича диссертация иши. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида тайёрланган. Т–2022й.

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯНИНГ ЕТИМ ВА ҚАРОВСИЗ БОЛАЛАР ҲУҚУҚ ҲАМДА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада мамлакатимизда Миллий гвардиянинг етим ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар баён этилган.

Таянч сўзлар: Миллий гвардия, васийлик, ҳомийлик, болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси, етим бола, ота-она қарамовидан маҳрум бўлган бола.

АННОТАЦИЯ:

в статье изложены предложения по внесению изменений и дополнений в нормативные правовые акты по совершенствованию деятельности Национальной гвардии по защите прав детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей в нашей стране.

Ключевые слова: Национальная гвардия, опека, попечительства, отделение защиты детей, ребёнок-сирота, ребёнок оставшийся без попечения родителей.

Бола катталарнинг меҳр-муравват кўрса-тишига муҳтож бўлса, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат ва жамиятнинг ҳимояси ва қўллаб-қувватлашига муҳтождир. Ҳозирда ер юзида етим ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар сони турли сабаблар таъсирида ортиб бормоқда. ЮНИСЕФ маълумотига кўра, бугунги кунда жаҳонда 140 миллиондан ортиқ етим ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар мавжуд.

Шу сабабдан, болалар ҳуқуқини таъминлаш муаммоси бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Дунё бўйича болалар ҳуқуқи қай даражада таъминланаётганлиги ва давлатларнинг болалар ҳуқуқини таъминлашга қандай интилаётганлигини кузатиб борадиган “KidsRight Indeks” халқаро рейтингига кўра боланинг яшаши, соғлиги, таълим олиши, ҳимояланиши, болалар ҳуқуқи учун қулай муҳит яратиш каби мезонлар орқали давлатлар фаолиятига баҳо берилади. 2022 йилда ушбу рейтингда (Исландия - 1, Швеция - 2, Финландия - 3, Қозоғистон - 20, Туркменистон - 63, Россия - 92, Қирғизистон - 93, Тожикистон - 105) Ўзбекистон 182 та давлат орасида 88-ўринни эгаллади.

Мамлакатимизда Меҳрибонлик ва болалар муассасаларида тарбияланаётган 1 471 нафар болаларнинг 20 фоизини ота-онаси бўлмаган “чин етимлар”, қолганларини эса, ота-онаси бор ёки ажрашган, яқин қариндошлари (тоғаси, холаси, амакиси, аммаси, бобоси, бувиси) бўлган “ижтимоий етимлар” ташкил этади. Бу каби “ижтимоий етим”лар сонининг кўпайишига оиладаги иқтисодий қийинчилик, ёлғиз оналик (оталик), ота ёки онанинг чет элга чиқиб кетиши, болани парвариш қилиш имкониятига эга бўлмаган кекса бобоси (бувиси) ёки боланинг

масъулиятини ўз зиммасига олмаган қариндоши ёки танишлари қўлида қолиб кетиши сабаб бўлмоқда.

Сўнгги 11 йил ичида меҳрибонлик уйларида тарбияланган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 3 637 нафар собиқ тарбияланувчиларнинг ҳаёти ўрганилганда уларнинг жамиятга мослашиши даврида турли қийинчиликларга дуч келаётганликлари маълум бўлди. Хусусан, битирувчиларнинг 1 473 нафари иш билан таъминланмаган, 1 584 нафарининг уй-жойи йўқ, 2 588 нафари оила қурмаган, 22 нафари вафот этган, 43 нафари жиноий жавобгарликка тортилган, 347 нафари хорижий давлатларга чиқиб кетган. 30 ёшгача бўлган меҳрибонлик уйларида 900 нафар битирувчиларига уй-жой ва ер участкаси ажратилган бўлиб, улардан фойдаланиш даражаси ўрганилганда, 110 нафар бола яшаётган хонадон санитария талабларига жавоб бермаслиги ва яшаш учун тегишли шароит яратилмаганлиги, 17 нафар Қорақалпоғистон Республикаси Меҳрибонлик муассасаларини битирувчисига 2015-2016 йилларда ер участкалари ажратилган, аммо уларнинг айримларида ҳанузгача турар-жой қурилиши бошланмаганлиги ёки ер участкаси сотиб юборилганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” номли асарида “Эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволанишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-муруват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади”, деб таъкидлаган эди. Шу тариқа, Президентимизнинг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5215-сонли

қарори асосида Оилавий болалар уйлари ва Болалар уйлари ҳамда васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болаларга (йигирма беш ёшга тўлмаган) Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчи ва ходимларини бириктириш, ўқув-тарбия муассасаларининг тарбияланувчиларини ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари кўллаш чораларини кўриш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик кўллаб-қувватлаш, васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда бир ойда камида бир маротаба етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан суҳбатлар ўтказиш асосида уларнинг таълим-тарбия олиш аҳволини ва маиший шарт-шароитларини ўрганиш каби масъулиятли вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу ислохотларни амалга оширишдан асосий мақсад болаларнинг оилада яшашга бўлган ҳуқуқини таъминлаш ва Меҳрибонлик уйлари ноинституционлаштиришдан иборатдир. Бу сиёсатнинг самараси ўлароқ, Миллий гвардиянинг етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида Меҳрибонлик болалар муассасалари фаолиятини оптимизация қилиш жараёнида 13 та Меҳрибонлик уйи, 4 та Болалар шаҳарчаси ва 4 та Болалар уйлари фаолияти тугатилди. Ушбу муассасалардан жами 2 227 нафар тарбияланувчи чиқарилди. Шулардан 583 нафари ота-онаси ва яқин қариндошларига, 469 нафари фарзандликка, васийликка ва патронатга, 739 нафари янги ташкил этилган Оилавий болалар уйлари топширилди, 134 нафари бошқа таълим муассасаларига, 202 нафари олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларига, 100 нафари янги уй-жойга ўтказилди.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ҳамда орзу-истакларини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи янги ижтимоий ҳимоя тизими - “Меҳр дафтари” жорий этилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. 2022 йилнинг ноябрь ойи ҳолатига кўра, “Меҳр дафтари” электрон платформасида 7526 нафар (3 904 нафар ўғил ва 3 622 нафар қиз) бола ҳисобга олинган бўлиб, улардан 1 726 нафарининг муаммолари (эҳтиёж, қизиқиш ва х.к.) ўрганиб чиқилиб, 756 нафар боланинг мурожаати ижобий ҳал этилди. Бунда “Меҳр дафтари” тизимини кўллаб-қувватлашга қаратилган вилоятлар жамғармалари ҳисобидан

ги 86 млрд. 391 млн. сўмдан 11 млрд. 78 млн. сўм сарфланди.

Мамлакатимизда Меҳрибонлик муассасалари Миллий гвардияга бириктирилганига қадар Хоразм вилояти бўйича фақат 5 та Оилавий болалар уйи фаолият юритган бўлса, 2023 йилнинг март ҳолатига кўра эса, 139 та Оилавий болалар уйида 800 нафардан ортиқ болалар оила муҳитида тарбияланмоқда. Маълумки, БМТнинг 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари конвенцияси”нинг 20-моддасида “Оилавий муҳитдан вақтинча ёки доимий маҳрум бўлган ёки ўз манфаатларини кўзлаб бундай муҳитда қола олмайдиган бола давлат томонидан алоҳида ҳимоя ва ёрдам олиш ҳуқуқига эга”лиги, 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўйича кўрсатмалар” (Ар-Риёд кўрсатмалари)да “Ҳуқуқматлар болаларни барқарор ва фаровон оилада тарбиялашга кўмаклашувчи сиёсат ишлаб чиқиши керак”лиги баён этилган.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги ушбу халқаро ҳужжатларда белгиланган бу муаммоларга тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 28 июлда ўтказилган “Кам таъминланган оилалар ҳамда меҳрибонлик уйларида истиқомат қилувчи болаларни кўллаб-қувватлаш”га бағишланган видеоселектор йиғилишида ўринли таъкидлаганидек, “Меҳрибонлик уйларидаги таълим-тарбия ишлари мутлақо қониқарсиз. Очиқ айтиш керак, бугунги кунда халқ таълими тизимига қарашли “Меҳрибонлик уйлари” ва “Болалар шаҳарчалари”даги тарбиячиларнинг 95 фоизи аёллар бўлиб, болалар уларни “она” деб қақришади. Лекин, “ота” тарбиясичи? Бу ердаги фарзандларимизни оилага имкон қадар яқин муҳитда тарбиялашимиз учун, албатта, “ота” ва “она” меҳрини бера оладиган тизим яратиши миз керак”.

Ушбу ҳаётий муаммо хусусида фикр юритар экан, Ч.Насриддинов “етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни “Меҳрибонлик” уйларида қуршовда тарбиялаб, уларнинг келажакдаги ўғирланаётганлиги, етим болалар оила даврасида улғаядиган бўлса, оила катталари болаларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирса, болалар ҳам ўз навбатида меҳнатлари ва ижобий муносабатлари билан бунга жавоб беришлари, Меҳрибонлик уйи ҳудудида тарбияланувчиларни ҳам меҳнатга жалб қилиш лозимлиги ва Меҳрибонлик уйлари шаҳар ҳудудида эмас, балки чекка қишлоқ ёки сўлим гўшаларда ташкил этилиши лозимлиги”ни таъкидлайди. Ушбу муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда, етим болаларни оила муҳитида тарбиялаш, шу орқали уларни меҳнатга жалб қилиш, кўзланган мақсад сари қурашишга ўргатиш, Меҳрибонлик



уйларини шаҳардан ташқарида сўлим гўшаларда қуриш мақсадга мувофиқдир. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқининг таъминланиши, уларнинг оила муҳитида тутинган ота-оналарининг ғамхўрлигида камолотга етиши, жамоа муҳитида яқин қариндошлари билан алоқада бўлиб, маҳаллада ўтказиладиган тўй, маърака ва ҳашарларда иштирок этиши келгусида уларнинг ўзлари ҳам оила қуриб, фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш орзусида улғайишига сабаб бўлади.

Юқорида билдирилган муаммоларнинг ижобий ечимига эришиш, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) томонидан жойлардаги Болаларни ҳимоя қилиш шўъба ходимлари билан ҳамкорликда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётганлиги ҳамда улар билан ватанпарварлик йўналишидаги маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ўтказиладиганлиги, спортнинг қўл жанги, от спорти, замонавий бешкураш, поло турларига жалб этаётганликлари нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, ҳаракатдаги қонунчиликдаги ушбу муносабатлар билан боғлиқ бўшлиқларни тўлдирish мақсадида айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Булар:

биринчидан, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасини “Васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш” вазифасини белгиловчи қоида билан тўлдирish;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунининг 7-моддасида васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари қаторига Миллий гвардия органларини ҳам қўшишга қаратилган янги бандни киритиш ҳамда Миллий гвардиянинг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатларини белгилашга бағишланган 121-модда билан тўлдирish;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасини Миллий гвардиянинг ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришида иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизимида ўрин эгаллашини белгиловчи бандни киритиш ҳамда ушбу соҳада Миллий гвардиянинг ваколатларини ўрнатишга қаратилган янги норма билан тўлдирish;

Тўртинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низом”нинг

39-банди 3-хатбошисини “комиссия аъзолари – туман, шаҳар ҳокимлигининг юридик хизмати ходими, Миллий гвардиянинг Қўриқлаш бўлими бошлиғи, ижтимоий масалалар бўйича мутахассиси (масъул котиб), туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаси, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонднинг туман, шаҳар бўлими ходимлари” таҳририда баён этиш.

Хулоса ўрнида, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида Миллий гвардия органлари зиммасига етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасининг топширилганлигини дунё амалиётида камдан-кам учрайдиган ҳодиса сифатида баҳолаб, у Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимларига улкан масъулият юклашни таъкидлаш ўринлидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Миллий гвардия органларининг етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ушбу соҳада белгиланган вазифаларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга ҳамда амалиётда уларнинг ижросини юқори даражада таъминлашга хизмат қилади.

Шерзод ИКРАМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети докторанти, подполковник.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://www.unicef.org/media/media_45279.html
2. Широ С.В. Права ребёнка: необходимость внедрения новых механизмов защиты: Монография. – Мурманск, 2009. – 168 с.
3. <https://www.kidsrights.org/research/kidsrights-index>
4. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ҳузурда 2021 йил 6 декабрь куни ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишининг 31-сон баёни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар. –Т.: ТАСВИР нашриёт уйи, 2021. - 52 б.
6. Худойберганова Д.З. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида, Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар фаровонлигини таъминлашнинг стратегик моделлари //Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Т.:Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2022. - 425 б.
7. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml
8. “Болалар ғамхўрликни тўлиқ ҳис қиляпти-ми? Афсуски, йўқ”. Президент – меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳақида. Атаджанов Азамат Юсупбаевич. www.gazeta.uz/uz/2021/07/28/mehribonlik/ Мурожаат санаси 24.10.2022 йил.
9. Насриддинов Ч. “Ота-она қарамоғидан маҳрум болалар ижтимоийлашувининг баъзи бир ташкилий ва маънавий-психологик омиллари” //Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар фаровонлигини таъминлашнинг стратегик моделлари. /Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2022. - 425 б.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада интизом, унинг моҳияти, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги, амалдаги қонунчилигимизда ҳарбий хизматчиларни интизомий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ назарий ва амалий муаммоларнинг таҳлили ҳамда уларга оид таклифлар ёритилган.

Калит сўзлар: интизом, махсус интизом, Қуролли Кучлар, интизомий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, интизомий жазо, енгиллаштирувчи ҳолатлар, оғирлаштирувчи ҳолатлар.

АННОТАЦИЯ:

в статье описаны дисциплина, ее сущность, дисциплинарная ответственность военнослужащих Вооруженных Сил Республики Узбекистан, анализ теоретических и практических проблем, связанных с дисциплинарной ответственностью военнослужащих в наших действующих нормах, и связанные с ними предложения.

Ключевые слова: дисциплина, специальная дисциплина, Вооруженные Силы, дисциплинарная ответственность, административная ответственность, дисциплинарное взыскание, смягчающие обстоятельства, отягчающие обстоятельства.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 90-мақсадида “Давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, қуролли кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш” энг устувор вазифа эканлиги таъкидланган. Ушбу стратегик вазифалардан кўзланган мақсад эса, аввало, мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини янада ошириш ва пировардида мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, Ватанимиз қудрати, қуролли кучларимиз салоҳиятини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлат қуролли кучларининг куч-қудрати энг аввало улардаги қатъий тартиб-интизомнинг ўрнатилганлигига ва ҳарбий хизматчиларнинг бундай тартиб интизомга қай даражада амал қилиши билан белгиланади. Тарихдан маълумки, энг қудратли армиялардан бири бўлган Қадимги Римда илк бора ҳарбийлар учун қатъий амал қилиш лозим бўлган интизом меъёрлари ўрнатилган. Ўрта асрларда буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур қўшинларида ҳам қатъий тартиб-интизомнинг ўрнатилганлигини “Темур тузуклари”нинг “Сипоҳ сақлаш тузуги” ва “Ўғиллар, набиралар, қавм-қариндошлар, амирлар ва вазирларни жазолаш йўли билан салтанатда интизом сақлаш ҳақидаги” тузуклари орқали кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, ўрта аср япон самурайларининг интизом кодекси ҳисобланган “Бушидо”да белгиланган қатъий тартиблар орқали ҳам ҳарбийлар учун интизомнинг нақадар муҳим эканлигини кўришимиз мумкин.

Интизом сўзи лотинча “дисциплина” сўзидан олинган бўлиб “қўрсатма бериш” деган маънони англатади. Интизом – бу жамиятда шаклланган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга асосланадиган инсонлар хатти-ҳаракатларининг муайян тартиби.

Интизомни шартли равишда қуйидаги турларга ажратишимиз мумкин:

- ички (шахсий) интизом;
- ижтимоий интизом;
- махсус интизом.

Ички (шахсий) **интизом** — инсонларнинг ўз-ўзини тарбиялаши, шаклланиши, ривожлантириши учун ўзлари қатъий амал қиладиган ўрнатилган тартиб-қоидалари йиғиндиси.

Ижтимоий интизом – жамият аъзолари томонидан ўрнатилган, қабул қилинган ва ҳамма учун мажбурийлик хусусиятига эга бўлган, инсонларнинг хулқ-атвор қоидалари асосида яшаш тарзини белгилаб берувчи тартиб-қоидалар йиғиндиси.

Махсус интизом – бу корхона, муассаса ва муайян ташкилот аъзолари ёки маълум тоифадаги шахслар учун белгиланган ва маълум тоифадаги шахслар учун мажбурий характер касб қиладиган хулқ-атвор қоидалари йиғиндисидир (техника хавфсизлиги интизому, меҳнат интизому, ҳарбий интизом, ва бошқа.).

Ҳарбий интизом ўз моҳиятига кўра давлат томонидан ўрнатилган қоидалар ва нормаларга асосланган махсус интизомнинг бир кўриниши. Ҳарбий интизом фуқароларнинг ҳарбий хизмат давридаги муносабатларини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий интизом - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомлари

Интизом низомида белгиланганидек “барча ҳарбий хизматчиларнинг қонун, ҳарбий Низомлар томонидан, командирлар (бошлиқлар) буйруқлари билан белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этилишидир”. Бундан келиб чиқадики, ҳарбий хизматчилар орасидаги интизом қоидалари Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий низомлари талаблари асосида ҳамда командир (бошлиқ)ларнинг бевосита буйруқлари асосида белгилаб бериладиган тартиб қоидалар мажмуаси саналади. Лекин, ҳарбий интизом қоидалари командир ва бошлиқлар томонидан буйруқлар асосида белгилаб берилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва ҳарбий низомлари талабларидан четга чиқишни англатмайди, балки буйруқлар асосида ўрнатилган интизом тартиб-қоидаларининг доимий тарзда қонуний бўлишини тақозо қилади.

Ҳарбий интизом билан боғлиқ меъёрларнинг бузилиши ҳарбий хизматчилар учун юридик жавобгарликни келтириб чиқаради. Бу эса ҳарбий хизматчининг интизомий жавобгарлиги билан белгиланади.

Интизомий жавобгарлик - ҳарбий интизомни бузиш билан ифодаланадиган интизомий ноҳўя қилмиш (хатти-ҳаракат) ва амалдаги қонунчиликда белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этиш билан ифодаланган ноқонуний, айбли ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Ҳарбий хизматчиларни интизомий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари умумҳарбий низомлари Интизом низоми билан тартибга солинади. Ҳозирги шиддат билан ривожланаётган давр ҳар бир соҳани кундан-кунга янгилашни, ислоҳ қилишни талаб қилиб келмоқда. Жумладан, ҳарбий қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш ҳам Қуролли Кучларимиз олдидаги энг устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда ҳарбий хизматчиларни интизомий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ амалдаги қонунчилигимизда мавжуд бўлган қуйидаги муаммоларга алоҳида эътиборимизни қаратишимиз лозим.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомлари Интизом низомида ҳарбий хизматчиларни интизомий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ муносабатлар (интизомий жавобгарликка тортиш ваколатига эга шахслар ва уларнинг доираси, интизомий жавобгарлик субъектлари, жазо тизими) белгиланган бўлсада, лекин ҳарбий хизматчиларни интизомий жавобгарликка тортиш мезонлари белгилаб берилмаган.

Иккинчидан, амалдаги нормаларда ҳарбий хизматчиларни интизомий жавобгарликка тортишда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар инобатга олиниши лозимлиги белгиланган бўлсада, ҳарбий хизматчилар учун қандай ҳолатлар енгиллаштирувчи, қандай ҳолатлар оғирлаштирувчи эканлиги аниқ кўрсатилмаган. Шу сабабдан қуйидагиларни амалдаги қонунчиликка жорий қилиш таклиф этилади. Ҳар-

бий хизматчилар интизомий жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида:

ҳарбий хизматчининг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;

ҳарбий хизматчининг бевосита ёки билвосита раҳбарларга ўзи содир этган интизомий ноҳўя қилмиш тўғрисида ихтиёрий равишда хабар бериши;

ҳарбий хизматчи томонидан интизом бузилиши ва ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олди олиниши, етказилган моддий зарарнинг ўрни ихтиёрий қопланиши;

интизом бузилиши ёки ҳуқуқбузарлик кучли руҳий ҳаяжонланиш, шахсий ва оилавий муаммолар ёки бошқа мушкул аҳволда содир этилиши;

интизом бузилиши ва ҳуқуқбузарликнинг таҳдид, мажбурлаш ёки моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли содир этилиши;

ҳарбий хизматчининг бевосита ёки тўғридан-тўғри бошлиғи томонидан ижобий тавсифланиши, ҳарбий хизматчи (ходимлар)нинг хизмат давомидаги эришган ютуқлари, иш стажи, унвони, ёши, соғлиги ва шахсий фазилатлари;

интизомий ноҳўя қилмиш ҳомиладор аёл ҳарбий хизматчи ёки ўн тўрт ёшгача бўлган фарзандини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши каби ҳолатларни интизомий ваколатга эга командир (бошлиқлар) ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Ҳарбий хизматчиларнинг интизомий жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

интизомий ноҳўя хатти-ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисидаги талабга қарамай, қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг давом этиши;

ҳарбий хизматчи томонидан содир этилган интизом бузилиши ва ҳуқуқбузарлик ҳолати учун интизомий жазо қўлланилган ва у белгиланган тартибда бекор қилинмасидан, худди шундай интизомий ҳуқуқбузарликнинг такроран содир этилиши;

икки ёки ундан ортиқ интизомий ноҳўя қилмиш содир этиш, уларнинг бирортаси учун ҳарбий хизматчига нисбатан интизомий жазо қўлланилмаган бўлса, шунингдек икки ёки ундан ортиқ интизомий ноҳўя қилмиш белгиларини ўз ичига олган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганда;

миллий, ирқий ва диний нафрат ёки адоват асосида ҳуқуқбузарлик содир этиш;

интизомий ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилиши;

интизом бузилиши ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг алкоголь ёки кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этилиши; ҳуқуқбузарликнинг жанговор ва фавқулодда ҳолатларда содир этилиши.

Интизомий ваколатга эга командир (бошлиқ)лар белгиланган тартибда интизом бузилиш ҳолатини эътиборга олиб, юқоридаги ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.

Учинчидан, амалдаги нормаларимизда ҳарбий хизматчиларнинг интизомий ноҳўя хатти-ҳаракатлари учун белгиланадиган жазо тизимида ҳарбий хизматчиларни гауптвахтада сақлаш (банди қилиш) тарзидаги жазо чораси юқори тоифадаги командир (бошлик)лар томонидан қўлланилиши белгиланган. Ушбу жазо тури ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ бўлиб, бу эса бош қомусимизда “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”, – деб кўрсатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда бундай интизомий жазо чорасини қўллаш ваколатини ҳарбий судлар иш юритувига ўтказиш мақсадга мувофиқ саналади.

Тўртинчидан, амалдаги қонунчиликда интизомий ноҳўя хатти-ҳаракатларнинг тоифалари белгилаб берилмаган бўлиб, бу ҳолат ҳарбий хизматчиларга нисбатан жазо тайинлашда турли хил ёндашувларни келтириб чиқариши мумкин.

Шу сабабдан ҳарбий интизомни бузишда ифодаланадиган ноҳўя хатти-ҳаракатларни қуйидаги тоифаларга ажратиш лозим:

енгил ноҳўя хатти-ҳаракатлар – бу ҳарбий хизматчи томонидан биринчи марта ёки илгари қўлланилган жазо олиб ташланганидан кейин содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида вужудга келади. Бундай ҳолатлар ҳарбий хизматчига огоҳлантириш, ҳайфсан ёки қаттиқ ҳайфсан шаклдаги интизомий жазо чораларини қўллашни тақозо қилади;

оғир ноҳўя хатти-ҳаракатлар – ҳарбий хизматчининг илгари содир этган ноҳўя хатти-ҳаракати учун жавобгарлик белгиланганидан кейин, шундай хатти-ҳаракатнинг олти ой ичида қайта содир қилиниши билан ифодаланадиган ва ҳарбий хизматчилар интизомни бузганлиги учун хизматга батамом нолойиқлиги тўғрисида огоҳлантиришгача бўлган жазо чораларини қўллашни тақозо қилувчи хатти-ҳаракатлар;

ҳарбий хизматчи номига доғ тушурувчи хатти-ҳаракатлар (қўпол интизомий ноҳўя қилмиш) – бу ҳарбий хизматчилар учун хизмат текшируви ўтказишни тақозо қиладиган ва гауптвахтага банди қилишдан Қуролли Кучлар заҳирасига бўшатишгача бўлган жазо чораларини қўллашни тақозо қилувчи хатти-ҳаракатлар.

Бешинчидан, амалдаги нормаларимизда ҳарбий хизматчиларнинг маъмурий жавобгарликка “йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун” тортилиши белгиланган бўлиб, қолган ҳолатларда уларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун интизомий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Лекин, ҳарбий хизматчиларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун қандай интизомий жазо чоралари қўлланилиши билан боғлиқ ҳолатлар белгилаб берилмаган. Шу сабабдан ҳарбий хизматчиларни маъмурий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ ҳолатлар

доирасини кенгайтириш лозим. Бунда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган, ҳарбий хизматдан ташқари вақтларда содир қилинган ҳарбий муносабатларни тартибга солмайдиган айрим ҳуқуқбузарликлар учун умумий асосларда жавобгарликни белгилаш лозим. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасини:

“Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Бундан ташқари, бу тоифадаги шахслар ҳарбий хизмат вақтидан ташқарида содир қилган жиноятлари учун ушбу кодекснинг 45, 47, 47³, 47⁴, 47⁵, 48, 52-модданин 1-қисми, 53, 54, 60, 62, 63, 65, 69, 70-моддаларининг 1-қисми, 72, 76, 77, 79, 81-84 моддалари, 88, 90, 90¹, 91, 92-94 моддалари, 101, 104, 110, 111, 113-116¹, 116³, 117, 121, 123-125¹, 126-147 моддалари 155, 155², 156, 161-163¹, 176³, 177¹, 177² моддаларида белгиланган ҳолатлар бўйича умумий асосда жавобгарликка тортилади” тарзда ифодалаш лозим.

Олтинчидан, “2022—2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 90-мақсадида белгиланган 3-стратегик вазифа “Мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини мустақамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш” борасидаги вазифа ижросини таъминлаш учун ҳарбий хизмат билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи меъёрларни ўзида мужассамлаштирган ягона кодекс – Қуролли Кучлар кодексини қабул қилиш мақсадга мувофиқ саналади. Бу орқали ҳарбий хизмат билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи мавжуд қонунчиликни тизимлаштириш, қарама-қаршиликларни бартараф этиш, бўшлиқларни тўлдириш, эскирган нормаларни янгиларига алмаштириш мумкин бўлади.

Феруз РИЗОЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низоми: – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007.- 493 б.
2. Темура тузуқлари/ Таҳрир ҳайъати: Б.Абдуҳалилов ва бошқ., Форсча матндан Алихонтўра Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – 184 б.
3. “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси” “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”: <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>.
4. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси. Учинчи нашри. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022. – 440 бет.
5. <https://uz.eferrit.com/>
6. “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси” Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: <https://lex.uz/docs/-20596>.
7. “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси” Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: <https://lex.uz/docs/-97664>.
8. “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси” “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси”: <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>.



**Аввалбек
МАМАДАЛИЕВ,**
Судьялар олий
мактаби мустақил
изланувчиси

ФРАНШИЗИНГ ШАРТНОМАСИДА УЧИНЧИ ШАХСЛАРНИНГ МУТЛАҚ ҲУҚУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада учинчи шахсларга тегишли мутлақ ҳуқуқлардан франшизинг шартномасида лицензиарнинг фойдаланишига нисбатан талаблар ва шартлар таҳлил қилинади ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришига доир таклифлар берилади.

Калит сўзлар: товар белгиси, тижорат сирини, АҚШ, Индонезия, Дания, Хитой, франшизинг, лицензиар, лицензиат.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 862-моддасига кўра мутлақ ҳуқуқ эгаси – лицензиар ва ушбу ҳуқуқни қабул қилувчи ва фойдаланувчи шахс – лицензиат ҳисобланади. Комплекс лицензия шартномаси тарафлари албатта тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши лозим. Улардан бирининг тадбиркорлик субъекти мақомини йўқотиши (ихтиёрий тугатилиши, банкрот бўлиши) франшизинг шартномасининг ҳам бекор бўлишига олиб келади.

Франшизинг шартномаси тарафлари бўлган лицензиар ва лицензиат ҳамда сублицензиат алоҳида ҳуқуқий мақомга эга. Ушбу ҳуқуқий мақом лицензиат ва сублицензиатга нисбатан лицензиарнинг талаб қилиш ҳуқуқи билан бевожуб бўлиши мумкин. Адабиётларда франшизинг шартномаси бўйича мутлақ ҳуқуқ эгаси франшиза берувчи, уни қабул қилувчи франшиза олувчи, сақловчи, фойдаланувчи деб юритилади. Савдо амалиётида франшизинг муносабатларида лицензиар “бош корхона”, “фирма”, лицензиар эса “оператор”, “лицензиат”, “воситачи”, “филиал”, “концессионер” деб тилга олинади.

Франшизинг шартномаси ҳақ эвазига тузилади ва лицензиар ўзига тегишли бўлган товар белгиси, фирма номи, тижорат сирини, ихтиролар ва бошқа ҳуқуқларни лицензиатга тақдим этади. Бундан ташқари, лицензиар шартномага кўра тақдим этилган ҳуқуқдан фойдаланишда мавжуд барча ташкилий масалаларни хусусан ходимларни ўқитиш уларнинг малакасини ошириш, доимий равишда техникавий ва бошқа маслаҳатларни кўрсатиши лозим (ФКнинг 866-моддаси).

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси тарафларнинг ҳуқуқларни амалга оширишига кўра иккига бўлинади. Биринчиси икки тараф ўртасида тузиладиган лицензия шартномаси, иккинчиси эса лицензиар томондан бир киши лицензиат томондан икки кишидан иборат қўшимча лицензия (сублицензия) шартномасидан иборат.

Шартнома шартларига кўра тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзаро тақсимланиши бир-бирига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан

фойдаланишни назарда тутаяди. Ушбу талаблар тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланилади. Лекин, амалдаги қонун ҳужжатлари нотижорат субъектларни ҳам франшизинг шартномаси субъекти сифатида эътироф этиши мумкин (агар уларнинг уставида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш кўрсатилган бўлса). Нотижорат ташкилотлар франшизинг шартномаси бўйича лицензиар ёки лицензиат бўлиши мумкин. Мазкур субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатлари тадбиркорлик фаолияти сифатида тартибга солинади.

Мутлақ ҳуқуқларни тақдим этишга қаратилган лицензия шартномаси бўйича лицензиар ўзига тегишли бўлган мутлақ ҳуқуқларни лицензиатга тақдим этади. Амалдаги миллий қонунчиликда эса мазкур ҳуқуқларнинг айнан лицензиарга тегишли бўлиши лозимлиги билан боғлиқ қоида кўрсатиб ўтилмаган. Демакки, лицензиарнинг ушбу мутлақ ҳуқуқлари бошқа шахсларнинг мутлақ ҳуқуқи эвазига шаклланди бўлиши ҳам мумкин. Масалан, лицензиар учинчи шахсга тегишли товар белгисидан фойдаланиши натижасида ўзининг имиджини яратган бўлса, ани вақтда ушбу учинчи шахснинг товар белгиси лицензиар учун франшизинг шартномаси предмети сифатида лицензиатга берилиши мумкин. Мазкур фуқаролик-ҳуқуқий муносабатни қонунчилик чекламайди. Бундай фуқаролик муносабати хорижий давлатлар қонунчилиги амалиётида нисбатан шаклланди. Масалан, АҚШ қонунчилигига кўра, агар товар белгиси лицензиар томонидан кенг фойдаланилаётган бўлса ва у муайян обрўга эришган бўлса, ушбу товар белгисининг эгаси пассив лицензиар сифатида қатнашади. Лекин, ҳуқуқ ва мажбуриятлар франшизинг шартномаси бўйича лицензиардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсга нисбатан пайдо бўлади. Учинчи шахс, яъни пассив лицензиар ўзига тегишли товар белгиси, фирма номи, тижорат сирининг бошқа шахс томонидан лицензия шартномаси предмети сифатида фойдаланишга рухсат берганлиги учун муайян миқдорда роялти олиш ҳуқуқига эга.

Индонезияда эса агар учинчи шахсга тегишли товар белгиси, фирма номи, тижорат сири ёки бошқа мутлақ ҳуқуқлар франшизинг шартномасида фойдаланилган ва унинг машхур бўлиши айнан эгасининг саъй-ҳаракатлари натижасида эмас, балки франшизинг шартномаси бўйича лицензиар ҳаракатининг натижаси бўладиган бўлса, бу ҳолда ушбу лицензиар кейинчалик учинчи шахсга тегишли мутлақ ҳуқуқларни сотиб олишда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

Лекин, Франция қонунчилигида кўра франшизинг шартномаси бўйича лицензиар учинчи шахсларнинг мутлақ ҳуқуқларидан бошқа шахсларга зарар етказиш ёки бошқа шаклда уларнинг обрўсига путур етказадиган ҳаракатларни амалга оширган бўлса, мутлақ ҳуқуқдан франшизинг шартномасида фойдаланишга рухсат берган шахс шартномани бир тарафлама бекор қилишга ҳақли. Бундай фойдаланиш натижасида келиб чиққан зарар учун товар белгисининг эгаси франшизинг шартномаси лицензиаридан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Лицензиат ҳам шартноманинг бекор қилиниши натижасида ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Хитойда учинчи шахсларнинг мутлақ ҳуқуқларидан лицензия шартномасига кўра лицензиар томонидан лицензиатга тақдим этилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этиш Хитой рақобатга қарши курашувчи органи томонидан амалга оширилади. Агар учинчи шахсларнинг фойдаланишга рухсат берилган ҳуқуқлардан қонунга зид фойдаланаётганлиги аниқланадиган бўлса, лицензиар шартномани бекор қилиш талаби билан судга мурожат қилиш ҳуқуқига эга. Шартнома бекор қилиниши натижасида мутлақ ҳуқуқ эгасига етказилган зарар билан бирга истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ зарар ҳам ундирилади.

Европа давлатлари қонунчилиги мазкур ҳуқуқий муносабатга либерал ёндашади, яъни келиб чиққан зарар агар жамият ва давлат манфаатларига дахл қилмайдиган бўлса, тарафлар ўртасида келишувга кўра ҳал қилинади. Масалан, Данияда учинчи шахсларнинг мутлақ ҳуқуқларидан франшизинг шартномасида лицензиар томонидан фойдаланишни тартибга солувчи бошқа қоида тасдиқланган. Ушбу қоидага кўра франшизинг шартномаси лицензиарнинг товар белгиси, фирма номи, тижорат сири ва бошқа мутлақ ҳуқуқларни амалга оширилиши билан боғлиқ шартларни белгилайди. Агар ушбу шартлардан лицензиар, яъни учинчи шахсга нисбатан лицензиат четга чиқадиган бўлса, мутлақ ҳуқуқ эгаси франшизинг шартномасини бир тарафлама бекор қилишга ҳақли. Франшизинг

шартномаси юзасидан келиб чиққан мажбурият бўйича лицензиар жавобгар бўлади. Яъни, франшизинг шартномаси бўйича лицензиат ўзининг талабларини солидар тартибда мутлақ ҳуқуқ эгасига қўйиш имкониятига эга эмас. Келиб чиққан жавобгарлик фақат лицензиарга нисбатан тегишли ҳисобланади.

Табиийки, Ўзбекистон қонунчилигида ўзга шахсларнинг мутлақ ҳуқуқларидан франшизинг шартномасида лицензиарнинг фойдаланиш шартлари ва талабларига доир қоидалар белгиланмаган. Демакки, учинчи шахсларга тегишли бўлган мутлақ ҳуқуқлар (тижорат сири, ихтирога бўлган ҳуқуқ, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, фирма номига бўлган)дан шахс франшизинг шартномасида фойдаланиши ва лицензиатга нисбатан лицензиар мақомига эга бўлиши мумкин. Франшизинг шартномасида учинчи шахсларнинг мутлақ ҳуқуқларидан фойдаланишда маълум шарт ва талабларга таянилиши лозим. Ушбу талаблар франшизинг шартномасида алоҳида лицензиарга тегишли бўлади.

Биламизки, тижорат сири маълум тижорат қийматига эга бўлган номоддий объект ҳисобланади. Айрим ҳолатларда лицензия шартномаси билан тақдим этиладиган товар белгиси тижорат сирини ўзида ифодалаган бўлиши ва бир мазмундаги қиймат сифатида баҳоланиши мумкин (Coca-cola). Унинг лицензиардан ташқари рухсат берилган ҳолатда франшизинг шартномасида лицензиат томонидан фойдаланиши тижорат сирини ошкор бўлиш хавфини пайдо қилади. Шу сабабли ҳар доим ҳам тижорат сирининг эгаси маълум шахсларгагина тижорат сиридан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиши мумкин. Кейин ушбу тижорат сиридан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бекор бўлган ҳолларда ҳам ундан фойдаланган шахс уни ошкор қилмаслик мажбуриятини олади. Ушбу мажбурият муайян моддий жавобгарлик билан ўзаро боғлиқ.

Франшизинг шартномасида учинчи шахсларга тегишли мутлақ ҳуқуқлардан иккиламчи фойдаланиш масаласи алоҳида тадқиқот предмети

*Ким сенга гап
етказса, билгин-
ки, сенинг гапинг-
ни ҳам бошқа-
ларга етказди.*

Ҳасан БАСРИЙ



саналиши ва унга мажбурият ҳуқуқи институти сифатида қаралиши боис муайян мураккабликларга эга. Шулардан энг муҳими франшизинг шартномаси бўйича мутлақ ҳуқуқ эгаси, яъни учинчи шахснинг лицензиат фаолиятини назорат қилиш ваколатининг қонунчилик томонидан тартибга солилмаганлиги, шартномани бекор қилишга ушбу мутлақ ҳуқуқ эгаси ваколатининг йўқлиги, ўзига етказилган зарарни қоплашни солидар тартибда лицензиатга нисбатан ҳам қўйиш имконига эга эмаслиги, товар белгиси, фирма номи, хизмат кўрсатиш белгиси обрўсига путур етказилган, истеъмолчилар наздида ушбу белгилар ишончсиз мақомга эгаллигини келтириб чиқарганлик учун моддий жавобгарликни кимга нисбатан талаб қўйиш ҳуқуқининг белгиланмаганлиги каби масалалар қонунчиликда ўзининг ечимига эга бўлиши лозим.

Франшизинг шартномаси бўйича мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш қамрови ягона ҳуқуқ эгаси билан боғланмаган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, франшизинг шартномаси бўйича лицензиатга тақдим этилган товар белгиси бир шахсга, фирма номи бошқа шахсга, тижорат сири эса умуман бошқа бир шахсга тегишли бўлиши мумкин. Айни вақтда ушбу шахслар франшизинг шартномаси лицензиарига нисбатан солидар кредиторлар саналади. Дастлабки лицензия шартномаси талаблари умуман ёки лозим даражада бажарилмаганлиги сабабли талаб қилиш ҳуқуқи лицензиатга эмас, балки лицензиарга нисбатан қўйилади. Лекин, франшизинг шартномаси бўйича лицензиатнинг мутлақ ҳуқуқлардан унинг эгасига нисбатан зарар етказадиган даражада фойдаланиши, хусусан сифатсиз товар ишлаб чиқариши, тижорат сири ошкор қилиши, хизмат кўрсатиш белгиси, фирма номидан унинг эгаси обрўсига путур етказадиган даражада фойдаланиши натижасида келиб чиққан зарар учун лицензиар билан бирга лицензиат ҳам солидар жавобгар бўлади. Яъни, франшизинг шартномаси бўйича лицензиар ва лицензиат мутлақ ҳуқуқ эгасининг олдида моддий жавобгар ҳисобланади.

Назаримизда учинчи шахсларнинг мутлақ ҳуқуқларидан рухсат берилган ҳолда франшизинг шартномасида фойдаланиш масаласини тартибга солиш билан боғлиқ қоидаларни қонунчиликда белгилаш лозим. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига қўшимча 864¹-модда киритиш ва унда:

франшизинг шартномасида учинчи шахсларга тегишли мутлақ ҳуқуқларни лицензиар томонидан лицензиатга тақдим этишдан олдин бош лицензия шартномаси тузиши;

бош лицензия шартномаси лицензиарнинг франшизинг шартномасида мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш шартлари ва талабларини ўзида ифодалаган келишув ҳисобланishi;

франшизинг шартномасида лицензиар мутлақ ҳуқуқдан лицензиатнинг лозим даражада фойдаланишини назорат қилиб бориши ва бош лицензия шартномасида белгиланган муддатда ундан фойдаланишга доир ҳисоботни тақдим этиб бориши;

франшизинг шартномаси бўйича лицензиар томонидан мутлақ ҳуқуқ эгасининг талабидан четга чиқадиган ҳолатлар аниқланадиган бўлса мутлақ ҳуқуқ эгаси шартномани бир тарафлама бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарни лицензиардан ҳамда солидар тартибда лицензиатдан талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги каби қоидалар ўз аксини топиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бондаренко Д.П. Правовое регулирование договора коммерческое концессии в российском праве: автореферат дис. ... кандидат юридических наук. М., 2013. – С.10.
2. Emerson R. W. Franchise contract interpretation: A two-standard approach //Mich. St. L. Rev. – 2013. – P. 641-654.
3. Еремен А.А. Франчайзинг и договор коммерческой концессии: теория и практика применения. Дисс. канд. юрид. наук. Саратов. 2015. – С.147.
4. Brookes M., Altinay L., Aktas G. Opportunistic behaviour in hospitality franchise agreements //International journal of hospitality management. – 2015. – Т. 46. – P.120-129.
5. Sewu P. L. S. Good faith as a key principle of business ethics to franchise agreement and development in Indonesia //Journal of Legal, Ethical and Regulatory Issues. – 2019. – Т. 22. – №. 1. – P.1-7.
6. Zhang M. International franchising: Food safety and vicarious liability in china //Franchise LJ. – 2015. – Т. 35. – P. 93-105.
7. Perrigot R., Terry A., Lernia C. D. Good faith in franchising: the perceptions of franchisees, franchisors and their lawyers in the French context //International Journal of Retail & Distribution Management. – 2019. – Т. 47. – №. 3. – P.246-261.
8. Møgelvang-Hansen P. Commercial and Economic Law in Denmark //Commercial and Economic Law in Denmark. – 2019. – P.1-240.

АЙРИМ МАМЛАКАТЛАРДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ ЎТАШ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ



Сардоржон РАХМОНОВ,

Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада давлат бошқаруви тизимининг ўзига хос йўналиши сифатида амалдаги давлат фуқаролик хизмати ҳолатининг ҳар томонлама таҳлили, илғор хорижий тажрибага асосланган туб ўзгаришларнинг асосий тамойиллари, миллий шарт-шароитларга мос бўлган кенг кўламли ва таркибий ислохотларни назарда тутувчи хорижий мамлакатларда давлат фуқаролик хизмати ўташ моделларини ўрганишдан ва илмий асосланган таҳлилий фикрлар, таклиф ва тавсиялардан иборат.

Калит сўзлар: стратегик сиёсат, давлат хизмати, трансформация, инсон ресурслари концепцияси, ҳуқуқий асос, модел.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье содержится комплексный анализ состояния действующей государственной гражданской службы как специфического направления системы государственного управления, основные принципы фундаментальных изменений на основе передового зарубежного опыта, изучение моделей прохождения государственной гражданской службы в зарубежных странах, относящихся к крупным- масштабные и структурные реформы, соответствующие национальным

Ключевые слова: стратегическая политика, государственная служба, трансформация, концепция человеческих ресурсов, правовая база, модель.

Сўнги йилларда бутун дунёда давлат бошқаруви соҳида динамик ўзгаришлар рўй бермоқда. Бундан асосий мақсад давлат хизмати ўташ учун мақбул моделни яратишдан иборат бўлиб соҳани ислох қилишда куйидагиларга эътибор қаратиляпти: 1) давлат фуқаролик хизматининг тузилиши ва моҳиятини ислох қилиш; 2) давлат фуқаролик хизматида коррупцияга қарши курашиш; 3) давлат фуқаролик хизматининг қонунчилик асосини ислох қилиш.

Хорижий мамлакатларда давлат хизмати моделларини ишлаб чиқишни белгилайдиган ҳуқуқий меъёрларни яратишнинг иккита тизими мавжуд: англо-саксон (очик) ва континентал (ёпик).

Очик моделнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- давлат фуқаролик хизматининг қонунчилик асоси яхши тартибга солинмаганлиги;
- кадрлар танлашда очик рақобатнинг мавжудлиги;
- меҳнатга ҳақ тўлашда натижадорликка асосланиши;
- соддалаштирилган ишдан бўшатиш тартибининг мавжудлиги.

Ёпик моделда эса:

- давлат фуқаролик хизмат муносабатлари ба- тафсил ҳуқуқий тартибга солинган;
- кадрлар танлашнинг кўп босқичли тизими мавжуд;
- иш ҳақи ходимнинг ижтимоий мавқеига боғлиқ;
- ишдан бўшатишнинг мураккаб тизими мавжуд.

Ўзбекистон ҳуқуқ тизими роман-герман ҳуқуқий оила- сига тегишли. Лекин, давлат фуқаролик хизматини ислох қилишда англо-саксон моделидан ҳам фойланилмоқда. Жумладан, очиклик тамойили ушбу моделга хос.

Давлат хизматини ислох қилишнинг концептуал тав- сифланган моделларининг хилма-хиллиги Буюк Британия, АҚШ, Франция, Германия, Хитой, Япония ва Жанубий Корея сиёсатшунослик мактаблари доирасида ишлаб чиқилган.

Ўз навбатида, давлат фуқаролик хизматини ислох қи- лишнинг “бозор”, “иштирок этувчи”, “мослашувчан” ва “тартибга солинмаган” каби моделлари ҳам ажратиб кўр- сатилади.

Давлат фуқаролик хизматини ташкил этишнинг биринчи модели АҚШда амалга оширилган бозор моделидир. Ушбу концепция давлат хизмати истеъмолчилар (фуқаролар) манфаатларини қондириш учун давлат хизматларини юқо- ри ва сифатли тақдим этишни назарда тутди. Таърифлан-

ган моделда фуқаролик жамияти томонидан давлат хизматлари сифатини назорат қилиш ва баҳолаш алоҳида рол ўйнайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда мазкур моделнинг айрим белгилари қўлланилмоқда.

Германия ва Францияда қисман амалга оширилган “иштирок этувчи” моделда давлат хизматларини бошқаришнинг норасмий механизмлари устунлик қилади. Норасмий механизм турларидан саналган “обрўли назорат” моделида давлат фуқаролик хизматчиси ўз фаолиятини хусусий секторда ҳам давом эттириши мумкин.

Давлат фуқаролик хизматининг “мослашувчан” модели асосан давлат хизматидаги кириш муносабатларига татбиқ этилади. Кадрларни танлашда танлов эълон қилинган давлат фуқаролик хизмати ваколатларининг ёзма тавсифи, лавозим рекламаси, талабгор томонидан сўровнома тўлдириш, суҳбат ўтказиш ва якуний миқдорни ҳисоблаш каби босқичларга эътибор қаратилади. Талабгор ҳар қандай лавозимга ариза топшириши мумкин.

Давлат хизматини ташкил этишнинг кейинги модели “тартибга солилмаган” деб номланади. Ушбу модел очиқлик тушунчасига асосланган бўлиб, у давлат хизмати учун янги кадрларни танлаш мезонларида намоён бўлади. Масалан, бошқарув фаолиятида катта тажрибага эга бўлган, лекин давлат хизматида ишламаган шахслар катта лавозимларга тайинланади. Бундай раҳбар давлат органидаги ташкилий муносабатларни ўзгартиришга қодир деб ишонилади.

Давлат хизмати институтининг тарихий ва ҳуқуқий ривожланишини ўрганиб чиқиб, биз давлат хизматининг икки томонлама хусусиятини кўрдик: бир томондан, ушбу давлат ҳуқуқий таълими давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида содир бўлаётган жараёнлар билан узвий боғлиқ. Бошқа томондан, давлат институтлари қатъий иерархия тизимидан иборат ва бўйсунуш тамойилларига асосланган консерватив хусусиятга эга, яъни ислохотларнинг динамик жараёнлари ҳар доим ҳам мансабдор шахслар томонидан ижобий қабул қилинмайди.

АҚШ тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, давлат фуқаролик хизмати муносабатлари 1978 йилда қабул қилинган “Давлат хизматини ислоҳ қилиш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Одоб-ахлоқ муносабатлари 1958 йилда қабул қилинган Ахлоқ кодекси асосида шаклланади. Давлат фуқаролик хизматини ўташ муносабатлари умумий тартибга солинган бўлиб, айрим шахслар (уруш фахрийлари, собиқ ҳарбийлар) учун алоҳида қоидалар ишлаб чиқилган.

АҚШнинг “Давлат хизматини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонуни”да қуйидаги тамойилларга эътибор берилди:

давлат фуқаролик хизматида очиқ ва тенг-лик асосида қабул қилиш;

давлат фуқаролик хизматчиларига тенг қийматли меҳнатга ҳақ тўлаш;

давлат фуқаролик хизматида самарали таълим тизимини жорий қилиш.

Давлат фуқаролик хизматини ўташнинг муҳим қисми бўлган давлат хизматида қабул қилишга келсак, АҚШда давлат хизматида ҳар доим иш билан таъминлаш имкониятларининг тенглиги принципи устунлик қилади. Асосий шартлардан бири бу – лавозимларга имтиҳонлар ўтказиладиган бўш иш ўринлари рўйхатини эълон қилишдир. Комиссиянинг объективлиги каби муҳим талабга алоҳида эътибор берилди.

Умумий қилиб айтганда, АҚШда давлат фуқаролик хизматини ўташнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- давлат фуқаролик хизматини ўташ муносабатларига замонавий усуллар кенг жорий қилинган;

- давлат фуқаролик хизматини ўташнинг маъмурий регламентлари ишлаб чиқилган;

- давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилган.

Буюк Британияда давлат фуқаролик хизматини ҳуқуқий тартибга солиш 2010 йилда ўзгартирилган Давлат хизмати кодекси томонидан амалга оширилади. Буюк Британия қонунчилигининг бошқа мамлакатлар қонунчилигидан ажралиб турадиган асосий хусусияти бу давлат фуқаролик хизматининг аниқ ажратиш қўрсатилганлигидир. Давлат хизматининг асосий мақсади давлат бошқарувини сиёсатдан ажратишдир. Буюк Британияда “давлат хизматчиси” тушунчасининг муҳим элементи шундаки, унга “қирол хизматкори” сифатида қаралади. Бу шуни англатадики, давлат хизматчиси ваколатни тўғридан-тўғри қиролдан олади ёки махсус танлов тартибидан ўтиши натижасида давлат хизматида қабул қилинади ва бу лавозимда абадий “қирол хоҳишига кўра” қолади. Буюк Британияда ходимларнинг икки тури мавжуд: жамоат тартиби ходимлари ва давлат хизматчилари. Биринчи турга судьялар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ўқитувчилар киради. Иккинчи турга давлатни бошқариш вазифасини бажарувчи ходимлар киради.

Буюк Британияда давлат хизмати тизимини бошқаришда ҳукумат асосий рол ўйнасада, давлат хизматчиларининг олий корпуси ҳам мустақил орган сифатида бу соҳага муҳим ҳисса қўшади. Шунинг учун “катта давлат хизматчиларини тайинлаш Қироллик ваколатидир”. Маъмурий сиёсий раҳбарлар Давлат хизмати ишлари вазирлиги томонидан тайинланади. Қолган мансабдор шахслар вазирликлар бўйича йиллик ҳисоботларга кўра, яъни уларнинг иш натижаларига кўра танланади. Рағбатлантиришнинг асосий мезони профессионаллик эмас, балки тажриба билан боғлиқдир. Уларга қўйиладиган асосий талаб – садоқат, сиёсий ишларда чеклов, бетараф бўлиш

кабилардир. Давлат хизмати лавозимларига хусусий секторнинг энг истеъдодли вакилларини жалб қилиш бўйича Буюк Британия амалий тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Буюк Британияда махсус Давлат хизмати комиссияси ташкил этилган. Унинг аъзолари бутун давлат хизмати тизимининг ишлашини назорат қилиш ва давлат хизматчилари учун тавсиялар ишлаб чиқиш учун жавобгардир.

Франция давлат хизматини ташкил этишнинг континентал тизими билан ажралиб туради. Замонавий француз қонунчилиги мамлакатда давлат хизматини қуриш ва ташкил этишни тўлиқ тартибга солиди. Давлат хизмати 1983-1986 йилларда қабул қилинган ва Давлат хизматчилари ва ҳудудий жамоаларнинг умумий Низомига киритилган бир нечта қонунлар билан тартибга солинади. Унинг асосий тамойиллари 1988 йил 13 июлдаги Давлат хизмати тўғрисидаги қонун ва 1983 йилги Конституцияда мустаҳкамланган. Инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари Декларацияси фуқароларнинг давлат хизматидан тенг фойдаланиш принципини эълон қилади. Францияда давлат хизматига қабул танлов асосида амалга оширилади. АҚШда бўлгани каби фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат хизматига қабул қилинмайди. Давлат хизматига мурожаат қилишда миллий, ирқий, диний ва жинсий сабабларга кўра камситиш тақиқланади.

Франция маъмурий ҳуқуқида давлат хизматчиси тушунчасининг қуйидаги таърифи мавжуд: бу "доимий лавозимга тайинланган ва давлат ёки маҳаллий жамоаларнинг маъмуриятлари, хизматлари ёки маъмурий давлат муассасалари иерархиясида маълум даражадаги лавозимларга қўйилган шахс". Францияда давлат хизматчиларига Марказий давлат бошқаруви ва вилоятлар, идоралар, коммуналар ва уларнинг муассасалари маъмурияти ходимлари киради. Парламент палаталари ходимлари ва умумий судлар судьялари бундан мустасно. Улар муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз ичига олган махсус мақомга эга. Франция давлат хизмати тўғрисидаги қонунга кўра, амалдор ўзининг сиёсий, диний ва фалсафий ақидаларини очиқ ифода этишдан тийилиши керак. Ундан ҳуқуматга, сиёсий тизимга ва давлатга содиқ бўлиш талаб қилинмайди. Мансабдор шахсларнинг хизмат вазибаларини бажаришдаги ҳар қандай камчиликлари интизомий жавобгарликка, жисмоний шахсларга моддий зарар етказилганда – молиявий жавобгарликка ва баъзи ҳолларда жиноий жазога (порахўрлик, коррупция, қалбакилаштириш учун) олиб келади.

Сиёсий тайинловчиларнинг энг яқин маслаҳатчилари бўлган катта давлат хизматчиларига алоҳида аҳамият берилади. Олий корпус қатъий белгиланган ўқув юртларида тайёрланади. Асосий муассаса Наполеон томонидан яратилган Миллий бошқарув мактабидир. Маъмуриятдан мустақил равишда ваколатли мутахассисларнинг махсус танлов комиссияси лавозимларга номзодларни танлайди. Давлат хизматчиларини шакллантириш тизимида давлатнинг юқори мансабдор шахслари муҳим рол ўйнайди. Масалан,

Президент муайян ходимларни асосий давлат лавозимларига тайинлаш ёки ўз ҳуқуқини Бош вазирга ўтказиш ҳуқуқи эга. Шундай қилиб, Францияда давлат хизматини ташкил этиш давлат хизматини ўзига хос, бошқа барча касблардан фарқ қиладиган, шахсдан маълум фазилатларни ва давлатга хизмат қилишда тўлиқ фидойиликни талаб қиладиган тарзда қабул қилишга асосланган. Шу билан бирга, бу ходимга ўз хизмат вазибаларини виждонан бажариши унга тегишли моддий кафолатлар ва мартаба ўсишини кафолатлашига ишонч ҳосил қилиш имконини беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, хорижий мамлакатларда давлат фуқаролик хизматини ўташ муносабатларини тартибга солиш очиқ ва ёпиқ моделлардан бирини танлаш орқали амалга оширилади. Ўз навбатида, мавжуд бўлган миллий ҳуқуқ тизимига ҳам эътибор қаратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Glenn T. The state of talent management in Canada's public sector // Canadian Public Administration. – 2012. – № 1. – p. 25-51. – doi: 10.1111/j.1754-7121.2012.00204.x.
2. Абраменко В.А. Специфика кадровой политики в зарубежных странах с развитой экономикой // Автоматика, связь, информатика. – 2012. – № 7. – с. 44-47. (Abramenko V.A. Specifics of personnel policy in foreign countries with developed economies // Automation, communications, informatics. – 2012. – № 7. – с. 44-47.)
3. Стукало М.Г. Зарубежный опыт организации работы с кадровым резервом на государственной (публичной) службе // Молодой ученый. – 2017. – № 51(185). – с. 247-249. (Stukalo M.G. Foreign experience in organizing work with the personnel reserve in the state (public) service // Young scientist. – 2017. – № 51(185). – с. 247-249.)
4. Петрова С.А., Ясинская И.А., Алексенцева Ю.А. Работа с кадровыми резервами государственной службы: отечественный и зарубежный опыт профессионального развития резервистов // Экономика и предпринимательство. – 2021. – № 6(131). – с. 1383-1393. – doi: 10.34925/EIP.2021.131.6.268 (Petrova S.A., Yasinskaya I.A., Aleksentseva Yu.A. Work with personnel reserves of the civil service: domestic and foreign experience of professional development of reservists // Economics and entrepreneurship. – 2021. – № 6(131). – с. 1383-1393. – doi: 10.34925/EIP.2021.131.6.268)
5. Апон М.Е. Карьера государственного служащего: опыт западноевропейских стран и выбор России. / В книге: Государственное и муниципальное управление социально-экономическим развитием страны. - Санкт-Петербург: ООО "Национальный информационный канал", 2021. – 94-103 с. (Apon M.E. Career of a civil servant: the experience of Western European countries and the choice of Russia. / In the book: State and municipal management of socio-economic development of the country. - Saint Petersburg: National Information Channel LLC, 2021. – 94-103 p.)
6. Петрова С.А., Ясинская И.А., Алексенцева Ю.А. Работа с кадровыми резервами государственной службы: отечественный и зарубежный опыт профессионального развития резервистов // Экономика и предпринимательство. – 2021. – № 6(131). – с. 1383-1393. – doi: 10.34925/EIP.2021.131.6.268 (Petrova S.A., Yasinskaya I.A., Aleksentseva Yu.A. Work with personnel reserves of the civil service: domestic and foreign experience of professional development of reservists // Economics and entrepreneurship. – 2021. – № 6(131). – с. 1383-1393. – doi: 10.34925/EIP.2021.131.6.268)
7. Saidzimov, Y. (2022). Administrative act in the legislation of foreign countries. Eurasian Journal of Academic Research, 2(13), 639-643.
8. Sardorbek, Y. (2021). Analysis of problems in the process of parliamentary consideration of budget execution reports in Uzbekistan. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.4 Legal sciences).

КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада контрабанда учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати илмий-назарий асослари таҳлил қилинган ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги фикрларини умумлаштирилган ҳолда тўрт гуруҳга ажратилиши мақсадга мувофиқлиги асослан-тирилган. Шунингдек, контрабанданинг ижтимоий хавфли-лигини ва унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруратини асослан-тирувчи тўртта асосий омил очиб берилган.

Калит сўзлар: контрабанда, ижтимоий хавфлилик, божхона қонунчилиги, хавфсизлик, божхона назорати, чегара, ноқонуний кесиб ўтиш.

АННОТАЦИЯ:

в статье анализируются научно-теоретические основы общественной необходимости уголовной ответственности за контрабанду, в частности обосновывается целесообразность разделения мнений ученых-правоведов на четыре группы. Также выявлены четыре основных фактора, обосновывающие общественную опасность контрабанды и общественную необходимость уголовной ответственности за нее.

Ключевые слова: контрабанда, общественная опасность, таможенное право, безопасность, таможенный контроль, граница, незаконное пересечение.

Ижтимоий хавфлилик муайян қилмишни жиноят деб топишда бош мезон ҳисобланади ҳамда қилмишнинг гайри-ижтимоий мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан жиноят ҳуқуқи соҳасидаги мутахассис олимлар томонидан контрабанда учун жиноий жавобгарлик белгилашнинг зарурати унинг ижтимоий хавфлилигидан далолат берувчи бир қатор омиллар билан изоҳланади.

Бу борада бир гуруҳ олимлар контрабанда учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруратини жиноятни содир этиш усулининг ижтимоий хавфлилиги билан боғлайдилар. Масалан, Т.Д.Устинова ва А.С.Рубцовалар “контрабанданинг ижтимоий хавфлилиги унинг мамлакатда ўрнатилган товар ва маҳсулотларни олиб кириш ва чиқишнинг белгиланган тартибини бузувчи ижтимоий хавфли қилмиш эканлиги билан белгиланади”, деб ҳисоблайдилар.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса, контрабанданинг оқибати, у туфайли етказиладиган зарар унинг ижтимоий хавфлилигини белгилаб берувчи асосий омил деб ҳисоблайдилар. Хусусан, В.В.Лунеевнинг таъкидлашича, “контрабанданинг энг хавфли жиноятлардан бири сифатидаги ижтимоий хавфлилиги давлатга етказадиган зарар билан белгиланади, шу боис ҳам турли давлатлар қонунчилигида контрабанда, унга кўмаклашганлик ва контрабанда маҳсулотларини яширганлик учун оғир жазо чоралари белгиланган”.

М.А.Абреч ҳам ушбу ёндашувни қўллаб-қувватлаб, “контрабанда нафақат божхона қонунчилиги, давлат чегаралари дахлсизлигига путур етказиши, балки мамлакатнинг молиявий-иқтисодий тизимига ҳам бевосита таъвоуз қилади”, деб ёзади.

Қирғизистонлик олима Б.Н.Джумабекова эса, “контрабанда туфайли хориждан ноқонуний кириб келган арзон ва сифатсиз маҳсулотлар туфайли миллий маҳсулотларга талаб тушиб кетади, уларнинг рақобатбардошлигига путур етади” деган фикрни билдиради.

А.Н.Ляскало ҳам “контрабанда мамлакат иқтисодий хавфсизлигига ва иқтисодий суверенитетига зарар етказишини, унинг ижтимоий хавфлилиги, авваламбор, унинг давлатда ўрнатилган ташқи савдо фаолияти тартибини жиддий бузиши, бунинг натижасида бож ва бошқа тўловлар келиб тушмаслиги натижасида Давлат бюджетининг даромад қисми қисқаришида намоён бўлишини” таъкидлайди.

А.В.Грязнов “контрабандада қарши курашиш ҳар бир давлатнинг миллий хавфсизлигини ва бутун жаҳон ҳамжамиятининг хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим таркибий қисми. Контрабанда иқтисодий манфаатларга ва бошқа бир қатор ижтимоий муносабатларга зарар етказиши. У товарларни давлат чегарасидан ўтказиш тартибини бузиш орқали ташқи савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг белгиланган тартибига таъвоуз қилади”, деб ёзади.

С.В.Душкин ҳам “контрабанданинг ижтимоий хавфлилиги мамлакат иқтисодиётининг дунё иқтисодиёти билан алоқасини кучсизлантириши, иқтисодий хавфсизликка путур етказиши, фуқаролар, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органлари-

нинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиши, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига, маданий қимматликларга таъжовуз қилиши билан белгиланади”, деб таъкидлайди.

Учинчи гуруҳ олимлар контрабанданинг ижтимоий хавфлиликни жиноят предмети билан боғлайдилар. Масалан, тожикистонлик ҳуқуқшунос олим Ш.Н.Саидов ўзининг илмий ишида “контрабанданинг ижтимоий хавфи, аввало, унинг предмети, масалан, гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар келтириб чиқарадиган ижтимоий хавф-хатарлар билан боғлиқ. Контрабанда предметлари жамият учун йирик хавф келтириб чиқаради, чунки, ҳар қандай давлатдаги энг муҳим ижтимоий қадрият – халқнинг соғлиғига путур етказади ҳамда жиноятчилик, шу жумладан, унинг оғир турлари – босқинчилик, талончилик, ўғрилик ва бошқаларнинг ўсиши учун шароит яратади. Контрабанда миллат генофондига путур етказади ва шу орқали миллий хавфсизликка, халққа ва унинг ҳаётий муҳим манфаатларига реал таҳдид ҳисобланади” – деган фикрни илгари суради.

П.Н.Путилов ва А.М.Шиховалар ҳам “Контрабанда предмети бўлган ашёларнинг муомаласи аҳоли саломатлигига ва жамият хавфсизлигига таъжовуз қилади”, деб ҳисоблайди.

Яна бир гуруҳ олимлар эса, контрабанданинг ижтимоий хавфлиликни ва унинг учун жиноий жавобгарлик белгилаш заруратини комплекс омиллар мажмуи билан изоҳлашга ҳаракат қиладилар. Хусусан, И.В.Розумань ўзининг илмий ишида контрабанданинг юқори ижтимоий хавфлиликни қуйидаги омиллар билан белгилайди: 1) унинг кенг тарқалишига шароит яратувчи омиллар; 2) жиноий таъжовуз объектнинг қиммати ва аҳамияти; 3) контрабанда натижасида келиб чиқадиган жиноий оқибатлар мазмуни; 4) шахс, жамият ва давлатга етказиладиган зарар хавфи; 5) контрабанда предмети миқдори; 6) жиноятни содир этиш усули; 6) айбнинг қасд шакли; 7) жиноий фаолиятнинг кўп босқичли хусусияти; 8) юқори латентлик даражаси.

Айрим ҳуқуқшунослар контрабанданинг иқтисодий хавфсизликка, бозор муносабатларига салбий таъсири ҳақида фикр билдирадилар ва бир қатор давлатларда “иқтисодий контрабанда” тушунчаси борлигини эътироф этадилар. Ушбу қилмиш Ўзбекистон Республикасида ЖК 182-моддаси (“Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш”) билан тақиқланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ушбу мулоҳазаларнинг барчасида у ёки бу даражада асос бор. Юқорида баён этилганлар асосида контрабанда учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати унинг ижтимоий хавфлиликни белгилувчи қуйидаги омилларда намоён бўлади, деб ҳисоблаймиз:

– контрабанда предмети бўлган ашёлар ва моддалар ўз табиати ва хусусиятига кўра, мам-

лакат миллий хавфсизлигига, тинчлик ва барқарорлигига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тўғридан-тўғри таҳдид солади;

– контрабанда бошқа оғир ва ўта оғир жиноятларни, шу жумладан, қурол-яроғ, гиёҳванд моддалар ва бошқа тақиқланган ашёларнинг ноқонуний муомаласи, терроризм ва террорчилик хусусиятига эга бўлган жиноятлар, босқинчилик, жиноий уюшма ташкил этиш каби бошқа оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этиш учун шароит яратади, мамлакатдаги криминоген вазиятни издан чиқаради ҳамда жамоат хавфсизлигига путур етказади;

– божхона қонунчилиги, давлат чегаралари дахлсизлигига ва мамлакатнинг хавфсизлик тизимига, аҳоли саломатлигига ва миллат генофондига, диний барқарорликка, конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликка, диний бағрикенгликка бевосита таҳдид солади, диний зўравонлик ва бошбошдоқликка сабаб бўлади;

– ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турлари ёхуд уларни яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган материал ва мосламаларнинг ноқонуний ҳаракати ва муомаласи билан боғлиқ контрабанда тинчлик ва инсоният хавфсизлигига таҳдид солади.

Ахмад ЗУФАРОВ,

Тошкент давлат юридик университети
мустақил илланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Грязнов А.В. Контрабанда (ст. 188 УК РФ): историко-правовое, социологическое, уголовно-правовое исследование: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. – М., 2000. – С. 3.
2. Душкин С.В. Уголовно-правовые меры борьбы с контрабандой: Вопросы дифференциации ответственности и индивидуализации наказания: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. – М., 2000. – С. 4.
3. Розумань И.В. Уголовная ответственность за контрабанду (по материалам Сибирского федерального округа): Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. – Омск, 2005. – С. 10.
4. Лунеев В.В. Преступность XX века: мировые, региональные и российский тенденции. Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Волтерс Клувер, 2011. – С. 266.
5. Джумабекова Б.Н. Контрабанда: историко-правовое исследование: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. – Бишкек, 2011. – С. 4.
6. Саидов Ш.Н. Уголовная ответственность за контрабанду по законодательству Республики Таджикистан: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. – М., 2011. – С. 15-16.
7. Ляскало А.Н. Уголовная ответственность за незаконные операции по обналичиванию транзита денежных средств // Российский следователь. 2014. № 17. С. 23-28. 20.
8. Абреч М.А. Анализ уголовно-правовых норм об ответственности за контрабанду // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. – 2015. – №1. – С. 21-22.
9. Волчкова А.А. Проблемы противодействия контрабанде: уголовно-правовой аспект // Вестник Нижегородской академии МВД России. – 2016. – №2(34). – С. 103.
10. Путилов П.Н., Шихова А.М. Проблемы уголовного законодательства об ответственности за контрабанду и пути его совершенствования // Эпоха науки. – 2018. – №16. – С. 54.
11. Устинова Т.Д., Рубцова А.С. Развитие и состояние уголовного законодательства об ответственности за контрабанду стратегически важных товаров и ресурсов // Lex russica. – 2021. – Т.74. – №11. – С.78.

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – КОРРУПЦИЯНИ ЖИЛОВЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Коррупцион жиноятчилик турларига қарши курашнинг самарадорлигини оширишда дастлабки тергов органлари тизимида жиноятнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик, жиноят содир бўлган тақдирда айбдор шахсларни вақтида аниқлаш, далилларни тўплаш ва уларнинг сақланишини таъминлаш, яширинган гумон қилинувчилар ва айбланувчиларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўриш вазифаларини бажарадиган тергов органлари фаолияти муҳим роль ўйнайди.

Бундай фаолиятни амалга ошириш, унинг натижаларини далил сифатида процессуал расмийлаштириш тартиби ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларни терговчи, дастлабки тергов устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органлари ходимлари, шунингдек судга тақдим қилинган далилларнинг мақбуллигини текширувчи судьялар ҳам мукамал билишлари зарур. Чунки, суд ҳукми фақат суд мажлисида (муҳокамасида) текширилган далилларга асосланган бўлиши шарт (ЖПКнинг 26 ва 455-моддалари). Демак, коррупцион жиноятларда далилларнинг мақбуллиги ҳамда ишончилигига тўғри баҳо бериш судьядан тезкор-қидирув фаолияти натижаларида олинган далилларни расмийлаштириш тартибини билишни талаб қилади.

*Меваеиз тож ос-
понга тарнашур,
Мевали тож ерга
энгашур...*

**Абдурахмон
ЖОМИЙ**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси талабларига мувофиқ ижтимоий хавfli қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашга асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланиши учун улар:

қонунда назарда тутилган манбалардан олинган бўлиши;

жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда аниқланган, тўп-ланган, процессуал расмийлаштирилган, текширилиб ишончли деб ҳисобланган бўлиши;

тергов олиб борилаётган жиноят ишига алоқадор бўлиши шарт.

ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмига кўра:

гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг кўрсатувлари;

эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видео ёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар;

тергов ва суд ҳаракатларининг баён-номалари ва бошқа ҳужжатлар далиллар манбаи ҳисобланади.

Демак, тезкор-қидирув фаолияти натижа-сида олинган маълумотлардан процессуал исбот қилишда далил сифатида фойдаланиш учун улар тергов йўли билан қайта текширилган бўлиши, сўроқ қилиш, тинтув ўтказиш, кўздан кечириш ва бошқа процессуал ҳаракатлар Жиноят-процессуал кодекси талабларига тўла риоя қилинган ҳолда ўтказилган ва расмийлаштирилган, ижобий натижа берган,

бинобарин уларда кўрсатилган ҳолатлар тасдиқланган бўлиши шарт. Олинган ёки тақдим этилган нарсалар, ҳужжатлар эса қонунда белгиланган тартибда қабул қилинган, тергов йўли билан текширилган, мақбул деб эътироф этилган ва ишга қўшиб қўйилган бўлиши лозим.

Жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг зиммасига юклатилган ҳуқуқий мажбуриятлар қонун талабларига мувофиқ бажарилиши керак ва иштирокчилар ўз процессуал ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишга ҳақлидирлар. Агар жиноят процесси иштирокчиларидан бири процессуал мажбуриятларини бажармаса, бу шахс қонунийлик тамойилини бузган ҳисобланади ва унга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин. Қонун талабларига тўлиқ риоя этилиши жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари бажарилишига асосий кафолатдир.

Шу ўринда Ички ишлар идораларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ваколатлари қонунийлиги асослари масаласи ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Қонунийлик – тергов органларининг қонунда белгиланган ва ўз зиммаларига юкланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқ бажаришлари демак. Процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг узвий алоқадорлиги – терговчи ҳуқуқий мақомининг ўзига хос жиҳатидир. Масалан, қонунга биноан терговчи асослар бўлган тақдирда жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, бу унинг бевосита мажбурияти ҳамдир. Ушбу мажбуриятни бажармаслик қонунийликни ва хизмат бурчини бузиш деб баҳоланади.

Терговчи дастлабки терговни амалга ошириш чоғида жиноят процесси иштирокчилари билан ҳуқуқий муносабатга киришади. Тергов давомида терговчининг ўз бошлиғи билан муносабатлари маъмурий эмас, балки процессуал хусусиятга эга бўлади.

Терговчи жиноят ишининг ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш учун зарур деб ҳисоблаган қонунда назарда тутилган ҳар қандай тергов ҳаракатини амалга оширишга ҳақлидир.

Терговчи жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш, гумон қилинувчини ушлаш, эҳтиёт чорасини танлаш (қамоққа олишдан ташқари), жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш, экспертиза тайинлаш ҳақидаги ва бошқа қарорларни мустақил қабул қилади. У терговни режалаштириш, тергов ҳаракатлари ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, тўпланган далилларни баҳолаш, жиноят иши бўйича қарорлар чиқариш ишларини мустақил амалга оширади.

Прокурорнинг дастлабки терговни назорат қилиши терговчини мустақилликдан маҳрум қилмайди ва обрўсини туширмайди, аксинча терговчининг барча ҳаракатлари қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинишини ва терговни амалга ошириш чоғида қонунийликка риоя этилишини таъминлайди.

Терговчи ўз қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлиги учун тўла жавобгар бўлади. Прокурор ўз навбатида терговчининг жиноятларни тергов қилишда қонунда белгиланган тартибга оғишмай амал қилишини кузатиб туриши ва бу билан ҳар бир иш ҳолатларининг тўла ва холисона текширилишини таъминлаши шарт.

Жиноятларни очиш ва тергов қилишда қонунийликни таъминлашнинг жиноят-процессуал воситаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. *Жиноятларни очиш ва тергов қилишни тўғри ташкил этишни талаб қиладиган жиноят-процессуал воситалар;*
2. *Жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириш бўйича жиноят-процессуал воситалар;*
3. *Жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнида жамоатчиликнинг иштирокини таъминлайдиган, шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни талаб этадиган жиноят-процессуал воситалар;*
4. *Жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятига қонунийликни таъминлаш мақсадида билвосита таъсир ўтказиш билан боғлиқ жиноят-процессуал воситалар.*

Юқорида қайд этилган жиноятларни очиш ва тергов қилишда қонунийликни таъминлаш воситалари нафақат жиноят процессуал, балки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган, яъни уларнинг барчасини тўлиғича жиноят-процессуал воситалар сифатида эътироф этиш ноўрин бўлади. Аммо, ушбу воситаларни қўллашнинг жиноят-процессуал қонунчиликда кўрсатилган ҳуқуқий асослари ҳам мавжудки, бу уларни жиноят-процессуал восита сифатида тергов органларининг жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятида қонунийликка қатъий амал қилинишини таъминлаш бўйича тергов органи раҳбари томонидан қўлланилиши мумкин бўлган чоралар сифатида ҳисоблашга асос бўлади.

Обиджон ПРИМОВ,

*Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил тадқиқотчиси.*

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ: ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

АННОТАЦИЯ:

мақолада фуқаролик процессида прокурор иштироки ҳуқуқий асосларининг тарихий ривожланиши, хорижий давлатлар қонунчилиги билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ўрин олган. Таҳлиллар натижасида фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид хулосалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: фуқаролик процесси, ривожланиш тарихи, прокурор, ҳуқуқий асослар, судда иштирок этиш, такомиллаштириш.

АННОТАЦИЯ:

данная статья содержит историческое развитие правовых основ участия прокурора в гражданском процессе, сравнительно-правовой анализ с законодательством зарубежных стран. В результате анализа выдвинуты выводы относительно совершенствования правовых основ участия прокурора в гражданском процессе.

Ключевые слова: гражданский процесс, история развития, прокурор, правовые основания, участие в суде, совершенствование.

Тарихдан маълумки, прокуратура инсон ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилувчи энг муҳим конституциявий тузилмалардан бири саналади. Мамлакатимизда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби, шунингдек прокурорларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган. Прокуратура органларига конституциявий мақом берилиши, аввало, мазкур тузилманинг инсон, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилишдаги, мамлакатда қонунийлик, қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашдаги ўрни билан чамбарчас боғлиқдир.

Бироқ, фуқаролик ишларида прокурор иштирокига оид қонунчиликнинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимиз ҳудудида амал қилган дастлабки фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида суд ишларини юритишда прокурор иштироки масалаларига оид меъёрлар деярли мавжуд бўлмаган. Илк бор фуқаролик ишларида прокурор назорати ва иштирокининг ривожланиши 1927 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Гражданлик процессуал кодекси (ГПК) нормаларида ўз ифодасини топган. Кодексга биноан прокурор жараённинг барча босқичларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, қонун унга даъво аризаси билан фуқаролик ишларини қўзғатиш ҳуқуқини берган. Мазкур кодекснинг 11-моддасига кўра, прокурор ишда иштирок этувчи бошқа шахслар каби иш материалларидан нусхалар олиш каби процессуал ҳуқуқларга эга бўлиши назарда тутилган.

1963 йил 23 мартда қабул қилинган ва 1964 йилнинг 1 январидан амалга киритилган Ўзбекистон ССРнинг ГПКда фуқаролик ишларида прокурор иштироки нисбатан батафсил тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Мазкур кодексда “Гражданлик суд ишларини юргизишда прокурор назорати” деб номланган алоҳида модда (13-модда) мавжуд бўлиб, унга кўра, фуқаролик процес-

сида қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан назоратни Бош прокурор ва унга бўйсунувчи бошқа прокурорлар амалга ошириши, прокурор гражданлик суд ишларини юргизишнинг ҳамма босқичларида қонуннинг ҳар қандай равишда бузилишини бартараф қилиш учун, бундай бузилишлар ким томонидан содир қилинганидан қатъи назар, ўз вақтида қонунда назарда тутилган чораларни кўришга мажбур эканлиги, гражданлик суд ишларини юргизишда прокурор ўзининг ваколатини ҳар қандай органлардан ва мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Иттифоқ Генерал прокурорининг кўрсатмаларини қўллаб амалга ошириши белгиланган.

1963 йилги ГПКда прокурор ишда иштирок этувчи шахслар таркибига киритилган бўлиб, давлат ёки жамоат манфаатларини ёхуд гражданларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини кўриқлаш талаб қилинганда, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадига судга ариза билан мурожаат қилиш ёки процесснинг ҳар қандай босқичида ишга киришиш ҳуқуқига эга бўлган.

Мазкур кодекс фуқаролик процессида прокурорга бирмунча кенг ҳуқуқлар тақдим этганлигини кўриш мумкин. Масалан, ГПКнинг 43-моддасига кўра, гражданлик процессида қонунчиликка риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш учун прокурор шу Кодекснинг 31-моддасида кўрсатилган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиши, бундан ташқари, ўзи топширган аризаларни қувватлашга ва улардан воз кечишга, ишни кўриш вақтида ўзи иштирок этган ҳар бир ишнинг мазмуни, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича судга ёзма ёки оғзаки фикр беришга, судларнинг файриқонуний ва асосиз чиқарган ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан, шунингдек суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларини ижро қилиш бўйича органларнинг файриқонуний ҳаракатлари устидан белгиланган тартибда протест келтиришга ҳақли бўлган.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида (1992 йил 9 декабрь) қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунида фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор назоратининг предмети ва чегаралари сезиларли даражада кенгайганлиги эътиборни тортади. Мазкур қонуннинг 35-моддасига кўра, прокурор судларда ишлар кўриб чиқилишида иштирок этиши, суд мажлисида иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари ҳажми ва доиралари Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунлари билан тартибга солиниши белгилаб қўйилган. Мазкур қонунда, шунингдек, прокурор, унинг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида ҳукмлар, ҳал қилув қарорлари ва ажримлари қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги, прокурор, унинг ўринбосари ёки уларнинг топшириғига биноан прокуратуранинг бошқа ходимлари судларда ҳар қандай тоифадаги шундай ишларни ўрганиш ҳуқуқига эга эканлиги мустақамлаб қўйилган (Қонуннинг 38-моддаси).

Таъкидлаш керакки, 1997 йил 30 августда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилиниши муносабати билан прокурорнинг фуқаролик процессидаги вазифаси борасида бир қатор ўзгаришлар юз берди. Кодекснинг 46-моддасида прокурорнинг иштирокига оид меъёр белгиланиб, унга кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш, шунингдек бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги мустақамлаб қўйилди.

1997 йил 30 августдаги мамлакатимиз ФПК прокурорнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир мунча кенг бўлганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Бинобарин, мазкур Кодекснинг 47-моддасига кўра, прокурор ушбу Кодекснинг 34-моддасида назарда тутилган ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади ҳамда бундан ташқари, берган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтиришлар бериш, иш мазмуни юзасидан, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори юзасидан протест келтириш ҳуқуқига эга.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 1997 йил 30 августда қабул қилинган ФПКга Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги қонунига асосан ўзгартириш ва кўшимча киритилиши муносабати билан прокурорнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқий ҳолатида бирмунча ўзгаришлар юз берди. Хусусан, ФПКнинг 47-моддаси биринчи қисмидаги "ҳар бир ишнинг мазмуни юзасидан, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ёзма ва оғзаки хулоса бериш" деган сўзлар "иш мазмуни юзасидан, шунингдек ишнинг муҳокамаси вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш" деб ўзгартирилди. Ушбу норма

кейинчалик 2018 йил 23 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги ФПКнинг 51-моддаси иккинчи қисмида ҳам ўз ифодасини топган.

Бир сўз билан айтганда, прокурор фуқаролик процессида иштирок этар экан, ҳар бир фуқаролик иши юзасидан ёзма ва оғзаки хулоса эмас, балки ўз фикрини баён этиши белгиланган. Шундан келиб чиқиб, ФПКнинг 45-моддасидаги "Прокурорнинг хулосаси" жумласи "Прокурорнинг фикри" деб ўзгартирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги қонунига асосан ФПКда назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган прокурор ва унинг ўринбосарлари суд қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлмасликлари белгиланди.

"Прокуратура тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонунга кўра, прокурорларнинг ижро этиш учун мажбурий бўлган амрнома киритиш ваколатига барҳам берилди. Эндиликда Қонуннинг 37-моддасига кўра протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжатлари сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг янги ФПК (2018 йил 22 январь) ва Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-661-сон қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан прокурорнинг фуқаролик процессидаги вазифаси борасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, эндиликда прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг аризасига кўра кўзғатилган ишлар бўйича фуқаролик иши муҳокамасида иштирок этишга ҳақли эканлиги белгиланди. Шунингдек, прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан кўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмаслиги назарда тутилди.

Фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асоси прокурор зиммасига қонун билан юклатилган мақсад ва вазифалардан, яъни қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш муддаосидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар прокурорнинг фуқаролик процессида иштирокининг асосини унинг функцияси ташкил этади, деган фикрни илгари суради.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролик суд ишларини юритиш билан боғлиқ бўлган қонунларнинг бажарилиши нуқтаи назаридан прокурор судларнинг мустақиллиги ва фақатгина қонунга бўйсунуш тамойилига қатъий риоя этиб, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан одил судловни амалга оширишга кўмаклашади.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда сўнгги бир йилнинг ўзида биринчи инстанция судларида кўрилган фуқаролик ишлари ва чиқарилган суд буйруқларининг сони бир неча баравар кўпайган. Масалан, 2021 йилнинг 1-ярмида биринчи инстанцияда кўрилиб, тамомланган фуқаролик ишларининг сонига нисбатан

2022 йилнинг 1-ярим йилида кўрилиб, тамомланган иш қарийб 40 мингтага кўпайган. Шунга мутаносиб равишда судьянинг ўртача ойлик иш ҳажми ҳам кўтарилган. Судьялар иш юкласининг юқорилиги фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судларда ҳам учрайди (90/100).

Фуқаролик ишлари бўйича судьялар иш ҳажмининг юқорилиги, ундан ташқари туман судлари тузилмасидаги, уларнинг ҳудудий жойлашувидаги мавжуд жиддий муаммолар фуқаролик ишларини кўриб чиқиш сифатига ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қўймайди. Бу эса суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига салбий таъсир кўрсатади, қолаверса, суд қарорларининг ўз вақтида ижро этилмаслигига сабаб бўлади. Пировард натижада эса одил судловнинг сифатини пасайтиради, аҳолининг жиддий эътирозларига олиб келади. Бу каби қалтис вазиятда прокуратура органларидан қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш каби асосий вазифаларини астойдил амалга оширишлари талаб этилади.

Дарҳақиқат, юридик адабиётларда ҳам прокуратура бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни тезкор, малакали ҳамда бепул ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирлар кўра оладиган орган сифатида эътироф этилади. Ш.Ш.Шорахметов ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун қонун устуворлигини таъминлашда қонунларни аниқ ва оғишмай бажариш, фуқаролар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдек муҳим вазифаларни амалга оширишда прокуратура идораларининг роли катта эканлигини алоҳида қайд этган. Бошқа бир гуруҳ олимлар ҳам ўз асарларида фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки учун объектив зарурат мавжудлигини баён этадилар. Бироқ, фуқаролик процессида прокурор иштирокини чеклаш ёки тўлиғича чиқариб ташлаш таклифи ҳам билдирилган.

Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича жамиятда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига юридик ёрдам кўрсатиш борасида адвокатлар хизматидан фойдаланиш имконияти муайян маънода чекланган бир пайтда фуқаролик ишларини кўришда прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш лозим, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокурор ваколатларининг чекланиши мақсадга мувофиқ эмас.

Статистик маълумотларга кўра ўтган 2022 йилда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида 140 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган, 278 минг фуқаронинг ҳуқуқлари тикланган ва бу борадаги кўрсаткичларнинг ижобий томонга сезиларли даражада ўзгаргани ҳам бунинг далилидир. Қолаверса, 46 мингдан ортиқ ноқонуний ҳужжатлар прокурорларнинг протестлари асосида қонунга мувофиқлаштирилган, тегишли идораларга 24 мингга яқин тақдимнома киритилган.

МДҲга аъзо давлатлар қонун ҳужжатлари таҳлили шунини кўрсатадики, прокурорнинг ишда иштирок этиш асослари прокуратура фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Масалан, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 27-моддаси тўртинчи қисмига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳимоя қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган тақдирда, жабрланувчи соғлиги, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қила олмаса ёхуд арбитраж судида бир гуруҳ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса ёнги бошқа ҳолатларга кўра ушбу бузилиш алоҳида ижтимоий аҳамият касб этадиган тақдирда, прокурор судда ёки арбитраж судида жабрланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб даъво тақдим этади ва уни қувватлайди.

Беларусьнинг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 45-моддаси биринчи қисмида белгиланишича, юқори турувчи прокурорнинг ёзма топшириғи бўлганда куйи турувчи прокурор Беларусь Олий суди, Олий ҳўжалик суди, вилоятлар ва Минск шаҳар суди биринчи инстанцияси, Беларусь ҳарбий суди, вилоят ва Минск шаҳар ҳўжалик судлари, махсус ҳўжалик судлари томонидан фуқаролик, тадбиркорлик ёки ҳўжалик (иқтисодий) фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ишларни кўришда иштирок этади.

Арманистон қонун ҳужжатларига хос жиҳат шуки, прокурор фуқаролик процессида асосан давлат манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этади. Масалан, Арманистоннинг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига кўра, давлатнинг мулкый манфаатлари бузилгудек бўлса, прокурор ёки, унинг талаби билан тегишли ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахс судга даъво тақдим этади.

Қозоғистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳам прокурорнинг фуқаролик процессида асосан давлат манфаатларини ҳимоя қилиб иштирок этиши назарда тутилган. Масалан, Қозоғистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 4-моддасида прокуратуранинг вазифалари белгиланган бўлиб, унга кўра, прокуратура қонунда белгиланган доирада куйидаги вазифаларни амалга оширади:

1) *инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахсларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш;*

2) *қонун бузилишини, унга кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни, шунингдек оқибатларини аниқлаш ва бартараф этиш;*

3) *қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;*

4) *Қозоғистон Республикасининг қонунлари ва Президентининг ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифалар.*

Муқаддам амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг ФПКда ишда прокурорнинг иштирокига

бағишланган алоҳида 46-модда мавжуд эди. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-661-сон қонуни билан ФПКнинг 50-моддаси иккинчи қисмига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, эндиликда прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг аризасига кўра қўзғатилган ишлар бўйича фуқаролик ишининг муҳокамасида иштирок этишга ҳақли эканлиги белгиланди. Шунингдек, прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмаслиги назарда тутилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкин, фуқаролик процессида прокурор иштирокини назарда тутувчи мамлакатимиз ФПК ва "Прокуратура тўғрисида"ги қонунини такомиллаштиришнинг кейинги босқичларида прокурорнинг фуқаролик ишлари бўйича судларда ваколатлари доирасини кенгайтириш талаб этилади. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунига "Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки" деб номланувчи боб киритиш ва ушбу бобда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг мазмуни, прокурорнинг судга мурожаат этиш ҳуқуқи, фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг чегараси ва прокурорнинг ваколатлари, суддан фуқаролик ишларни талаб қилиб олиш масалалари батафсил ўз ифодасини топиши керак.

Энг аввало мазкур бобда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор фаолиятига аниқ тушунча берилиши лозим. Юқоридаги таҳлиллар ва юридик адабиётларда илгари сурилган хулосалардан келиб чиқиб, фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор фаолиятига қуйидагича таъриф бериш ва ушбу таърифни "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг юқорида таклиф қилинаётган бобини қуйидаги таҳрирда ифодалаш таклиф қилинади;

"Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки – прокурорнинг судларга қонунда белгиланган тартибда ва шаклда даъво ариза (ариза) тақдим этиши ҳамда бошқа шахслар томонидан бошланган процессда инсон ва фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, давлат ва жамиятнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг судда самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, жараёнда қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, шунингдек қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишига эришишдан иборат фаолиятидир".

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 407¹-моддасидан прокурор протестини келтириш учун тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг мурожаати бўлиши каби талабни бекор қилиш лозим.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фуқаролик ишларида прокурорнинг иштирок этиши

борасида меъёрлар мамлакатимиз қонун ҳужжатларида назарда тутилган ушбу тоифадаги ишларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва келажак авлоднинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати билан белгиланади.

Умархон ШАМШИДИНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гражданский процессуальный кодекс Узбекской ССР // Издание Юридического издательства при Управлении Делами СНК Узбекской ССР. – Самарканд, 1927. – С. 5-6.
2. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик процессуал кодекси: (1986 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон, 1986. – 219 б.
3. Қаранг: Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессида прокурорнинг иштироки // Қонун ҳимоясида. 1997. № 10. –Б. 23-26.;
4. Тараненко В. Участие прокурора в гражданском судопроизводстве не только допустимо, но и необходимо // Прокурорская и судебная практика. М. 1999. № 1-2. -С. 131-136. Назаров Ф.И.
5. Прокурорнинг ҳуқуқлари // Қонун ҳимоясида. 2000. № 3. -Б. 10-14.;
6. Назаров Ф.И. Шахс манфаатлари ва прокурор ҳуқуқи // Ҳаёт ва қонун. 2000. № 5-6. - 77 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-си, 2001 йил, 4-2-сон, 11-модда.
8. Похмелкин В. Участие прокуратуры в рассмотрении гражданских дел – юридический атавизм // Российская юстиция, 2001. № 5. - 6 с.
9. Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. –Саратов, 2002. - 3 с.
10. Беларусь Республикасининг "Беларусь Республикаси прокуратураси тўғрисида"ги 2007 йил 8 майдаги 220-3-сонли Қонуни // <http://www.pravo.by>
11. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари // Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент, ТДНУИ. 2008. – 161 б.
12. Иванов С.А. Защита прокурором прав и законных интересов граждан в российском гражданском судопроизводстве: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -М. 2009. -18 с.
13. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигининг ривожланиши: (илмий-амалий қўлланма) / 2 - нашр, ўзгартиш ва қўшимчалар билан. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Ш.Х.Файзиев. ЎзР Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти –Тошкент.: АҚҲМИ, 2010. – 16 б.
14. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.
15. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-661-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон.
16. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2022 йил 1-чорак давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.
17. Тошкент, 2022. -Б. 2, 59-60.
18. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: Адолат. 2001. -73 б.
19. Йўлдошев Н.Т. Асосий мезон – қонунийлик, инсонга эътибор ва эълинг розилиги // "Халқ сўзи" газ. 2023 й. 7 январь 4-сони (8347). – 3 бет.17. Қозғистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни // <http://online.zakon.kz>

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОНУНЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР МИСОЛИДА

АННОТАЦИЯ:

мақолада Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши замонвий қонунчилиги ва истиқболлари илмий нуқтаи назардан таҳлил қилинган, хусусан мамлакатимизда махсус қонун қабул қилинганлиги, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарликнинг янада кучайтирилганлиги масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, бир қанча хорижий мамлакатларда коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришга қаратилган меъёрлар мамлакатларнинг минтақавий жойлашуви асосида таснифланиб, кўриб чиқилган ва муаллиф томонидан тегишли илмий хулосалар ҳамда жиноят-ҳуқуқий қонунни такомиллаштиришга доир таклифлар берилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупциявий ҳуқуқбузарлик, жиноят, халқаро стандартлар, ноқонуний бойиш, ўз мавқеини суиистеъмол қилиш.

АННОТАЦИЯ:

в статье с научной точки зрения анализируются современное антикоррупционное законодательство Узбекистана и зарубежных стран, а также перспективы их развития, в частности рассмотрены вопросы принятия в нашей стране специального закона, усиления уголовной ответственности за коррупционные правонарушения, кроме того путем классификации стран по региональному признаку, изучены нормы законодательства ряде зарубежных стран, направленные на предупреждение и устранение коррупции, после чего автором представлены соответствующие научные выводы и предложения по совершенствованию уголовного законодательства.

Ключевые слова: коррупция, коррупционное правонарушение, преступление, международные стандарты, незаконное обогащение, злоупотребление служебным положением.

Коррупция – ҳар қандай давлатнинг сиёсий тузилиши, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасидан қатъи назар, бутун дунёда глобал муаммо ҳисобланади. 2014 йил феврал ойида эълон қилинган Европа Иттифоқида коррупцияга қарши кураш аҳволи тўғрисидаги Европа Комиссиясининг биринчи ҳисоботида коррупция (ўша вақтда) ҳеч бир истисносиз Европа Иттифоқининг барча 28 давлатида мавжуд эканлиги таъкидланган.

Яқинда Ўзбекистонда ҳам шу мазмунда ўтказилган ижтимоий сўров натижалари очиқланди. Жумладан, 2020 йили “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида жамоатчилик фикри” мавзусида телефон сўрови ўтказилди. Қатнашчиларнинг асосий қисми, яъни 82,4 фоизи Ўзбекистонда коррупция, тамагирлик ва порахўрлик ўзлари учун ўтқир муаммо ҳисобланишини айтган. Шунингдек, 36,2 фоиз респондентлар жамиятдаги коррупция, таъмагирлик ва порахўрлик ҳамма жойда, 37,2 фоизи эса айрим соҳаларда тарқалганини таъкидлаган.

Ижтимоий сўровда қатнашганларнинг барчаси коррупцияни мавжуд деб туриб, ўз ҳаётида коррупция, таъмагирлик, порахўрлик билан боғлиқ вазиятга дуч келгани ҳақидаги саволга қатнашчиларнинг атиги 20 фоизга шахсан дуч келганини айтган, 79,6 фоизи эса буни рад этган.

Маълумотларга кўра, Европанинг ўзида коррупциявий жиноятлардан кўрилган умумий иқтисодий зарар йилига 120 миллиард еврога тенг.

Ўзбекистонда ҳам ҳолат айтарли ижобий аҳволда эмас. Мисол учун, 2018 йилда мансабдор шахсларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 556 млрд, 2019 йилда 1,858 трлн, 2020 йилда 500,1 млрд, 2021 йилнинг 9 ойида 658 млрд сўм моддий зарар етказилган. Шубҳасиз, бу статистика коррупция ҳолати ҳақида тахминий фаразлар қилишга имкон беради, ҳолос. Боиси, бу рақамлар фақатгина фош этилган жиноятларга тегишли.

Бир қанча чет эл мамлакатларида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришга қаратилган маъмурий меъёрлар мажмуи ишлаб чиқилган. Биз мазкур ҳолатни мамлакатларни куйидагича минтақавий жойлашувига кўра бўлиб чиққан ҳолда ўргандик.

1) Америка (Шимолий ва Жанубий Америка) давлатлари жиноят қонунчилиги:

АҚШ миллий жиноят қонунчилигининг кўплаб ўзига хос жиҳатлари диққатга сазовор. Мисол учун, 1977 йилда АҚШ илк бор ўз мамлакатидан ташқарида амалдорларни пора эвазига оғдириш жинояти учун жиноий жавобгарлик жорий этган (АҚШнинг йирик

корпорациялари чет эл буюртмаларини олиш учун пора берганлиги фош этилганидан сўнг). АҚШ қонунчилиги давлат хизматчисининг қўшимча (асосий вазифа учун иш ҳақидан ташқари) даромад олиш ҳуқуқини ҳам анча чеклаган. Бундай даромад миқдори асосий иш ҳақининг 15% дан ошмаслиги лозим. Бу чеклаш Сенат аъзоларидан ташқари, ҳокимият учала тармоғининг барча хизматчиларига нисбатан татбиқ этилади. Шунингдек, мансабдор шахс хизматни ўташ даврида муайян муаммоларни ҳал қилишда ҳукумат номидан шахсан ва катта ваколатлар билан иштирок этган бўлса, бу шахс истеъфога чиққанидан кейин ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўхшаш муаммоларни ҳал қилишда бировнинг манфаатларини расман ва ҳар қандай шаклда ифода этишга ҳақли эмас.

АҚШ кодексларида мансабдор шахслар ёки гувоҳларнинг порахўрлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унда, пора олиш ва беришдан ташқари, пора таклиф қилиш, ваъда қилиш, пора сўраш ва порани олишга розилик билдириш ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Канада жиноят қонунчилигига мувофиқ, коррупциявий жиноятлар тариқасида “мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”, “ҳукуматни алдаш”, “мансабдор шахс томонидан содир этилган ишонччи суиистеъмол қилиш” жиноятлари эътироф этилган. 1985 йил Канадада давлат хизматчилари хулқ-атвор қоидаларини ўзида жамлаган Кодекс қабул қилинди. Қоидалар юқорида зикр этилган жиноятларнинг олдини олишга, давлат хизматида ва уни тарк этгандан сўнг “манфаатлар тўқнашуви” рўй берган ҳолларда барча давлат хизматчилари хулқ-атворининг аниқ қоидаларини белгилашга, “бундай ҳолатлар рўй бериш эҳтимолини мумкин қадар камайтириш ва улар рўй берган ҳолда, уларни жамият манфаатлари йўлида ҳал қилиш”га қаратилган.

Аргентина Жиноят кодексининг 286-моддасига (Ноқонуний бойиш) мувофиқ, ҳар қандай шахс ундан талаб қилинганда ўзи ёки учинчи шахс учун бирор бир бойликнинг келиб чиқишини уни яширишни кўзлаб исботлаб бера олмаса ҳамда мазкур бойлик миқдори ўз хизмат ваколатини тугутганидан 2 йилдан ошмайдиган муддатдаги иш ҳақи ва бошқа даромадидан кўп бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади. Бунда нафақат шахснинг пуллари, буюмлари ёки товарлари, балки сўндирилган қарздорлиги ва бажарилган бошқа мажбуриятлари ҳам инobatга олинади.

Колумбия Жиноят кодекси 412-моддаси (Ноқонуний бойиш) га кўра, давлат хизматида бўлганида ёки давлат вазифаларини бажарган ва шу вақт ичида ёки ундан кейинги икки йил давомида ўзлари учун ёки бошқа биров томонидан бойликнинг асосиз равишда кўпайишига эришган ҳар қандай давлат хизматчиси (агар бундай хатти-ҳаракатлари бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилмаса) ноқонуний бойиш учун жавобгарликка тортилади.

Чилида эса мансабдор шахснинг ўз лавозимини бажараётганда мол-мулкнинг номувофиқ ва асосиз равишда кўпайиши учун жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари, мамлакат қонунчилигида порахўрлик жиноятлари учун пора предметидан келиб чиққан ҳолда алоҳида жавобгарлик чоралар кўзда тутилган. Жумладан, Чили Жиноят кодекси 248-моддаси номоддий кўринишдаги порани моддий қимматликка эга бўлган пора олиш жиноятидан ажратади.

2) Европа давлатлари жиноят қонунчилиги:

“Транспаренси Интернешнл” ташкилоти маълумотларига кўра коррупция даражаси энг паст бўлган давлатлардан бири **Финляндия** ҳисобланади. Мамлакат Жиноят кодексига “коррупция” тушунчаси берилмаган, мансабдор шахслар порахўрлиги учун қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига қараб жарима ёки 4 йилгача бўлган муддатга қамоқ жазоси татбиқ этилади.

Финляндияда коррупцияга қарши кураш ҳақида махсус қонун мавжуд эмас, махсус орган ҳам тузилмаган. Коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳужжатлар ичида энг муҳими Ахлоқ қоидалари бўлиб, уларнинг ижроси устидан назорат мамлакат Президенти томонидан тайинланадиган, бироқ, мутлақ мустақил фаолият юритувчи Адлия канцлери ва парламент вакили Омбудсман томонидан олиб борилади.

Францияда XX асрнинг 90-йилларида барча давлат хизматчиларига ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати ходимларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида маълумот бериш мажбурияти юкланди. Франция жиноят қонунчилигида мавқени суиистеъмол қилиш жинояти учун жавобгарлик белгилашда кенг жиҳатдан ёндашилган бўлиб, мазкур давлат Жиноят кодексининг 433-2-моддаси мавқени суиистеъмол қилиш жиноятининг актив ва пассив шакллари қамраб олган. Мавқени суиистеъмол қилишнинг пассив кўриниши деганда ҳар қандай шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган мавқедан фойдаланган ҳолда давлат ҳокимияти ёхуд бошқаруви органи томонидан тақдирланиши, лавозим берилиши, келишувга ёки бошқа ҳар қандай фойдали қарорнинг қабул қилинишига эришилиши эвазига бевосита ёки билвосита совға ёхуд ҳар қандай афзалликларни қабул қилиш ёки сўраш тушунилса, жиноятнинг актив шакли юқоридаги ҳаракатларни содир этганлик учун афзалликлар таклиф қилишдан иборат бўлади.

Германия тажрибаси коррупцияга таъсирчан соҳаларни аниқлаш, мамлакат марказий банкида давлат хизматчиларини пора эвазига оғдиришда фош қилинган жисмоний ва юридик шахсларнинг маълумотлар базаларини ташкил этиш коррупциянинг олдини олиш борасида энг самарали ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу уларга янги ном билан ёки бошқа ниқоб остида давлат буюртмаларини олишга, бошқарув ходимлари ўрнини алмаштиришга ва улар фаолияти устидан ички

назорат олиб борадиган ташқи бўлинмалар ташкил этишга имкон бермайди.

Нидерландияда пора олди-бердисида воситачилик қилиш алоҳида жиноят таркиби ҳисобланмасдан, бундай ҳаракатлар пора олганлик ёки пора берганлик тўғрисидаги моддалар бўйича жиноятда иштирокчилик сифатида малакаланади. Бироқ, судьялар томонидан пора олиш жинояти алоҳида жиноят таркиби сифатида белгиланиб, мазкур жиноят учун оғирроқ жавобгарлик назарда тутилади (ЖК 364-моддаси).

Бельгия Жиноят кодексининг 247-моддасида мавқени суиистеъмол қилиш жинояти мустақил жиноят таркиби сифатида белгиланган бўлиб, унга давлат функцияларини бажарувчи шахснинг хизмат жиҳатидан ўзига тегишли бўлган реал ёки тахмин қилинаётган мавқедан фойдаланган ҳолда давлат ҳокимияти вакилига бирор бир ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан тийилиши мақсадида таъсир кўрсатиш сифатида баҳо берилган. Бельгия Жиноят кодексининг 246-моддасига мувофиқ, жамоат вазибаларини амалга оширувчи шахснинг ўзи ёки бошқа шахс учун бирор бир таклиф, ваъда ёки ҳар қандай хусусиятдаги нафни, бевосита ёки учинчи шахслар орқали қабул қилиши, сўраши ёки тасдиқлаши пассив порахўрлик деб топилди. Мазкур модданинг 2-қисмига кўра, кодекснинг 247-моддасида назарда тутилган хатти-ҳаракатлардан бирортасини қабул қилиши учун жамоат вазибаларини бажарувчи шахсга, мазкур шахснинг ўзи ёки бошқа шахс учун тўғридан-тўғри ёки учинчи шахслар орқали ҳар қандай хусусиятдаги афзалликни таклиф қилиш, ваъда қилиш ёки тақдим қилишдан иборат бўлган хатти-ҳаракатлар актив порахўрлик деб топилди. Демак, Бельгия жиноят қонунчилигига кўра нафақат пора олиш ва бериш, балки порани ваъда қилиш, сўраш, таклиф қилиш ёки шундай таклифни қабул қилиш ҳам жазога сазовор қилмиш ҳисобланади.

Испания Жиноят кодексиди порахўрлик жинояти қонуний ёки ноқонунийлигига кўра икки турга ажратилди. Кодекснинг 419-моддасида мансабдор шахс ёки давлат хизматчисининг ўз хизмат мажбуриятларини бузиши ёки бажармаслиги эвазига ўзи ёки учинчи шахслар фойдасини кўзлаб совға, мукофот ёки ҳар қандай кўринишдаги тақдирлашни қабул қилиши, сўраши ёки қабул қилишга розилик билдириши учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, 420-моддаси шундай хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликларни ўз мажбуриятларини бузмаган ҳолда содир этиш учун ҳам жиноий жавобгарликни назарда тутди.

Литва Жиноят кодекси 226-моддасида ҳам мазкур турдаги қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, суиистеъмол қилиниши учун жавобгарлик юзага келадиган мавқе сифатида шахснинг ижтимоий мақоми, қариндошлик алоқалари, хизмат билан боғлиқ мавқеи, шунингдек, давлат ёки маҳаллий бошқарув органлари ёхуд халқаро ташкилотлар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай алоқалари инobatга олинади.

Литва Жиноят кодекси 1891-моддасига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг 500 бараваридан ошадиган мол-мулкка мазкур мулкнинг қонуний манбадан олинishi мумкин эмаслигини билган ёки билиши мумкин бўлгани ҳолда мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилаётган шахс ноқонуний бойиш учун жиноий жавобгарликка тортилади. Айни чоғда, башарти мол-мулкни учинчи шахсдан қабул қилиб олган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушбу мол-мулкнинг қонунийлиги юзасидан текширув бошланганига қадар унинг шубҳали манбадан олингани ҳақида ўз ихтиёри билан мурожаат қилган тақдирда жиноий жавобгарликдан озод этилади. Эътиборга молик жиҳати шундаки, Литва қонунчилиги нафақат мансабдор шахсларнинг ноқонуний бойлик орттириши, балки ҳар қандай шахснинг ноқонуний бойиши ҳолатини жиноят сифатида эътироф этади.

3) *Осиё давлатлари жиноят қонунчилиги:*

Гонконгда 1971 йилдаги “Порахўрликнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, хоҳ Гонконгда, хоҳ бошқа жойда бўлсин қонуний ваколат ёки асосга эга бўлмагани ҳолда давлат хизматчисининг:

– *давлат хизматчиси сифатидаги ҳар қандай ҳаракатни бажариш ёки бажаришдан воз кечганлиги;*

– *шу ёки бошқа давлат хизматчиси ҳар қандай бошқа давлат хизматчисининг амалга оширилаётган ҳаракатини тезлаштириши, кечиктирганлиги, тақиқлаганлиги ёки олдини олганлиги;*

– *ҳар қандай шахсга давлат идораси билан ҳар қандай бизнесни амалга оширишда ёрдам бериш, уни қўллаб-қувватлаш, тўсқинлик қилиш ёки кечиктириши кабиларни амалга оширганлиги учун ҳар қандай манфаатни тақдим этиши унинг жавобгарликка тортилишига асос бўлади.*

Жанубий Корея Жиноят кодексининг 129-моддаси пора олишдан ташқари пора сўраш ва пора олишга ваъда бериш учун ҳам жавобгарликни белгилайди. Қизиғи, шахснинг пора бериш ҳақида ўз хоҳишини намоён қилиши ҳам жазога сазовор қилмиш сифатида баҳоланади (ЖК 133-модда).

Сингапурнинг “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги қонунида парламент аъзоларининг пора олиши ва уларга пора берганлик жинояти давлат хизматчисининг порахўрлиги жиноятдан ажратилган. Бундан ташқари, мазкур қонунда пора олиш ва беришдан ташқари пора сўраш, қабул қилиш ёки қабул қилишга ваъда бериш, шунингдек, пора беришни ваъда қилиш ёки пора таклиф қилганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган.

Ҳиндистон жиноят қонунчилигига биноан, давлат хизматчиси ёки унинг номидан бошқа бир шахс давлат лавозимини эгаллаб турган вақтида ўз даромадидан ортиқча бўлган мол-мулкка эгалик қилгани ҳолда мазкур мулкнинг қонуний манбасини исботлаб бера

олмаса, жавобгар деб топилади. Ушбу нормада шахсининг жавобгарликка тортилиш доираси унинг муайян бир лавозимни эгаллаб турган даври билан чегаралаб кўйилганини кўришимиз мумкин.

Малайзиянинг 1997 йилдаги коррупцияга қарши қонуни 32-моддасида белгиланишича, прокурор ҳар қандай давлат хизматчисининг амалдаги ва илгариги эгаллаб турган лавозимига кўра эга бўлиши мумкин бўлган даражадан ортиқча бўлган ҳар қандай мулкка эгалик қилаётгани ёки шундай мулкни бошқараётгани ҳақида асосли гумонга эга бўлса, ушбу мулкнинг манбасини кўрсатишни талаб қилиши мумкин ва давлат хизматчиси бундай манбани қониқарли равишда исботлаб бера олмаган тақдирда жиноят содир этишда айбдор деб топилади. Шунингдек, Малайзиянинг 2009 йилдаги "Коррупцияга қарши курашиш комиссияси тўғрисида"ги қонунида порахўрлик жиноятлари пора эвазига амалга ошириладиган ҳаракатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш орқали чегаралаб кўйилган.

Хитой қонунчилигига кўра, мол-мулк ёки харажати унинг қонуний даромадидан ошиб кетган ҳар қандай давлат амалдори, фарқ жуда катта бўлган тақдирда, ўз мулкнинг манбаларини тушунтириш мажбурияти юкланади. Агар у манбалар қонуний эканини исботлай олмаса, унинг қонуний даромадидан ошадиган қисми ноқонуний бойлик деб ҳисобланади. Ҳар қандай давлат амалдори Хитой ташқарисидаги банкда сақланувчи ўз маблағлари ҳақида тегишли тартибда давлатга хабар қилиши шарт.

4) МДҲ давлатлари жиноят қонунчилиги:

Россия Федерациясида 1997 йилда "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Қонуннинг 3-бобида (15-26-моддалар) давлат (муниципал) хизматчиси манфаатлари тўқнашувининг олдини олишга қаратилган бир қатор меъёрлар, шу жумладан, бир йўла бир неча лавозимларда ишлаш чегаралари ва бундай ҳолларда ушбу чекловларга риоя этилиши, даромадлар олиш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича чекловлар, совғалар ва хайр-эҳсонларни олиш бўйича чекловлар белгилаб кўйилган. Қонуннинг 27-32-моддаларни ўз ичига олган 4-бобида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Қозғистон Республикасининг "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги қонуни 2-моддасида коррупцияга таъриф берилган бўлиб, унга кўра коррупция деганда "давлат вазибаларини бажараётган ва уларга тенглаштирилган шахсларнинг ўз хизмат ваколатларидан ва улар билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиб, шахсан ёки воситачилар орқали қонунда кўзда тутилмаган моддий неъматларни ва имтиёзларни қўлга киритиши, шунингдек, мазкур шахсларнинг уларга жисмоний ва юридик шахслар томонидан айтиб ўтилган неъматларни ва имтиёзларни гайриқонуний равишда бериш йўли билан ўз томонига оғдириши" тушунилади.

Грузия жиноят қонунчилиги мавқени суиистеъ-мол қилишга қаратилган ҳаракатлар содир этилганда мазкур ҳаракатлар натижасида таъсир кўрсатишга эришилган-эришилмагани ёки кўрсатилган таъсирнинг кўзланган натижага олиб келган-келмаганидан қатъий назар, бундай қилмишни тугалланган жиноят сифатида баҳолайди. Бундан ташқари, жиноят қонунчилиги поранинг учинчи шахслар фойдасини кўзлаб берилиши ёки олиниши ҳолатини ҳам жиноий қилмиш сифатида баҳолайди. Айтиш жоизки, Грузия қонунчилигида пора олиш ва беришдан ташқари пора сўраш, таклиф қилиш, таклифни қабул қилиш, пора бериш ҳақида ваъда бериш ва бундай ваъдани қабул қилганлик каби ҳаракатлар ҳам жазога сазовор қилмиш сифатида ўз аксини топган.

Украина жиноят қонунчилигида давлат ёки маҳаллий бошқарув функцияларини амалга оширувчи шахс томонидан ўзининг қонуний даромадига нисбатан олти минг рублдан кўпроқ бўлган активларни эгаллаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Юқорида кўрсатилган активлар сифатида пуллар ва бошқа бойликлар, мулквий ҳуқуқлар, номоддий активлар, шу жумладан, криптовалюталар, молиявий мажбуриятларнинг қисқариши ҳамда юқорида кўрсатилган ваколатли шахсга нисбатан амалда бажарилган ишлар ва хизматлар кўзда тутилган.

Арманистон Жиноят қонунчилигида ноқонуний бойиш жиноят сифатида эътироф этилган бўлиб, мамлакат Жиноят кодексининг 310.1-моддасига кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда декларация тақдим қилиши лозим бўлган мансабдор шахсининг мол-мулки ҳисобот даври давомидаги қонуний даромадларига қараганда сезиларли миқдорда кўпайиши ва (ёки) мажбуриятлари камайиши ҳолати мазкур мансабдор шахс томонидан мантиқий жиҳатдан асослаб берилмаган, шунингдек, унинг ҳаракатларида бошқа бир жиноят белгилари мавжуд бўлмаган тақдирда ноқонуний бойиш деб топилади ва жиноий жавобгарликка асос бўлади. Арманистон жиноят қонунчилигидаги пора олиш учун жавобгарлик белгиланган моддалари диспозицияларида хизмат бўйича ҳомийлик қилиш ёки енгиллик яратиш каби ҳаракатлар ҳам қамраб олинган.

Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарликка оид хорижий давлатлар қонунчилиги нормаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили қуйидаги хулосалар қилиш имконини берди:

1. *Ўз.Р. Жиноят кодексининг 192⁹-192¹⁰, 210-214-моддаларига чет эл давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда халқаро оммавий ташкилотлар мансабдор шахслари ва хизматчиларининг пора олиши ёки бундай топфадаги шахсларга нисбатан пора бериш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи ўзгартриш ва қўшимчалар киритилиши керак.*

2. *Жиноят кодексининг порахўрлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари диспозициясига тегишлича ўзгартриш ва қўшим-*

чалар киритиш орқали номоддий қимматликлар ва номулкий манфаатдорликни мазкур жиноятларнинг предмети сифатида белгилаш зарур.

3. Халқаро стандартлар ва хориж тажрибасига асосланган ҳолда пора таклиф қилиш, пора беришни ваъда қилиш, пора сўраш ва пора ҳақидаги таклифни қабул қилиш каби ҳаракатларни тугалланган жиноят сифатида эътироф этиш лозим.

4. Жиноят кодексининг ноқонуний бойлик орттириш жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси куйидагича янги модда билан тўлдирилиши зарур:

“210¹-модда. Ноқонуний бойлик орттириш

Ноқонуний бойлик орттириш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг даромад ва мол-мулк декларациясида назарда тутилган пул маблағи ёки мулкига нисбатан кўп миқдордан ортиқ бўлган бойлик орттириши, башарти мазкур мансабдор шахс ушбу мол-мулкнинг қонуний манбалари ҳақида ишонарли далилларни тақдим этмаса”.

5. “Бойлик орттириш” тушунчаси мазмунини аниқлаштириш мақсадида Жиноят кодекси 8-бўлимига куйидагича ҳуқуқий таърифни киритиш мақсадга мувофиқ:

“Бойлик орттириш — пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар, мулкий ҳуқуқлар ва номоддий активларнинг бевосита ёки бошқа жисмоний ёхуд юридик шахс орқали мулк сифатида қўлга киритилиши, шунингдек, молиявий мажбуриятларнинг қисқариши ҳамда бажарилган ишларни қабул қилиш ва хизматлардан фойдаланиш”.

6. Жиноят кодексини мавқени суиистеъмом қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи куйидагича янги модда билан тўлдириш лозим:

“210²-модда. Шахснинг ўз мавқени суиистеъмом қилиши

Ҳар қандай шахснинг ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган обрўсидан ёки муайян мансабдор шахсларга яқинлигидан фойдаланиши натижасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишига манфаатдор шахснинг манфаатларини кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатиши эвазига қонунга хилоф эканини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий ёки номулкий манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши ёхуд манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши.

Қонунчиликка дунё давлатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда юқоридаги ўзгариш ва қўшимча-

ларнинг киритилиши мамлакатимиз тараққиёти учун фов бўлаётган коррупцияни жиловлашда муҳим омил бўлади.

Садирдин БОЙДЕДАЕВ,
мустақил тадқиқотчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Prevention of Corruption Act (Chapter 241) (Original Enactment: Ordinance 39 of 1960) Revised edition 1993 // [Electronic resource] URL: <https://sso.agc.gov.sg/Act/PCA1960>
2. Ермилин Л. Законодательство Канады: что такое “конфликт интересов”? // Советская юстиция. – 1990. - №23. – С. 32.
3. Prevention of Corruption Act, 1988 // [Electronic resource] URL: <http://legislative.gov.in/sites/default/files/A1988-49.pdf>
4. Уголовный кодекс Грузии (Дата принятия: 22.07.1999) // [Электронный ресурс] URL: <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf>
5. Código Penal Colombiano - Ley 599 de 2000 // [Electronic resource] URL: https://leyes.co/codigo_penal.htm
6. Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III (Принят 18 апреля 2003 года) // [Электронный ресурс] URL: http://continent-online.com/Document/?doc_id=30418109 (дата обращения: 07.05.2020).
7. Criminal Code of the Kingdom of Spain // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/6443/file/Spain_CC_am2013_en.pdf
8. Criminal Code of Luxembourg // [Electronic resource] URL: https://www.Legislationline.org/download/id/8273/file/Luxembourg_Criminal_Code_am2018_fr.pdf
9. Republic of Korea: Criminal Code [Republic of Korea], 3 October 1953 // [Electronic resource] URL: <https://www.refworld.org/docid/3f49e3ed4.html> [accessed 7 May 2020]
10. Criminal Code of the French Republic // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/8546/file/France_CC_am012020_fr.pdf
11. Criminal Code of the Kingdom of Netherlands // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/6415/file/Netherlands_CC_am2012_en.pdf
12. Criminal Code of the Kingdom of Belgium // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium_CC_1867_am2018_fr.pdf
13. Criminal Justice (Corruption Offences) Act 2018 // [Electronic resource] URL: <http://www.irishstatutebook.ie/eli/2018/act/9/enacted/en/html>
14. Criminal Code of Lithuania // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/8272/file/Lithuania_CC_2000_am2017_en.pdf
15. Cap. 201 Prevention of Bribery Ordinance // [Electronic resource] URL: <https://oelawhk.lib.hku.hk/items/show/2838>
16. URL: <http://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/934510>
17. <https://kun.uz/news/2021/12/29/korrupsiyaga-qarshikurashish-yuzasidan-jamoatchilik-fikri-natijalari-elon-qilindi>
18. <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/04/19/korrupsiyaholati-va-omillari-tog-risida-zhamoatchilik-fikri-organildi-2-qism>
19. URL: <http://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/934510>
5. Title 18 of the United States Code // [Electronic resource] URL: <https://uscode.house.gov/browse/prelim@title18&edition=prelim>
20. Código Penal de la Nación Argentina // [Electronic resource] URL: <http://servicios.infoleg.gob.ar/infolegInternet/anexos/15000-19999/16546/texact.htm>
21. Código Penal de Chile // [Electronic resource] URL: <https://www.leychile.cl/Navegar?idNorma=1984>
22. Malaysian Anti-Corruption Commission Act 2009 // URL: [http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20\(15_5_2015\).pdf](http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20(15_5_2015).pdf)
23. Criminal Law of the People's Republic of China // [Electronic resource] URL: <https://www.fmprc.gov.cn/ce/cgvienna/eng/dbtyw/jdwt/crimelaw/t209043.htm>
24. Уголовный кодекс Республики Армения // [Электронный ресурс] URL: <https://www.arlis.am/documentview.aspx?docid=63312>



**Максуд
НИЯЗОВ,**
и.о. доцента
кафедры
уголовного
права Выс-
шей школы
судей

СПЕЦИАЛЬНЫЕ ТРЕБОВАНИЯ ДОПУСТИМОСТИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ, ПОЛУЧЕННЫХ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ НА СТАДИИ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ

АННОТАЦИЯ:

в статье анализируются особые аспекты оформления результатов и материалов оперативно-розыскной деятельности (далее- ОРД), в частности оговариваются вопросы оформления различных документов в ходе проведения оперативно-розыскных мероприятий (далее-ОРМ) и указываются особые требования по проведению конкретных его видов, исходя из специфики самого мероприятия, определяемого требованиями нормативных актов. Кроме того, в данной статье указаны научные подходы о возможностях использования доказательств, полученных в результате проведения ОРМ, а также этапы вовлечения материалов ОРМ в доказывание и раскрыты специальные требования к допустимости указанных материалов.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, материалы ОРД, легализация оперативных материалов, объективность, достоверность, проверяемость, специальные требования допустимости материалов ОРД.

Актуальность и значимость исследований в сфере ОРД предопределена растущим интересом к данной сфере и потребностью в более широком использовании возможностей в деятельности по уголовно-процессуальному доказыванию.

